

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



**“Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назорат”
кафедраси**

**“Тергов фаолияти” йўналиши тингловчиси
ЮЛДОШБЕКОВ АВАЗБЕК АЛИШЕР ЎҒЛИНИНГ**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

мавзусидаги

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий раҳбар: Ф.З.Мирзаев

Илмий маслаҳатчи: И.Р.Астанов (ю.ф.д. проф)

ТОШКЕНТ – 2022

Аннотация. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришни янги босқичга кўтариш, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларида адвокат нуфузи ва процессуал мақомини ошириш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Мазкур диссертацияда айнан ҳимоячининг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш масаласи таҳлил қилинган.

Аннотация. Поднятие на новый уровень совершенствования системы защиты прав человека в стране, надежная защита прав и интересов личности, повышение престижа и процессуального статуса адвоката на всех стадиях уголовного судопроизводства, обеспечение гарантий защиты интересов граждан. прав и интересов в суде и правоохранительных органах принимаются меры по укреплению доверия к системе.

Результаты анализа судебной практики показывают, что механизмы обеспечения защиты прав и свобод личности в уголовном судопроизводстве реализованы не в полной мере, а также имеются пробелы в законодательстве, позволяющие четко определить полномочия правоохранительных органов по проведению расследования. уголовные дела. В данной диссертации анализируется вопрос защиты прав адвокатов.

Annotation. Raising to a new level of improvement of the human rights protection system in the country, reliable protection of the rights and interests of the individual, increasing the prestige and procedural status of a lawyer at all stages of criminal proceedings, ensuring guarantees for protecting the interests of citizens. rights and interests in court and law enforcement, measures are taken to build confidence in the system.

The results of the analysis of judicial practice show that the mechanisms for ensuring the protection of the rights and freedoms of the individual in criminal proceedings are not fully implemented, and there are also gaps in the legislation that make it possible to clearly define the powers of law enforcement agencies to conduct an investigation. criminal proceedings. This dissertation analyzes the issue of protecting the rights of lawyers.

Мундарижа

Кириш.....	4-9
I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10-37
1.1-§. Жиноят процесси босқичларида ҳимоя функцияси: моҳияти ва процессуал табиати	10-20
1.2-§. Жиноят процессида тортишув принципининг ўрни ва аҳамияти.....	21-37
II БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ БОСҚИЧЛАРИДА ҲИМОЯЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	38-60
2.1-§. Жиноят процессининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида ҳимоячи иштирокини таъминлаш масалалари.....	38-54
2.2-§. Жиноят процессининг суд босқичида ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилиши.....	55-60
III БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.....	61-86
3.1-§. Хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳимоя масалалари	61-73
3.2-§. Жиноят процессида ҳимоячининг ҳуқуқий мақоми.....	73-86
Хулоса.....	87-91
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	92-98
Иловалар.....	99-138

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Барчамизга маълумки, ҳозирда дунё бўйича инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда адвокатнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда 80 000 дан ортиқ адвокатлар ва 200 дан зиёд адвокатлар ассоциацияларини ҳамда 170 га яқин ҳуқуқшунослик жамиятларини бирлаштирган ҳолда фаолият олиб борувчи Халқаро адвокатлар Ассоциацияси адвокатларнинг ташқи аралашувсиз касбий фаолиятини амалга оширишини қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги¹ ҳам бутун дунёда адвокатлик касбига қаратилаётган эътибордан далолат бермоқда. Бинобарин, ишни судга қадар юритиш ва суд жараёнларида ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилиши учун шарт-шароитларнинг яратилиши инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг муҳофазасига хизмат қилади. Бугунги кунда БМТга аъзо барча давлатлар томонидан ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш борасида қўллаб-саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жаҳонда адвокатларнинг ўз касбий фаолиятларини амалга оширишлари учун зарур ҳуқуқий майдонни яратиш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, жиноят процессида айблов тарафи билан тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши учун етарли шароит яратиш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришни янги босқичга кўтариш, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларида адвокат нуфузи ва процессуал мақомини ошириш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, фуқароларнинг

¹ [http://www.mcca.su/partnership/international_bar_association/International Bar Association//The global voice of the legal profession](http://www.mcca.su/partnership/international_bar_association/International%20Bar%20Association/The%20global%20voice%20of%20the%20legal%20profession)

ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш²га қаратилган чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳимоячининг ўз касбий фаолиятини амалга ошириши учун тўлақонли ҳуқуқларга эга эмаслиги, уларни амалга ошириш механизмининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда муайян тўсиқларнинг, жумладан, исбот қилиш жараёнидаги иштироки ва далиллар тўплаш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширишдаги қонунчиликдаги коллизия нормаларнинг мавжудлиги ушбу соҳани тадқиқ этиш заруриятидан далолат беради.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майда қабул қилинган “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5441-сонли, 2018 йил 14 майда қабул қилинган “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3723-сонли, шунингдек 2019 йил 13 декабрда қабул қилинган “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4551-сонли, 2020 йил 10 августда қабул қилинган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6041-сонли, 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот объекти жиноят процессида ҳимоячи сифатидаги адвокат фаолияти билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ–4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., №6., 70-м.

Тадқиқот предмети жиноят процессида ҳимоячининг ишни юритишдаги ҳуқуқлари ва иштирокини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят процессининг барча босқичларида ишни юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини амалга оширишдаги муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш, унинг процессуал мақомини таҳлил этиш ва шу асосда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жиноят процессида ҳимоячи фаолиятининг назарий асосларини ва процессуал табиатини таҳлил этиш, хусусан ҳимоя функциясининг амал қилишини босқичларга бўлиб таснифлаш ҳамда ҳимоя тушунчаси моҳиятини очиб бериш;

ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг таъминланиши масаласини тадқиқ этиш ҳамда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш усули сифатида ишни судга қадар юритишда фаолият олиб борувчи тергов судьяси институти жорий этилишини ва унинг ҳимоячи фаолиятидаги аҳамиятини ўрганиш;

жиноят процесси босқичларида ҳимоячи иштирокининг таъминланиш ҳолатини ва бу борадаги муаммоларни тадқиқ этиш;

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилиши хусусиятларини очиб бериш;

ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш йўналишларини белгилаш;

жиноят процессида ҳимоячининг исбот қилишдаги иштирокини таҳлил этиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципининг таъминланишига, ҳимоячи ҳуқуқларининг кенгайишига ҳамда айблов ва ҳимоя тарафи фаолияти устидан холис суд назоратининг муваффақиятли амалга оширилишига эришиш мақсадида тергов судьяси институтини қонунчиликка жорий этиш лозимлиги асослантилган;

ишни судга қадар юритишда тарафлар тенг ҳуқуқлилиги ва тортишув шароитини вужудга келтириш, ҳимоячи фаолиятидаги тўсиқларни бартараф этиш, унинг процессуал ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш мақсадида ЖПКнинг бир нечта моддаларини янги таҳрирда баён этиш лозимлиги асослантилган;

ҳимоячини ишга таклиф этишнинг янгича тартибини акс эттириш ва моддани янги тўртинчи қисм билан тўлдириб, ушбу тартибга риоя этмаганлик учун ҳуқуқий оқибатни белгилаш шартлиги асослантилган;

ҳимоячини исбот қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга шахс сифатида қонунчиликда акс эттириш шартлиги асослантилган.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар И.Р.Астанов, Д.Б.Базарова, Д.М.Чориева, Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, К.Ишниязов, Б.А.Миренский, Э.Х.Норбўтаев, Б.Х.Пулатов, Б.А.Ражабов, Ғ.А.Рамазонова, Х.А.Раҳмонқулов, С.М.Раҳмонова, М.Х.Рустамбаев, Б.Саломов, Г.П.Саркисянц, Г.З.Тулаганова, У.А.Тухташева, Б.Б.Хидоятлов, С.Б.Хўжақулов, А.О.Шарафутдиновларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган. Жумладан, М.Х.Рустамбаев, У.А.Тухташева адвокатлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, И.Р.Астанов процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокат томонидан махсус билимлардан фойдаланиш имкониятларини, Б.Саломов адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятини, Г.З.Тулаганова жиноят ишларини юритишда ҳимоячи иштирокини, Д.Б.Базарова жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичида адвокат иштирокини, Д.М.Чориева ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларини илмий тадқиқот даражасида

ёритган. К.Ишниязов эса “Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида ҳимоячи иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусида илмий тадқиқот олиб борган.

Ҳимоячининг ишни судга қадар юритишдаги ҳуқуқий мақоми ва унинг исбот қилиш билан боғлиқ фаолиятига оид муаммолар МДҲга аъзо давлатларда Р.С.Белкин, М.Ж.Битокова, А.А.Васяев, А.Н.Ведерников, Т.Ю.Герасимова, А.Д.Героев, К.Ф.Гуценко, А.Давлетов, К.Б.Калиновский, З.Ф.Коврига, И.С.Краскова, П.А.Лупинская, Е.Г.Мартынчик, И.Е.Милова, Э.Х.Надысева, К.А.Наумов, И.Л.Петрухин, И.А.Пикалов, И.А.Ретюнских, А.П.Рыжаков, А.В.Смирнов, М.Б.Смоленский, Ю.И.Стецовский, И.И.Схаляхо, И.В.Тишутина, И.Л.Трунов, А.С.Ургалькин, С.А.Шейфер, Л.Ю.Супова, Д.М.Ямбаева, И.С.Яртых томонидан, хорижлик олимлардан S.C.Thaman, T.M.Wille³ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Бироқ юқоридаги тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ишни судга қадар юритиш: терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов босқичларида ҳимоячи процессуал мақоми мустаҳкамлаш, ҳуқуқларини кенгайтириш, унинг исбот қилишдаги иштирокини комплекс концептуал таҳлил қилиш амалга оширилмаган.

Тадқиқот доирасида қўлланилган усуллар. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихийлик, тизимли-таркибий ёндашув, анализ ва синтез, мантиқий-юримдик, формал-юримдик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик ҳамда ижтимоий сўровлар ўтказиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар жиноят-процессуал ҳуқуқи ва адвокатура фанлари назариясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилган хулосалардан келажакда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юриспруденция йўналишидаги олий ўқув юртларида дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу тадқиқот иши ишни судга қадар

³ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти келгусида ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш, унинг процессуал мақомини янада мустаҳкамлаш ва фаолият механизмини тартибга солувчи нормаларни ишлаб чиқиш орқали жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан қонун лойиҳалари ҳамда бу борадаги амалиётни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилишида ифодаланади.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертацияси унда таҳлил қилинган муаммоларнинг моҳиятидан келиб чиқиб, кириш, олти параграфдан иборат уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, жами 138 бетни ташкил этади.

I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Жиноят процесси босқичларида ҳимоя функцияси: моҳияти ва процессуал табиати

Маълумки, жамият ва давлатнинг ҳимоя ҳуқуқига нисбатан муносабатини ушбу жамиятдаги демократия, инсонийлик ва қонунийлик даражалари белгилаб беради. Давлат жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чегаралайди, ҳаттоки айрим ҳуқуқларидан маҳрум этади. Бирок давлат шахснинг айбловдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаб беришга масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг йиллар кесимидаги иш фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлари таҳлил қилинганида, жиноят процессида адвокатларнинг саъй ҳаракатлари билан реабилитация этилган жиноят ишлари 2019 йилда 932 тани, 2020 йилда 1306 тани, 2021 йилда эса 3884 тани ташкил этганини кўриш мумкин. Бу эса йил сайин мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устун қўйилаётганлигини яна бир бор исботламоқда.

Жиноят процесси нормаларида фуқароларнинг ҳимояланиш усул ва воситалар тизими шаклланади. Жиноят процесси ҳуқуқий шакл сифатида муайян субъектларнинг манфаатга асосланган фаолиятларидан ташкил топган. Булар: айблов функцияси, ҳимоя функцияси ва ишни ҳал этиш функциясидир.

Жиноят-процессуал функция тушунчаси жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида етарли тарзда тадқиқ этилган бўлиб, шунга мувофиқ, жиноят-процессуал функция – жиноят процесси нормаларини амалга ошириш юзасидан жиноят процессининг тегишли субъектлари томонидан ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган жиноят-процессуал фаолият йўналиши сифатида кўрилади ҳамда функциянинг амал қилиши жиноят-процессуал фаолият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга ошишида намоён бўлади .

Жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи айбловдан ҳимояланиш нуқтаи назаридан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган асосий иштирокчилар ҳисобланади.

Ҳимоячи, адвокат – гумон қилинувчи, айбланувчи (бошқа процесс иштирокчиларини) ҳуқуқ ва манфаатларини жиноят процессуал кафолатловчи, уларга жиноят ишини кўриш жараёнида юридик ёрдам берувчи шахсдир⁴.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

Бундан ташқари, жиноят процесси иштирокчиларидан яна бири бу гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилидир.

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади.

Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қонуний вакиллик умумий ҳимоя институтидан фарқли ўлароқ, вакиллик қилинаётган ҳуқуқий муносабат субъекти алмаштирилишини англамайди. Қонуний вакил вакиллик қилаётган шахс ўрнига эмас, балки у билан бирга ўз қарамоғидаги шахснинг ҳуқуқлари

⁴ Курс уголовного процесса / Под ред. д.ф.н., проф. Л.В. Головки. – М.: Статут, 2016. – С. 357.

ҳимояси ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишига, у томонидан ўз процессуал мажбуриятларини бажаришга ёрдам беради⁵.

Ҳимоя функцияси моҳияти юзасидан бир қатор олимлар ҳам ўз фикрларини билдирган бўлиб, хусусан, россиялик И.А.Пикаловнинг фикрича ҳимоя функцияси – жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятни ўзида акс эттиради⁶. Фикримизча, И.А.Пикаловнинг ушбу таърифи ҳимоя функцияси моҳиятини тор маънода тушунишга олиб келади. Шу сабабли ҳам, Н.А.Дмитриева ҳимоя функциясининг моҳиятини кенгрок маънода ифодалашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳимоя функцияси жиноят процессининг фаолият йўналиши сифатида икки элементдан таркиб топган:

1. Ҳимоячининг гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш бўйича фаолияти.

2. Ҳимоячининг гумон қилинувчи ва айбланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки оқловчи ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим этишга қаратилган жиноят ишлари бўйича исбот қилишда иштирок этиш билан боғлиқ фаолияти⁷. Н.А.Дмитриеванинг ушбу фикри ҳимоячи фаолиятини умумлаштиришдан келиб чиққан ҳолда ҳимоя функцияси моҳиятини тушунишга имкон беради.

Стефан Тэман эса ҳимоя функцияси куйидаги процессуал ҳаракатлардан келиб чиқиб амал қилишини таъкидлайди:

1) ҳибсга олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва дастлабки терговни бошлаш; 2) гумон қилинувчини судга қадар ушлаб туриш тўғрисида қарор қабул қилиш; 3) гумон қилинувчини жиноят содир этганликда айблаш

⁵ Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дасрлик. Муаллифлар жамоаси// - Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017. – 111-бет.

⁶ Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005. Allpravo.Ru – 2005.

⁷ Дмитриева Н.А. Функция защиты в российском уголовном процессе и роль в ней института адвокатуры. Автореф.диссер. ... канд. юрид. наук. –Москва, 2006. –С.14-15.

тўғрисида қарор қабул қилиш; 4) ишни судда кўриб чиқишга тайёрлаш учун далиллар етарлилигини дастлабки тарзда судгача баҳолаш (дастлабки эшитув); 5) айбдорлик тўғрисидаги қарорни қабул қилиш (суд жараёни); 6) судлаш учун етарли далиллар мавжудлиги, янги суд жараёнини талаб қиладиган хатоларга йўл қўйилганлиги ёки оқланган шахс қайта судланиши мумкинлиги тўғрисидаги суддан кейинги қарорларни қабул қилиш жараёни⁸. Назаримизда, Стефан Тэманнинг ушбу фикрлари химоя функцияси моҳиятини кенгроқ тушуниш имконини беради. Бироқ бунда Стефан Тэман химоячининг шахс ушланган ҳолатида ҳамда терговга қадар текширувда шахс ҳуқуқларига нисбатан ҳам амал қилиши зарурлигини эътибордан четда қолдирган. Стефан Тэманга яқин фикрни К.Ишниязов ҳам келтириб ўтади. Унинг таъкидлашича, химоя функциясининг амал қилиши 4 муҳим босқичга бўлинади:

1. Дастлабки босқич;
2. Гумон қилинувчи билан ишлаш босқичи;
3. Айбланувчи билан ишлаш босқичи;
4. Жиноят процессининг суд муҳокамасида химояни амалга ошириш билан боғлиқ босқич⁹.

Бунда К.Ишниязов дастлабки босқич сифатида химоячини дастлабки терговда иштирок этиш учун таклиф этишдан иборат бўлган босқични назарда тутди. Бироқ бизнинг фикримизча, химоя функцияси жиноят процессининг дастлабки терговдан олдинги босқичларида ҳам амал қилиши зарурдир.

Шу ўринда айтиш мумкинки, химоя функцияси жиноят процессининг айблов ва ишни ҳал этиш функциялари билан бевосита боғлиқликда амал қилади. Яъни айблов (жинойт таъқиб)га қарама-қарши бўлган химоя функцияси ўз мазмунига кўра, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг

⁸ *Thaman, S.C. (2015) Criminal Procedure: Adversarial and Inquisitorial Legal Systems. International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences, 227–231. doi:10.1016/b978-0-08-097086-8.86152-8.*

⁹ *Ишниязов К. Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия. Дис. ... канд. юрид. наук. –Ташкент, 2006. –С.20.*

процессуал ҳаракатлари ва қарорларини рад этиш, уларга қарама-қарши бўлган ҳулоса, таклиф ҳамда енгиллаштирувчи баҳо бериш ҳамда ишни ҳал этиш функциясини бажарувчи судга ушбу ҳужжатлар устидан шикоят қилиш хусусиятига эга ҳисобланади. Шунингдек, ишни судга қадар юритишда ярашув тўғрисида ариза мавжуд бўлганда гумон қилинувчи ва айбланувчига уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тушунтириш, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш учун илтимоснома киритиш, амнистия актини қўллаш тўғрисида ариза беришда ҳам ҳимоя функцияси амал қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда биз ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг амал қилишини қуйидаги босқичларга бўлиб таснифлашни таклиф этамиз:

1. *Терговга қадар текширувда ҳимоя функцияси* – терговга қадар текширув ҳаракатлари ўзига нисбатан олиб борилаётган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат босқич. Мазкур босқич ўзида ҳимоячининг терговга қадар текширув ҳаракатларига таклиф этилишини, унинг иштироки моҳиятини белгилайди. Терговга қадар текширув ҳаракатларига ҳимоячини таклиф этишнинг аҳамияти шундаки, бугунги кундаги суд-тергов амалиётига мувофиқ, жиноят юз берганлиги юзасидан хабар келиб тушиши ва рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ҳолатни аниқлаштириш мақсадида қўшимча ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиб олиш ҳамда шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни қўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш¹⁰ ва ушбу жараёнда муайян шахсларнинг мазкур ҳаракатларга жалб этилиши кузатилади, бироқ ушбу шахсларнинг процессуал мақоми ЖПКда белгиланмаганлиги сабабли, уларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи ҳам қонуний тартибга солинмаган. Аммо шуни таъкидлаш ўринлики, жуда кўп ҳолатларда айнан терговга қадар текширув

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 329-модда//17.09.2021 й.ўзгаришлари билан, ҚҲММБ: 03/21/716/0877-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

ҳаракатларида ҳимоячининг ҳуқуқий ёрдамига кўпроқ эҳтиёж сезилади, шахслар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари қаршисида ўзини йўқотиб қўйиши, қўрқиши ёки ҳуқуқларини тўлақонли билмасликлари натижасида ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зид бўлган ҳаракатларни амалга ошириши, кўрсатмалар бериши каби ҳолатларга йўл қўйилиши кузатилади. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида терговга қадар текширувда ҳимоя функциясининг амал қилиши, яъни ҳимоячи иштироки таъминланиши зарур ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу босқичдаги ҳимоя функциясининг аҳамияти шундаки, бунда муайян иш юзасидан жиноят ишини қўзғатиш юзасидан қарор чиқмаган бўлади ва ҳимоя функцияси муайян шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатишни олдини олишга қаратилган бўлади.

2. Гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашда ҳимоя функцияси – гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, ҳимоя позициясини танлаш, тергов ҳаракатларида иштирок этиш йўли билан ҳимоя позициясини мустаҳкамлаш, зарурий асослантирувчи ҳужжатларни талаб қилиш, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояси учун далиллар тўплаш ва уларни тақдим этишдан иборат босқич ҳисобланади.

3. Ишни судга қадар юритиш босқичларида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда, айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тузишда, амнистия актини қўллашда, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда ҳимоя функцияси – гумон қилинувчи ва айбланувчининг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳимоячи томонидан тушунтириб берилишида ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш юзасидан илтимосномалар киритилишида намоён бўлади.

4. Дастлабки эшитувда ҳимоя функцияси – қўшимча далиллар тўплашга қаратилган тергов ҳаракатларини ўтказиш юзасидан ҳимоячининг илтимосномалар беришида намоён бўлади.

5. *Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ҳимоя функцияси* – “ҳимоя хулосаси”нинг тайёрланишида акс этади. Ҳимоячи томонидан ҳимоя хулосаси тайёрланиб, топширилиши ҳимоя тарафининг процессуал мақоми ошишига, унинг ҳуқуқ ва процессуал имкониятлари айблов тарафи билан тенглашишига олиб келади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳимоя функциясининг амал қилиши ҳимоя ҳуқуқини келтириб чиқаради. Ҳимоя ҳуқуқи юзасидан олимлар ўртасида турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, хусусан Т.М.Вилле ҳимоя ҳуқуқи жинойт процессини фуқаролик процессидан ажратиб туришини таъкидлайди. Чунки фуқаролик процессида ҳимоя ҳуқуқи ҳақида эмас, балки шахсларнинг ҳуқуқий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи ҳақида сўз юритилади¹¹.

Шу ўринда ҳимоя тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиб, шунини айтиш мумкинки, ҳимоя – ҳар бир шахснинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатидир. Бироқ шунга қарамай, амалдаги ЖПКда ҳимоя тушунчасига таъриф бериб ўтилмаган. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарорида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи дейилганда – вужудга келган гумон ҳамда қўйилган айбловни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун тарафидан берилган процессуал имкониятлар йиғиндиси тушунилиши белгиланган бўлсада, бироқ ушбу таъриф ҳам ҳимоя тушунчасининг моҳиятини тўлақонли очиб бера олмайди. Шу сабабли айтиш мумкинки, ҳимоя тушунчасининг бутун мазмунини ўзида акс эттирувчи норма нафақат ЖПКда, балки жинойт-процессуал қонунчиликда мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган олимлар фикрлари ва хорижий давлатлар жинойт-процессуал кодексларида келтирилган ҳимоя тушунчасига берилган таърифлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳимоянинг асосий

¹¹ Wille, Tobias Michael (2012): Recht auf wirksame Verteidigung. In: Andreas Kley und Klaus A. Vallender (Hg.): Grundrechtspraxis in Liechtenstein. Schaan: Verlag der Liechtensteinischen Akademischen Gesellschaft (Liechtenstein Politische Schriften, Bd. 52), P. 435-484.

мақсади – жиноятни содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гумонни рад этиш, айбловни юмшатиш, жазони енгиллаштириш ҳамда ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилишдан иборатдир. Ҳимоя ҳуқуқи жиноят процессининг барча босқичларида таъминланади.

Адвокат тушунчаси ҳимоячи тушунчасига нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, адвокат қуйидаги тоифадаги жиноят процесси иштирокчиларига малакали юридик ёрдам кўрсатади¹², булар:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига – ҳимоячи сифатида;

2) жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарга – вакил сифатида;

3) вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчига – қонуний вакил сифатида;

4) гувоҳга – адвокат сифатида.

Айтиш мумкинки, адвокатнинг ҳимоячи сифатидаги жиноят процессидаги иштирокининг асосий мақсади – ҳимояси остидаги шахсни оқлаш ёки унинг жавобгарлиги ва жазо чорасини енгиллаштиришдан иборатдир.

Ҳимоя тушунчасига Жиноят-процессуал кодексда таъриф бериб ўтилмаганлиги эса Кодекснинг 23-моддаси мазмунини англашда ва ҳимоячи фаолиятининг моҳиятини таҳлил этишда тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Мазкур модда мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, айбланувчи ўз айбсизлигини исботлаши мумкин, бироқ бу – унинг ҳуқуқи, мажбурияти эмас. Исбот қилиш мажбурияти дастлабки терговда

¹² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 49-66¹-модда//17.09.2021 й.ўзгаришлари билан, ҚҲММБ: 03/21/716/0877-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

терговчининг, судда эса давлат айбловчисининг мажбурияти ҳисобланади¹³. Ҳимоячи фаолиятининг моҳиятига ва айбсизлик презумпцияси мазмунига аниқлик киритиш мақсадида ҳимоя тушунчасига ЖПКда таъриф бериб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтирилган таҳлил ва фикрлардан келиб чиққан ҳолда **ҳимоя тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифини беришни таклиф этамиз:**

Ҳимоя – юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиши ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътиборни қаратиш, жинойт содир этилганлигига оид маълумотлар, жинойт ишини қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар асослилигини текшириш, далиллар тўплаш ва тақдим этиш асосида исбот қилишни амалга ошириш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан иборат бўлган, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда уларнинг ноқонуний равишда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

Жинойт-процессуал қонунчиликни таҳлил этиш натижасида ҳимояни **ихтиёрий** ва **зарурий ҳимояга** ажратишимиз мумкин. Ихтиёрий ҳимоя тушунчаси ўзида шахсларнинг ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш эркинлигини акс эттирса, зарурий ҳимоя эса, ўз-ўзини ҳимоя қилишга жисмоний, ақлий ёки молиявий жиҳатдан имконияти чекланган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланишини ўзида акс эттиради. Ихтиёрий ҳимояга мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ихтиёрий равишда ва танлов асосида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланса, зарурий ҳимоя эса давлат томонидан ҳимоячига ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Айтиш мумкинки, ҳимоячига эга бўлиш ва умуман ҳимоя

¹³ Карапетян С.Э. “Понятие презумпции невиновности”/ <http://www.smolprok.ru/>

хукукидан фойдаланиш бу аслида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг хукуқи, мажбурияти эмас. Шу сабабли айрим давлатлар қонунчилиги (**Англия**¹⁴) ихтиёрий ҳимоядан ташқари бошқа ҳимояни тан олмайди. Аммо бошқа бир давлатлар қонунчилигида (**Германия, Франция**¹⁵) ихтиёрий ҳимоядан ташқари мажбурий ҳимоя ҳам амал қилади. Бунда ихтиёрий ҳимоя гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан ҳимоячининг таклиф этилиши ёки унинг илтимоси билан тайинланиши асосида амал қилса, мажбурий ҳимояда эса ҳимоячи гумон қилинувчи ёки айбланувчининг илтимоси ёки хоҳишидан қатъий назар қонун талаби асосида тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасида белгиланган жиноят процессида ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларни таҳлил қилиб, бизнинг мамлакатимизда ҳам *ҳимоя хукуқи ихтиёрий ва зарурий тарзда амал қилади*, дейиш имкониятига эгамиз.

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг илмий-назарий фикрлари, хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб, **ЖПКга ҳимоя тушунчасини киритган ҳолда кодекснинг 24-моддасини қуйидагича янги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз:**

“24-модда. Ҳимоя хукуқининг таъминланиши

Ҳимоя – юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиши ёки жавобгарликни енгиллаштириши мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътиборни қаратиши, жиноят содир этилганлигига оид маълумотлар, жиноят ишини қўзғатиши учун асос бўлган ҳолатлар асослилигини текшириши, далиллар тўплаш ва тақдим этиши асосида исбот қилишни амалга ошириши, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан

¹⁴ Калиновский К.Б. Уголовный процесс современных зарубежных государств. Учебное пособие.– Петрозаводск. Издательство Петрозаводского государственного университета, 2000. –С.24.

¹⁵ Калиновский К.Б. Уголовный процесс современных зарубежных государств. Учебное пособие. – Петрозаводск. Издательство Петрозаводского государственного университета, 2000. –С.10-16.

иборат бўлган, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда уларнинг ноқонуний равишида бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

Ҳимоя ихтиёрий ва зарурий равишида амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳимоя ҳуқуқи субъектлари ҳисобланади.

Ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ҳимоя ҳуқуқига эга.

Ҳимоя ҳуқуқи терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ва маҳкумга унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланган ҳолда чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади”.

1.2. Жиноят процессида тортишув принципининг ўрни ва аҳамияти

Жиноят процесси принциплари ўз тизимининг элементлари сифатида ҳаракат қилади, яъни улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган асосий ҳуқуқий қоидалар тизимидир. Шу билан бирга, жиноят процесси тамойилларининг ҳар бири иштирокчиларнинг жиноят-процессуал фаолиятини амалга ошириш нуқтаи назаридан мустақил ҳуқуқий ҳодиса сифатида қаралиши керак. Тортишув тамойили жиноят процессининг марказий, асосий принципларидан бири бўлиб, у жиноят-процессуал қонунчилигининг инъикоси ва маъносини англатади, жиноят-процессуал ҳуқуқининг кўп жиҳатларини ўзгартириб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг иш фаолиятига оид статистик маълумотлар йиллар кесимида таҳлил қилинганида, жиноят процесси давомида ҳимоячиларнинг саъй ҳаракатлари билан судланувчи қилмишларининг тавсифи унинг фойдасига ўзгартирилган жиноят ишлари сони 2019 йилда 3727 тани, 2020 йилда 4460 тани, 2021 йилда эса 8637 тани ташкил этган. Бу эса жиноят процессининг суд босқичида тортишув принципининг ўрни нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида адвокатларнинг процессуал ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш орқали тарафларнинг ўзаро тортишув тамойилини амалда рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, “хабеас корпус” институтини қўллаш қўламини, жумладан судгача бўлган босқичда амалга ошириладиган процессуал қарорлар ва ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш институтини жорий

этиш орқали кенгайтириш масалалари устувор вазифа сифатида белгилаб берилган¹⁶.

В.В.Новик ҳақли равишда "Низони адолатли ҳал этиш имкониятини яратувчи ва тўғри қарор қабул қилувчи тортишув ҳуқуқий маданиятнинг энг кимматли ютуғи деб эътироф этилади"¹⁷ дея таъкидлаган.

Шу ўринда тортишув принципнинг мазмунига тўхталиб, шунини айтиш мумкинки, тортишув принципи ҳимоя ҳуқуқининг асосий қафолати сифатида намоён бўлади, яъни мазкур принципнинг амал қилиши иш юзасидан “тарafdор” ва “қарши” хусусиятга эга бўлган барча фикрларни таққослаш йўли орқали ҳақиқатни аниқлашга эришиш имконини беради. Тортишув принципнинг таъминланмаслиги гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳимоя ҳуқуқи бузилиши ҳисобланади, чунки ҳимоя ҳуқуқи айбловни рад этиш ҳуқуқисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас¹⁸. Тортишув принципнинг таъминланиши эса ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга ошишига, унинг процессуал имкониятлари кенгайтишига олиб келади. Тортишув принципнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, М.С.Жамборов қуйидагиларни таъкидлайди: “тортишув принципнинг мазмунини – тарафларга ўзларидаги мавжуд далиллар асосида холис суд иштирокида ўз ҳуқуқий позициясини намоён этиш ва қарши тарафнинг далилларига нисбатан баҳсга киришиш имконини берувчи суд иш юритуви давомида ҳақиқатни аниқлашга қаратилган қонуний усул ва услублар ташкил этади¹⁹”.

Н.А.Грешнова эса бу борада “тортишувнинг принцип сифатидаги моҳияти қарама-қарши процессуал манфаатларга эга бўлган тарафларнинг иш юзасидан позицияси моддий ва процессуал асослар бўйича ягона тўғри

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон)/

¹⁷ Новик В.В. Состязательность сторон и противодействие адвоката уголовному преследованию: процессуальные и криминалистические аспекты // Вестник криминалистики. 2007. Вып. 2. С. 15.

¹⁸ Герасимова Т.Ю. Проблемы реализации принципа состязательности на досудебных стадиях уголовного процесса. Дисс.... канд. юрид. наук. –Краснодар, 2017. -С.25-26.

¹⁹ Жамборов М.С. Конституционный принцип состязательности как способ аргументированного обоснования правовой позиции сторон в российском судопроизводстве//научн.статья//Актуальные проблемы российского права. 2013. № 4. -С. 424.

позиция эканлигига мустақил арбитр бўлган судни ишонтиришдан иборатдир²⁰ дейди.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тортишув принципи бу ўзаро қарама-қарши тарафларнинг ўзларидаги мавжуд далиллар асосида иш юзасидан ҳақиқатга эришиш мақсадидаги “кураши”дир. Бунда тарафлар сифатида айблов ва ҳимоя тарафи ҳамда ишни холис ҳал этувчи орган сифатида суднинг намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Тортишув принципи унинг иштирокчиларига қонунда белгиланган ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиб, ўзининг позициясини амалга оширишга имконият яратади. Бу ҳуқуқ тарафларга далиллар тўплаш, тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга молик ҳар қандай масала бўйича ўз фикрини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланишни кафолатлайди.

Жиноят процессида тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойили қуйидаги асосий элементлар билан характерланади:

-ўз вазифаларини амалга оширишлари учун тарафларга тенг процессуал ҳуқуқларнинг берилиши;

-айблов ва ҳимоя вазифаларининг одил судлов вазифасидан ажратилиши ва уларнинг бир биридан алоҳидалиги;

-суднинг процессда мустақил ва холис бўлиши ва фақат унгагина иш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 25-моддасининг мазмун-моҳиятидан тортишув принципи фақат 1-инстанция суди ва ишлар юқори судларда кўрилган босқичда амалга оширилади деган хулосага келишимиз мумкин. Гарчи, ушбу тамойилнинг амалга оширилиши мазкур модда билан чекланган бўлса-да, тарафлар тортишуви принципини амалга оширишни таъминлайдиган бошқа қоидалар ҳам қонунчиликда акс эттирилганлигига оид фикрлар мавжуд. Қонунчиликнинг “жиноий суд

²⁰ *Грешнова Н.А.* Проблема реализации принципа состязательности в рамках установления истины в уголовном судопроизводстве. Юридическая наука и правоохранительная практика. 2016. №3 (37). -С.122.

ишларини томонларнинг тортишув жараёнига асосланганлиги” тўғрисидаги аниқ кўрсатмаси бу борада олимлар ва амалиётчилар ўртасидаги мунозараларни келтириб чиқаради.

А.А.Давлетовнинг жиноят процессида ишни судга қадар юритиш босқичида томонларнинг тенглиги ва тортишув жараёнини таъминлаш борасида "Бунинг учун ҳеч бўлмаганда дастлабки терговнинг барча моделини тубдан ўзгартириш зарурлигини таъкидлайди: суд терговчисини киритиш, ҳимоячига параллел тергов ўтказиш ҳуқуқини тақдим этиш, исбот қилишда томонларга тенг ҳуқуқлар бериш ва ҳоказо”²¹ деб таъкидлайди.

В.П.Божийев тортишув тамойили жиноят процессининг барча босқичларига татбиқ этилмаслигини таъкидлайди, чунки:

- а) томонлар ўртасида процессуал тенглик йўқ;
- б) ишни юритиш учун масъул шахслар тергов, айблов ва ишни ҳал қилиш функцияларини бажаради, прокурор эса терговчи ва терговчи фаолиятига оид қонунларининг бажарилишини назорат қилади;
- в) жиноят ишини ҳал қилувчи орган сифатида суд мавжуд эмас;
- г) жиноий жараённи ушбу босқичда ҳал қилиш функцияси судга тегишли эмас, балки тергов органлари ва прокурорга тегишлидир²².

Бироқ, замонавий юридик фани айни вақтгача жиноят судлов ишларини юритишнинг оптимал шакли ҳақида, жумладан жиноят процессининг тортишув модели, маслаҳат судини жорий этиш, тергов судлари институтининг имкониятларини баҳолаш ва бошқалар юзасидан етарли татқиқ қилинмаган. Бундан ташқари, дастлабки тергов органлари устидан суд назоратини ўрнатиш (масалан, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси юзасидан судга шикоят қилиш, қамокда сақлаш муддатини узайтириш)²³ ҳақидаги таклифларга етарли эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

²¹ Давлетов А.А. Проблема состязательности решена в УПК РФ неудачно // Российская юстиция. 2003. № 8. С. 22.

²² Божьев В.П. Состязательность на предварительном следствии // Законность. 2004. № 1. С. 3.

²³ Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши муаммолари: –Т.: Адолат, 2005. – Б.7.

Тортишув фаолияти субъектининг хоҳиши тортишув моделининг табиий маҳсули эканлиги тўғрисида фикрга эга бўлган олимлар Г.А.Печников, В.Г. Волколупов ва Г.И. Купавцев, "Жиноят иши бўйича қарор қабул қилиш доирасидаги тортишув шакли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимининг (судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи) шахсий хоҳиши (иродаси) билан чамбарчас боғлиқ"²⁴-деб таъкидлашади. Жиноят процессининг тортишув модели доирасида терговчи (айбловнинг ҳар қандай бошқа субъекти) ўзининг айблов функциясини бажариб, қонун томонидан унга берилган барча ваколатлардан, шу жумладан ўз хоҳишига кўра ҳимоячи томонидан тақдим этилган илтимосномаларни қабул қилиш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги жиноий иш юретишнинг тортишув моделида, терговчи томонидан айблов вазифасини бажаришда ҳимоячининг талабларини доим қўллаб-қувватлашни талаб қилиш мумкин эмас. Чунки, қонунчилик даражасида бир қатор ҳимоя талабларини мажбурий қондириш талабининг киритилиши тортишув шаклидан чиқиш ҳисобланади. Бу вазиятда процессуал субъектлар мустақил саналади. Терговчи ҳимоячининг барча талабларини бажариб, ўзининг функциясини рад эта олмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 180-моддасига кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқариш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, ушбу қарорда акс эттириладиган эксперт олдига қўйилган саволлар ишга айблов томоннинг субъектив тарзда ёндашишидан келиб чиқиши мумкин.

Шунингдек, бугунги кун амалиётида тортишув принципи нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, айблов ва ҳимоя томон ҳуқуқлари ўртасида номуносивликларни кўришимиз мумкин. Миллий қонунчилик далилларни тўплашда тўлиқ давлат-ҳокимият, шу жумладан, процессуал

²⁴ Печников Г.А., Волколупов В.Г., Купавцев Г.И. Об усмотрении следователя и ходатайствах защитника в уголовно-процессуальном кодексе Российской Федерации // Вестник Волгоградской академии МВД России. – 2016. – № 3 (36). С. 139.

ваколатларни анъанавий тарзда фақат жиноят ишларини юритишда масъул бўлган иштирокчиларга берган. Улар далилларни тўплашни қонунчиликдан ўрин олган барча, шу жумладам, тинтув, шахсий тинтув, олиб қўйиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали тўплайдилар²⁵. Ҳимоячи эса шахсларга саволлар бериш, давлат органлари ва мансабдор шахслардан тегишли тушунтириш, тавсиянома ва маълумотномаларни олиш каби ҳуқуқлардан фойдалана олади. Бу шуни кўрсатадики, жиноят процессида адвокатни тенг ҳуқуқлигининг процессуал қафолатларини жиддий равишда кучайтириш лозим²⁶.

Хусусан, И.Р.Астанов “адвокатларга экспертиза ўтказиш учун мурожаат қилиш ваколатининг берилиши орқали тортишув принципини ишни судга қадар юритиш босқичларида ҳам амал қилишига эришиш мумкинлигини”²⁷ таъкидлайди. Бироқ ушбу фикрларга қарши ўлароқ, айрим олимлар “дастлабки терговда терговчи ва айбланувчи ўртасида тортишув ҳақида сўз юритиш мумкин эмас, чунки дастлабки терговда айблов, ҳимоя ва ишни ҳал этиш функциялари мавжуд эмас”²⁸, деган фикрда. В.Божьевнинг бу борадаги фикрича: тортишув принципи жиноят процессининг барча босқичларига тадбиқ этилмайди, негаки бунда: а) тарафлар тенглиги мавжуд эмас; б) ишни юритиш учун масъул бўлган субъектлар тергов, айблов ва ишни ҳал этиш функцияларини аралаштириб юборишади, прокурор эса айблов функциясидан ташқари, суриштирувчи ва терговчининг қонунни ижро этиши устидан назоратни ҳам амалга оширади; в) ишни судга қадар юритиш босқичларида ишни ҳал этиш вазифасини бажарувчи орган сифатида суд мавжуд эмас; г) ушбу босқичларда ишни ҳал этиш функцияси судга эмас, балки тергов органлари ва прокурорга тегишли²⁹. В.Божьевнинг ушбу

²⁵ Пўлатов Ю.С., Тулаганова Г.З. Тергов ҳаракатларида ҳимоячи иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий-тактик муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮУ.2018. -276.;

²⁶ Выступление члена СПЧ, судьи КС РФ в отставке Тамары Георгиевны Морщаковой [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.fparf.ru/news/all_news/news/15817;

²⁷ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юр.ф.доктори (DeS) ... дисс. –Т. 2020. -Б.125.

²⁸ Дюрагин Н. Дискуссионные вопросы реформы уголовного судопроизводства//Юстиция –1989. №7. -С.9.

²⁹ Божьев В.П. Состязательность на предварительном следствии // Законность. 2004. № 1. –С. 3.

фикрларига қарши ўларок, Ю.В.Деришов ишни судга қадар юритишда тортишув принципнинг амал қилиши тарафлар ҳуқуқлари ва процессуал имкониятларининг трансформациясига, хусусан, “параллель иш юритув” элементларининг пайдо бўлишига ҳамда ишни судга қадар юритишда суд назоратининг кучайишига ва унинг тарафлар ўртасида юзага келадиган низоли ҳолатни ҳал этишдаги аҳамияти ошишига олиб келишини таъкидлайди³⁰. Шу ўринда айтиш мумкинки, В.Божьевнинг бу борадаги фикрлари совет тузумидан бизга мерос бўлиб келаётган амалдаги мавжуд тизимни таҳлил қилиш натижалари бўлса, Ю.В.Деришовнинг фикрлари эса мавжуд тизимни ислоҳ этишга, уни замонавий дунё талабларига мослаштиришга қаратилган фикрлар эканлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Ю.В.Деришовнинг фикрларини В.З.Лукашевич ва А.Б.Чичкановлар давом эттириб³¹, ишни судга қадар юритишда тортишув принципнинг амал қилиши процесс иштирокчиларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига зарар етказишга ёки фуқароларнинг одил судловга эришишларини қийинлаштиришга олиб келувчи суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳар қандай ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарори устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг кафили бўлиб хизмат қилишини билдириб ўтади. Н.А.Лукичев эса бу борада ишни судга қадар юритишда ҳимоячи фигурасининг мавжудлигиёқ бу жараёнда тортишув принципи амал қилаётганлигидан дарак беришини таъкидлайди³². Унинг фикрича, шахснинг гумонни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиши ишни судга қадар юритишдаёқ тортишув принципи амал қилаётганлигини билдиради. Бир сўз билан айтганда, тортишув принципи гумон қилинувчи ва айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради, дейди у. Ушбу фикрларни

³⁰ *Деришев Ю.В.* Концепция уголовного досудебного производства в правовой доктрине современной России. –Омск.2004. -С.360.

³¹ *Лукашевич В.З., Чичканов А.Б.* Принцип состязательности и равноправия сторон в новом УПК РФ // Правоведение, 2002. № 5. – С.106.

³² *Лукичев Н.А.* Состязательность и равноправие сторон в уголовном судопроизводстве. Дис. ... канд. юрид. наук. –Саратов. 2003. -С.80.

Т.Т.Алиев, Н.А.Громов, Л.М.Зейналовалар ҳам қўллаб-қувватлаб, тортишув принципи дастлабки терговнинг ўзига хос “маълум бир даражаси” эканлигини таъкидлашади. Улар ишни судга қадар юритишда тортишув принципини ривожлантириш омили сифатида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини кенгайтириш ва ҳимоячининг ҳуқуқий мақомини модернизация қилишни кўрсатиб ўтишади³³. Бу борада Е.Б.Мизулина иш юритувда тортишув принципининг амал қилиши – процессуал функцияларнинг бўлинишига, хусусан, терговчи томонидан айблов функциясининг амалга оширилиши, ҳимоячига эса далилларни тўплаш, терговчининг ҳар қандай ҳаракати ва қарори устидан шикоят қилиш, гувоҳлар рўйхатига ўзгартиш киритиш каби ҳуқуқларнинг тақдим этилиши ҳамда номақбул далиллар институтини жорий этиш ва айблов хулосасини тасдиқлашда прокурор ваколатлари чекланишига олиб келади³⁴, дейди.

К.Гуценко эса тортишув принципининг амал қилиши юзасидан қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “айблов хулосасидан келиб чиқадиган тортишув принципи англо-саксон ҳуқуқ тизими амал қиладиган давлатларда энг кўп тарқалган. Унинг бугунги кунда кенг ёйилган классик моделига кўра, тортишув бу – давлат ва жиноий жавобгарликка тортилаётган фуқаро ўртасидаги суд жараёнидаги тортишувдан иборатдир. Бу тортишувда тарафлар далилларни тўплаш, тақдим этиш, текшириш, таҳлил этиш ҳамда аниқ бир иш юзасидан муайян далилларни илгари суришда тенг ҳуқуқий имкониятларга эга ҳисобланади. Умуман олганда, тарафлар ушбу тенг имкониятларга нафақат суд босқичида, балки иш юритишнинг судга қадар бўлган босқичларида ҳам тўлиқ эга бўлишлари керак³⁵”.

С.Ургалкин ҳам К.Гуценко фикрларини тасдиқлаган, унинг фикрича: дастлабки тергов жараёнида жиноят тўғрисида қўллаб маълумотларнинг

³³ Алиев Т.Т., Громов Н.А., Зейналова Л.М., Лукичев Н.А. Состязательность и равноправие сторон в уголовном судопроизводстве. Учебное пособие. –Москва. 2003. –С.21.

³⁴ Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. Учебник для вузов. Под.ред.П.А.Лупинской. – Москва. 2010. –С. 748.

³⁵ Гуценко К.Ф., Головка Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. Учебное пособие. 2-е издание. Зерцало-М. –Москва. 2002. –С. 6,23, 24.

йиғилиши ва ушбу маълумотларни йиғишда ҳимоя томонининг ҳуқуқлари бузилиши судда ҳимоя функциясининг бузилишига олиб келади³⁶. С.Бурмагин эса судлов иш юритуви фақатгина суд муҳокамаси билан чегараланмаслигини, жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал манфаатлари шубҳасиз, суднинг кейинги босқичларида ҳам давом этишини, шунингдек, агар процесс иштирокчиларининг ҳолати ва функциялари улар процессуал фаолиятларининг асоси сифатида процессуал манфаатлар призмаси орқали кўриб чиқиладиган бўлса, дастлабки тергов босқичида ҳам тарафлар мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин³⁷лигини таъкидлайди.

Биз ушбу фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, тортишув принципи ишни судга қадар юритиш босқичларидан бошлаб амал қилиши зарурлиги тўғрисидаги фикрларга қўшилаемиз. Зеро, ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг амал қилиши терговчининг далилларни тўплаш ва тақдим этиш билан боғлиқ вазифаларининг ҳимоячи фаолиятида такрорланишида акс этмайди, балки айблов тарафи ҳаракатларининг қонунийлиги устидан назорат ўрнатилишида ҳамда шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланган ҳолда қонун томонидан рухсат этилган усул ва воситалар ёрдамида эркин амалга оширилишида акс этади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда шунини айтиш мумкинки, ишни судга қадар юритишда тортишув принципи амал қилиши тарафдорларининг фикрича, тортишув принципининг амал қилиши натижасида:

биринчидан, ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларининг кенгайишига эришилади;

иккинчидан, тарафлар томонидан судга муурожаат қилиш имкониятлари ошиши кузатилади.

³⁶ Ургалкин А.С. Защитник в доказывании по уголовному делу на стадии предварительного следствия. – Москва. Правовой статус адвоката. -С.199.

³⁷ Бурмагин С.В. Принцип состязательности в теории и судебной практике. Росс. юстиция. 2001. № 5. -С. 17.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, тарафларнинг далилларни тўплаш ва ўз позициясини исбот қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлари суд муҳокамаси жараёнига келиб, яна янгидан қайта амалга оширилади. Бунда юз берадиган такрорланиш ёки жараённинг қайта амалга оширилиши ҳолатининг олдини олиш мақсадида ишни судга қадар юритиш босқичларида тарафлар томонидан тўпланган далилларнинг холис орган бўлган суд (тергов судьяси) томонидан кўриб чиқилиб, уларга баҳо бериш механизмини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу сабабли амалдаги Жиноят-процессуал кодексида белгиланган (25-модда) тортишув принципининг нафақат ишлар судда кўрилаётганда³⁸, балки ишни судга қадар юритишдаёқ амал қилишига эришиш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланган ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши учун шароит яратиб беради. Зеро, тарафларнинг ишни судга қадар юритиш босқичларидаёқ тенг ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиши – мазкур иш юзасидан адолатли суд ҳукмига эришишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли ҳам суд-тергов амалиётида қандайдир юзаки ўзгаришлар эмас, балки янгича қараш ва замонавий талабларга асосланган тартиб ва тамойилни ўрнатиш бугунги кун талабидир. Тортишув принципининг умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган принцип эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу принцип нафақат биринчи инстанция судларининг суд мажлисларида ва ишлар юқори судларда кўрилаётганда амал қилиши, *балки жиноят процессининг барча босқичларида, жумладан, ишни судга қадар юритишда ҳам амал қилиниши таъминланишига эришиши лозим*. Шундан келиб чиққан ҳолда **ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг мазмунини белгилаш мақсадида унга қуйидагича муаллифлик таърифини келтириб ўтамыз:**

Ишни судга қадар юритишда тортишув принципининг мазмунини – тарафлар мавжудлиги, уларнинг кўриб чиқилаётган иш юзасидан

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 17.09.2021 й.ўзгаришлари билан, ҚХММБ: 03/21/716/0877-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

асослантирилган нуқтаи назарларидан иборат бўлган маълумотларни фаол равишда ва тенглик асосида судга тақдим этишлари, суднинг эса иш юзасидан йиғилган ушбу маълумотларни далил сифатида баҳолаш ҳамда айблов ва ҳимоя тарафи устидан суд назоратини амалга ошириш фаолияти ташиқил этади.

Амалиётда ҳақиқий маънодаги тарафлар тенг ҳуқуқлилиги ва тортишув шароитини вужудга келтириш, ҳимоячи фаолиятидаги тўсиқларни бартараф этиш, унинг процессуал ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, ***ЖПКнинг 25-моддасининг номланиши ва биринчи қисмини қуйидагича янги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз:***

“25-модда. Жиноят процессида ишларни юритишда тарафлар тортишуви

Жиноят процессининг барча босқичларида, хусусан, ишни судга қадар юритишда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади”.

Бундан ташқари, ҳимоячининг самарали фаолият юритиши ва иш юзасидан етарлича далиллар тўплашидан терговчи ва прокурор кўп ҳолларда ўз касбий фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқиб манфаатдор бўлмайди. Мисол ўрнида келтириб ўтадиган бўлсак, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ҳимоячини қизиқтирган ва иш юзасидан ҳолатни янада аниқлаштиришга қаратилган саволларнинг акс эттирилиши суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг хоҳишига боғлиқ эканлиги ҳимоячи фаолиятини қийинлаштиришга олиб келади, айблов тарафига эса ушбу ҳолат устунлик беради. Натижада эса ҳимоячининг муваффақиятли фаолият олиб боришида сунъий тўсиқлар юзага келади. Бу ҳолатни немис ҳуқуқшуноси Фердинанд Лассал таъбири билан ифодалайдиган бўлсак, “қонуний, асосланган ва адолатли суд ҳукмига эришиш учун прокурор юздан ошиқ полициячидан

иборат бутун бошли команда билан ҳаракат қилса, адвокат эса бу йўлда ёлғиз ўзи ҳаракат қилади ва курашади³⁹”.

Шу ўринда, ҳимоячининг айблов тарафи билан тенг имкониятлардан фойдаланиши учун унинг холис орган бўлган судга мурожаат қилиши орқали ўз имкониятларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аммо амалда фаолият юритаётган судларга ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишувни назорат қилиш вазифасини юклаб бўлмаслигининг катор омиллари мавжуд бўлиб, уларни қуйидагича келтириб ўтамиз:

Биринчидан, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, судьянинг айблов тарафи тўплаган далилларни баҳолашга киришиши жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг холислигига шубҳа туғдиради. Шу сабабли ҳам гумон қилинувчи (айбланувчи)ни қамокқа олиш асосларини белгилаган судья унинг айблилиги масаласини ҳал қилиши мумкин эмас⁴⁰.

Иккинчидан, судьянинг ишни судга қадар юритишдаги ҳар қандай ҳулосаси муайян даражада айблилик масаласини ҳал қилади, бу эса келгусида ушбу шахсга нисбатан суд муҳокамаси жараёнида айблилик масаласини ҳал этишда судьянинг бетарафлигига дахл қилиши мумкин⁴¹.

Юқорида келтирилган ҳолатларга қўшимча тарзда ишни судга қадар юритишда суд назорати зарурлигини асослаш асносида Б.Мўминов: “фақатгина ишни мазмунан кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятдан озод этилган судьягина ишни судга қадар юритишда суд назоратини холис амалга ошириши мумкин” деган фикрни билдириб ўтади⁴². Халқаро экспертлар ҳам ишни судга қадар юритиш жараёнида суд томонидан ҳал қилинадиган масалаларни ишни мазмунан кўриб чиқишдан ажратиш, шунингдек ишни

³⁹ Хоррер В. Независимая адвокатура и судебная власть, как краеугольный камень верховенства права. Выступление в Ташкентской международной конференции адвокатов. –Т., 2019.

⁴⁰ Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори (DcS)... диссер. –Тошкент, 2020. -Б. 241.

⁴¹ Смирнов А.В. Модели уголовного процесса. –СПб. 2000.-С. 52.

⁴² Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.

судга қадар юритиш устидан суд назоратини кучайтиришни тавсия этадилар⁴³.

Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, айнан ишни судга қадар юритишда тарафлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланишлари ва процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда холислик ҳамда беғаразликни таъминловчи **жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ** деб ҳисоблаймиз. Тергов судьяси томонидан суд назоратининг амалга оширилиши, ишни судга қадар юритишда ҳақиқий тортишув муҳитини яратади, сабаби, ҳимоячининг илтимосномасини энди ишни судга қадар юритувчи органлар ҳал қилмайди, балки бу орқали кучлар мувозанати яратилади. Бу ўз навбатида, жиноят процессида ҳимоячининг мавқеи ошишига, унинг исботлаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини реал таъминлашга хизмат қилади. Сабаби, далилларни топиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимосномаси рад қилинган ҳолларда, тергов судьяси унга мазкур ҳуқуқидан фойдаланиш имконини кафолатлайди, шу билан бирга унинг кейинчалик ишни мазмунан кўриш мажбуриятидан халос этилиши унинг ички мустақиллигини таъминлайди, яъни унинг қабул қилган қарорига келгусида боғланиб қолишининг олди олинади⁴⁴.

Шу ўринда тергов судьясининг кимлиги ва унинг жиноят процессидаги мақомига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддаси 3-қисмига мувофиқ, тергов судьяси – тегишлича биринчи инстанция судининг раиси томонидан тайинланадиган, судга қадар терговга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши устидан суд назоратини амалга оширишга ваколатли судьядир⁴⁵.

⁴³ Предложения по концепции совершенствования системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан//https://www.unodc.org/documents/centralasia//2018/UNODC_Criminal_justice_reforms_in_Uzbekistan_Apr_2018_EN.pdf

⁴⁴ Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.

⁴⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (по сост. на 16.11.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

Б.Мўминов тергов судьясига куйидагича таъриф беради: “тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичида, ишни судга қадар юритиш учун масъул органларнинг илтимосномалари ва манфаатдор шахсларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш орқали шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари таъминланиши устидан суд назоратини амалга оширишга ваколатли судьядир⁴⁶”.

С.Адилов эса тергов судьяси ишни судга қадар юритиш жараёнида келиб чиқадиган масалалар юзасидан холис ва мустақил ҳакам бўлиши мумкинлигини, чунки у кейинги суд инстанцияларида одил судловни амалга оширишдан четлатилган бўлишини эътироф этади⁴⁷.

Шу тариқа айтишимиз мумкинки, **тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва химоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи мансабдор шахс ҳисобланади.** Ваколат доирасига кўра, тергов судьяси зиммасига Ўзбекистон Республикаси ЖПКда кўрсатилган ишни судга қадар юритиш жараёнида суднинг қарори (ажрими) талаб қилинадиган процессуал ҳаракатлар бўйича суд ваколатларининг барчаси ўтказилади. Энг асосийси эса, тергов судьясининг иш юзасидан холисликни ва тарафлар тенглигини таъминлаши нуктаи назаридан келиб чиқиб, унга айблов тарафининг бир қатор ваколатлари, жумладан, қамоққа олиш (ёки уй қамоғи) эҳтиёт чорасини ўзгартириш, мол-мулкни хатлаш ва уни таъқиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи шахс, суриштирувчи ва терговчининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш каби ваколатларининг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тергов судьясининг адвокат сўрови

⁴⁶ Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати. Юр.ф.доктори ... диссер. Тошкент. 2020. Б. 249.

⁴⁷ Адилов С.А. Правовое положение следственного судьи в уголовном процессе Республики Казахстан. Дисс. ... канд. юрид. наук. Москва. 2018. С. 166.

юзасидан мансабдор шахс томонидан рад жавоби берилган тақдирда, тегишли юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки нарсаларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш, ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг илтимосномасига мувофиқ, қонун билан муҳофаза этиладиган сирни ташкил этувчи ҳужжатларни сўраб олиш ва ҳимоячига тақдим этиш, жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш каби ваколатларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Яъни, тергов судьяси далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам беради, далиллар тортишув муҳотида тўпланиб, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончилиги таъминланади, бу эса ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Шу аснода, иш юзасидан холислик таъминланишига тўсқинлик қиладиган кўплаб ваколатларнинг бошқа бир мустақил орган иш юритувига ўтказилиши натижасида ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглигининг таъминланишига, бу жараёнда айблов ва ҳимоя фаолияти устидан суд назоратининг муваффақиятли амалга оширилишига, шунингдек ҳимоячининг ўз касбий фаолиятини амалга оширишида кенг имкониятлар ва қулайликлар яратилишига эришиш мумкин. Зеро, тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши жиноят ишларини шаффоф ва тенг ҳуқуқлилик асосида олиб боришга шароит яратиб беради. Ишни судга қадар юритишда тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши бир томондан, ишни судга қадар юритишда тарафлар тортишуви принципи амал қилишига имкон берса, иккинчи томондан эса далиллар баҳоланишининг ҳаққонийлигига эришиш имконини беради. Булар биргаликда биринчи инстанция судида тарафлар ўртасидаги эҳтимолий низоларни бартараф этилишини таъминлайди⁴⁸. А.Давлетов таъкидлаганидек: ишни судга қадар юритиш босқичларида тарафлар тенглиги ва тортишув принципи

⁴⁸ Смирнов А.В. Модели уголовного процесса. Спб. 2000. С. 52.

таъминланиши учун энг камида амалдаги дастлабки тергов тизимини тубдан ўзгартириш керак бўлади, тергов судьяси институтини жорий этиб, ҳимоя тарафига ҳам бир вақтнинг ўзида тергов қилиш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда исботлашда тарафларнинг тенг ҳуқуқлар билан таъминланиши талаб этилади⁴⁹.

Амалдаги қонунчиликда суд назоратини амалга оширишнинг самарали ва оптимал механизмлари яратилмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖПК 27-моддасида белгиланган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида белгиланган суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини чеклайди. Тергов судьяси қамокқа олиш, тинтув ўтказиш, ДНК таҳлилларини ўтказиш, телефон-сўзлашув қурилмаларини эшитиш каби прокурор муурожаатлари юзасидан қарор қабул қилиш масъулиятини ўзига олади. Тергов судьяси фаолиятининг муҳим аҳамият касб этиши ўз ўрнида адвокат фаолиятига ҳам таъсир этади. У полиция ва прокуратура ҳаракатларини кўриб чиқади ҳамда ушбу органлар фаолиятининг мувофиқлиги ва қонунийлигини текширади. Шунингдек, полиция ҳаракатларини чеклайди, бу эса адвокатлар учун ўта муҳим аҳамият касб этади, чунки иш тергов судьяси қўлида бўлган вақтда у ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиқмагунча қарор қабул қилмайди, бу эса ҳимоячи фаолиятига ижобий таъсир этади ва ҳимоячига иш юзасидан прокуратурада мавжуд бўлган барча маълумотлар билан эртароқ танишиш имкониятини беради. Натижада, адвокат ҳимояни тўғри ва самарали амалга оширишга эришади. Шу орқали тарафлар тенг имкониятларда ҳаракатланиши мумкин бўлади⁵⁰.

Ҳозирда МДХ ва бошқа давлатларда ҳам тергов судьяси институти жорий этилмоқда, хусусан, 2002 йилда Литва (ЖПК 158-м.)да, 2003 йилда

⁴⁹ Давлетов А.А. Проблема состязательности решена в УПК РФ неудачно. Российская юстиция. 2003. №8.С.22.

⁵⁰ Рольник Г. «Следственный судья в Германии и его роль в деятельности адвоката-защитника» доклад на конференции «Пути обеспечения реализации прав защитника в досудебном производстве и необходимость в этом следственного судьи: за и против» из материалов сборника тезисов по итогам международной научно-практической онлайн-конференции. – Т.-2020.стр.7-8.

Молдавия (ЖПК 41-м.) ва Эстония (ЖПК 21-м.)да, 2005 йилда Латвия (ЖПК 210-м.)да, 2013 йилда Украина (ЖПК 3-м.)да, 2015 йилда эса Қозоғистон (ЖПК 55-м.), Грузия (ЖПК 20-м.) ва Қирғизистон (ЖПК 31-м.) да ушбу институт жорий этилди. Арманистонда эса тергов судьяси институтини жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда⁵¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тергов судьяси институтини конунчиликка имплементация қилиш ва унинг фаолият механизмини тартибга солиш мақсадида **ЖПКнинг 28-моддасини янги биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар билан ҳамда 29-моддасини янги биринчи қисм билан тўлдириш ва мазкур модданинг тегишинча иккинчи қисмини янги тахрирда баён этишни таклиф этамиз.**

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтганда, суд муҳокамасининг суд тергови жараёни тортишув принципини амалга оширишнинг муҳим босқичи саналади. Хусусан, ушбу тамойилни тўлиқ таъминлаш мақсадида суд терговда амалга ошириладиган далилларни текшириш навбатини аниқ белгилаш, судланувчини тарафлар томонидан сўроқ қилиш кетма-кетлиги тартибга солиш, шунингдек суднинг процесда фаол ролини камайтириб, кўпроқ холис сифатида ишни ҳал қилиш вазибаларини қатъийлаштиришимиз мақсадга мувофиқ. Чунки, суднинг ҳаддан ташқари фаоллиги унинг жиноят процессидаги функциясидан четга чиқиши ва томонларнинг ўз ваколатларини амалга оширишларига тўсқинлик қилиши, жиноят процессида тортишув принципига мос келмайдиган, томонларнинг суд жараёни ва натижаларига таъсир кўрсатиш қобилиятини амалга ошишига ёрдам бериши мумкин.

⁵¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

II БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ БОСҚИЧЛАРИДА ҲИМОЯЧИ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.

2.1. Жиноят процессининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичида ҳимоячи иштирокини таъминлаш масалалари.

Маълумки, жиноят процессининг *терговга қадар текширув босқичи* жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни синчиклаб текшириш, уларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қарор қабул қилишга қаратилган тадбирларни, шу билан бир қаторда иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жиноят изларини иссиқ изидан аниқлаш, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ҳамда уларни сақлашга доир чораларни ўз ичига қамраб оладиган жараён бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг йиллар кесимидаги иш фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлари таҳлил қилинганида, жиноят процессининг терговга қадар текширув босқичида ҳимоячилар иштирок этган жиноят ишлари 2019 йилда 2410 тани, 2020 йилда 3015 тани, 2021 йилда эса 6958 тани ташкил этганини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар орқали йил сайин жиноят процессининг терговга қадар текширув босқичида терговга қадар текширув органлари ходимлари томонидан инсон қадр қиммати устун қўйилган ҳолда уларнинг ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминланиши ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол албатта.

Терговга қадар текширувнинг бошланишига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг келиб тушиши асос бўлиб хизмат қилади ва уларнинг ҳаққонийлиги ҳамда жиноят таркиби бор ёки йўқлиги терговга қадар текширув ҳаракатлари орқали текширилади. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан мазкур хабарнинг ҳақиқатдан ҳам жиноят эканлигини аниқлаш талаб этилади. Яъни, бу босқичда муайян шахсларга нисбатан гумон пайдо бўлади. Натижада эса, ушбу шахсларнинг Конституциявий ҳуқуқлари муайян тарзда чекланади (энг биринчи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи). Масалан, тушунтириш

олиш учун шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келиш ва ушлаб туриш ҳаракатлари орқали шахс ҳуқуқларига таъсир ўтказилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ушлаб турилган ёки ҳар қандай шаклдаги жазога тортиладиган барча шахсларни ҳимоя қилиш Тамойиллари тўпламида ҳам *ушланган шахс* – ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жазога ҳукм қилинмаган ҳолатда шахсий эркинликдан маҳрум этилган шахс⁵² сифатида эътироф этилган.

Шахс ҳуқуқларининг чекланиши ўша вақтнинг ўзида ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш эҳтиёжини юзага келтиради. Бироқ қонунда ушбу шахснинг ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланмаган. Негаки, бу жараёнда шахсларнинг процессга ким сифатида жалб этилиши ҳам қонунчиликда очик қолган ҳолатлардан бири ҳисобланади. Ваҳоланки, ишни судга қадар юритиш босқичидаги энг муҳим ва дастлабки маълумотлар кўп ҳолларда айнан шу процессуал мақоми ноаниқ шахсларга нисбатан олиб бориладиган терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида тўпланади.

Гарчи, қонун жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида унинг ҳаракатланиш эркинлиги амалда чекланган пайтдан бошлаб ҳимоячининг ишда иштирок этишига рухсат берсада⁵³, бироқ амалиётда ушбу норманинг ҳаётга татбиқ этилишида муаммолар юзага келмоқда. Негаки, юридик адабиётларда шахсни ушлаш ва уни ушлаб туриш жараёни ҳам бир неча босқичлардан иборат⁵⁴ эканлиги назарда тутилган бўлиб, булар:

шахсни ушлаш;

уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келиш;

ушлаб туришни юридик расмийлаштириш;

гумон қилинувчини сўроқ қилиш;

⁵² Свод Принципов защиты всех лиц, подвергаемых задержанию или заключению в какой бы ни было форме. Резолюция Генеральной Ассамблеи 43/173. 9 декабря 1988.

⁵³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 49-модда. 17.09.2021 й. ўзгаришлари билан, ҚҲММБ: 03/21/716/0877-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

⁵⁴ Тулаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари. – Т. ТДЮИ нашр., 2009. – Б. 6, 20.

шахс ушланганлиги тўғрисида тегишли жойларга хабар бериш;
ушлаб турилган шахсни озод қилиш ёки уни келгусида қамоққа олиш
тўғрисида қарор қабул қилиш⁵⁵.

Шахсни ушлаш масаласида процессуалист олимлар ўртасида ҳам турли мунозаралар мавжуд. Бу борада Т.В.Валькова шундай ёзади: “Қонунчиликда жиноят қилишда гумон қилинган шахсни ушлаш икки босқичдан, яъни инсонни эркин ҳаракатланишини фактик чеклайдиган фактик ушлаш ва ушлаб туриш баённомаси кўринишида процессуал-ҳуқуқий расмийлаштириладиган юридик ушлашдан иборатдир⁵⁶”. Ушбу қарашга яқин фикрни В.В.Вандышев ҳам билдиради, яъни унинг таъкидлашича, шахсни ушлашнинг икки тури: фактик ва жиноят-процессуал ушлаш турлари мавжуд⁵⁷. Бироқ айтиш мумкинки, билдирилган ушбу фикрлар фанда янгилик эмас⁵⁸, мазкур фикрлар 1999 йилдаёқ И.Л.Петрухин томонидан фанда ўз аксини топган. Олим шахсни ушлаш – фактик ушлаш ёки қўлга олишни жиноят-процессуал ушлаш тариқасида аташ таклифини билдирган⁵⁹.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шахсни ушлаш процессуал ҳаракати жиноят ишини қўзғатишга қадар бўлган вақтда ҳам, жиноят иши қўзғатилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин⁶⁰. Бу эса ҳимоячининг ишга киришиш вақтига аниқлик киритишни талаб этади. ЖПКнинг 49-моддаси жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб ҳимоячининг ишда иштирок этишига руҳсат этилишини назарда

⁵⁵ *Россинский С.Б.* Уголовный процесс России. Курс лекций. –Москва.2008. -С.175.

⁵⁶ *Валькова Т.В.* Реализация процессуальных прав подозреваемого или расследования преступлений органами внутренних дел. Дисс. ... канд. юрид. наук. 2004.-С.10.

⁵⁷ *Вандышев В.В.* Уголовный процесс. Москва. 2004. -С.243.

⁵⁸ *Клюков Е.М.* Задержание подозреваемого по советскому уголовно-процессуальному законодательству. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Москва. 1972. -С.14.; *Дубинский А.Я.* Производство предварительного расследования органами внутренних дел. –Киев. 1987. -С.53.; *Дознание в органах внутренних дел.* Под.ред. *Чувилева А.А.* –Москва.1986. -С.67.

⁵⁹ *Петрухин И.Л.* Человек и власть. –Москва. 1999. -С.259.

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 220-модда. 17.09.2021 й.ўзгаришлари билан, ҚҲММБ: 03/21/716/0877-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

тутади. Ушбу модда мазмунини таҳлил қилиб айтадиган бўлсак, ҳимоячи процессуал фаолиятининг бошланишига шахсни гумон қилинувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор чиққанидан, яъни жиноят иши кўзғатилганидан кейингина рухсат этилиши белгиланмоқда. Бу билан қонун жиноят иши кўзғатилмасдан олдин ушланган шахснинг ҳимоя ҳуқуқини эътибордан четда қолдирган.

Шу ўринда айтиш мумкинки, терговга қадар текширув – кичик тергов ҳисобланиб, терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида тўпланган далиллар келгусида жиноят иши юзасидан айбловни эълон қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, амалдаги қонунчилигимизда терговга қадар текширув иштирокчиларининг процессуал мақоми белгиланмаган. Айтиш мумкинки, қонунчилик нуқтаи назаридан олганда, текширув қайсидир бир шахсга нисбатан эмас, балки жиноятга оид хабар ҳолати юзасидан олиб борилади. Яъни бунда жиноят ҳодисаси ва унинг белгилари мавжудлиги текширилади. Ўтказиладиган барча терговга қадар текширув ҳаракатлари айбдорни аниқлашга, шунингдек, жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи далиллар базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гумон остига олинган шахс гумон расман эълон қилинмасдан туриб, терговга қадар текширув ҳаракатларига чақирилади ва ҳали ўзига нисбатан гумон ёки айблов эълон қилинмаган ҳолатда бўлади (гувоҳ жиноий ишга жалб этилади, шу сабабли бу шахснинг ҳуқуқий мақомини гувоҳники билан адаштириш керак эмас). Шу ўринда айтиш мумкинки, Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширув босқичини тартибга солувчи (320²) модда мавжудлигига ҳамда мазкур моддада терговга қадар текширув ушбу Кодекснинг 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилганлигига қарамасдан, 41-бобда терговга қадар текширув иштирокчилари, уларнинг процессуал мақоми, ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари назарда тутилмаган. Бу эса ҳали процессуал мақомга эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳақида гапириб ҳам бўлмаслигини англатади. Ваҳоланки, шахсларнинг ҳимояга бўлган

Конституциявий ҳуқуқларининг таъминланишига бўлган энг катта эҳтиёжи айнан шу босқичга тааллуқлидир. Шу билан бирга, терговга қадар текширув ишни судга қадар юритишнинг мустақил босқичи сифатида процессуал мақомга эга бўлган иштирокчилар доирасига эга бўлиши жиноят-процессуал ҳуқуқ назарияси талабларидан бири ҳисобланади⁶¹.

Шу ерда ҳақли савол туғилади: терговга қадар текширув органи ходими қайси вақтдан бошлаб ушбу шахсга ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш ва таъминлаш мажбуриятига эга ҳисобланади, шахснинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириб бериш қандай тартибда амалга оширилади?

К.Ишниязовнинг фикрича: “аниқ шахсга нисбатан содир этилган жиноятга оид ариза ёки хабар келиб тушиши билан суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд терговга қадар текширувда иштирок этиш учун ҳимоячини таклиф этиши шарт. Бундай таклифни олган ҳимоячи жинойий ҳаракатни содир этишда гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан ўзининг тўғридан-тўғри мажбуриятларини бажариш учун ишга киришиши керак⁶²”. Биз эса К.Ишниязовнинг ушбу фикрларидан фарқли ўлароқ, шахс амалда ушланган вақтдан бошлаб ҳимоячининг ишдаги иштирокига рухсат берилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу масала юзасидан хорижий давлатлар қонунчилиги, хусусан Франция Жиноят-процессуал кодексини⁶³ таҳлил қилганимизда, шахс жиноят устида қўлга тушганда ёки унда жиноят излари топилганда, унга ўша заҳотиёқ қўйилаётган гумон мазмуни тушунтирилиб, унинг ҳимоя ҳуқуқига эгаллиги ва адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланишининг маълум қилиниши ва шундан кейингина шахс сўроқ қилинишини кўришимиз мумкин. Бироқ жиноятни содир этган шахс маълум бўлмаган ҳолатда дастлабки суриштирув ҳаракатлари амалга оширилиб, бунда гумон

⁶¹ Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017. -Б.15.

⁶² *Ишниязов К.* Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия. Дис. ... канд. юрид. наук. –Ташкент, 2006. -С.59.

⁶³ *Мелешко А.* Уголовный процесс Франции: краткий очерк. Часть 1, 2. – Санкт-Петербург., 2017. // URL: <https://www.advgazeta.ru/mneniya/ugolovnyy-protsess-frantsii-kratkiy-ocherk-chast-1/>

остига олинган шахсни сўроқ қилишдан олдин унга ҳуқуқлари, жумладан адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилади ва унинг адвокат билан учрашуви таъминланади.

АҚШда⁶⁴ эса полиция ходимлари томонидан гумон остига олинган шахс (кўчада бўлса) тўхтатилиши (ушланиши) билан сўроқ қилишдан олдин энг аввало унга унинг сукут сақлаш ҳуқуқи мавжудлиги, ҳар бир айтган сўзи судда ўзига қарши далил сифатида фойдаланиши мумкинлиги, шунингдек адвокат олиш ҳуқуқига эгаллиги, агар адвокат хизмати учун пул тўлаш имконияти мавжуд бўлмаса, давлат томонидан адвокат билан таъминланиши, шу билан биргаликда ушбу ҳуқуқларни тушунган ёки тушунмаганлиги сўралиб, тасдиқлатиб олинади (“Миранда қоидаси”). АҚШнинг Техас, Аризона ва Калифорния каби штатлари қонунчилигида эса агар сўроқ қилинаётган шахс Америка Қўшма штатлари фуқароси бўлмаса, саволларга жавоб беришдан аввал ўз мамлакати элчиси билан алоқада бўлиш мумкинлиги тушунтирилади. Германиянинг жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ эса гумон остига олинган шахс биринчи сўроқ олдидан қандай ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинаётгани маълум қилиниб, у Жиноят кодексининг мазкур жиноят ҳақидаги тегишли моддаси билан таништирилиши, шунингдек ушбу гумонга нисбатан ўз муносабатини билдириш ёки билдирмаслик, ҳар қандай вақтда ва сўроқ қилинганга қадар ўзи танлаган адвокат билан холи учрашиш каби ҳуқуқлари таништирилиши кераклиги белгилаб қўйилган⁶⁵.

Диссертация иши доирасида ўтказилган сўровда иштирок этган терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширув органи ходимлари ва адвокатларнинг 90 % дан ошиғи терговга қадар текширувда ҳимоячининг иштирокини таъминлаш зарур⁶⁶, деган фикрни билдирганлиги ушбу

⁶⁴ Утениязов Т. Ўзбекистонда “Миранда қоидаси” қандай ишлайди? Халқаро тажриба, маҳаллий қонунчилик ва амалиётдаги муаммолар хусусида. Advokat №1–2, 2020.

⁶⁵ Утениязов Т. Ўзбекистонда “Миранда қоидаси” қандай ишлайди? Халқаро тажриба, маҳаллий қонунчилик ва амалиётдаги муаммолар хусусида. Advokat №1–2, 2020.

⁶⁶ Қаралсин: диссертациянинг 3-иловаси. -Б.240.

босқичда химоячи иштироки таъминланиши юзасидан берган таклифимизнинг ўринли эканлигини кўрсатади.

Жиноят-процессуал кодексининг 320³-моддасига мувофиқ, жиноят ишини тергов қилишнинг **суриштирув ёки дастлабки тергов шакли** амал қилади. Тергов ҳаракатларида иштирок этиш химоячига ушбу ҳаракатлар натижасида олинган далилларни бевосита англаш, уларнинг тааллуқлилиги, мақбуллиги, ишончлилигини баҳолаш ёки агар буни дарҳол амалга оширишнинг иложи бўлмаса, келажакда уларни текшириш йўллари аниқлаш имконини беради⁶⁷. Тергов ҳаракатларида иштирок этаётган химоячи тергов ихтиёридаги далиллар тўғрисида қўшимча маълумот олади. Шу сабабли ушбу босқичда химоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади⁶⁸. Зеро, бу жараёнда химоячи жисмоний ҳамда юридик шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини профессионал тарзда химоя қилиш орқали юридик ёрдам кўрсатишни амалга оширади. Суриштирув ва дастлабки терговда юридик ёрдам кўрсатиш деганда, гумон қилинувчи, айбланувчига гумон ёки айбловнинг моҳиятини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, шунингдек хатолардан ва бошқа номақбул ҳаракатлардан сақланиш ҳуқуқини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга йўналтирилган фаолият тушунилади⁶⁹.

Юридик адабиётларда химоячи томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам таркибини ташкил этувчи ҳаракатлар доирасини аниқлаш учун турлича ёндошувлар таклиф этилади. Ушбу ёндошувларни уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

Биринчи гуруҳ: “Ҳуқуқ учун кураш”. Бунда маслаҳатлар бериш, шикоят ва илтимосномалар келтириш, ҳужжатларни талаб қилиб олиш, шунингдек, жиноят процесси доирасида ва ундан ташқарида фаол

⁶⁷ Кореновский Ю.В., Падва Г.П. Участие защитника в доказывании по новому уголовно-процессуальному законодательству. Практическое пособие. –Москва. 2004. –С.101-102.

⁶⁸ Александров А.С., Лапатников М.В., Терехин В.В. От полусостязательности – к полной инквизиционности: эволюция постсоветского уголовно-процессуального права. Вестник. – Калининград, 2014. №2 (36). –С. 125.

⁶⁹ Пулатов Ю.С., Тулаганова Г.З. Тергов ҳаракатларида химоячи иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий тактик муаммолари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2018. –Б.8.

ҳаракатларни амалга ошириш йўли орқали шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг барча қонуний усул ва воситаларидан фойдаланиш назарда тутилади⁷⁰.

Иккинчи гуруҳ: фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, жумладан, жиноят ишларида ҳимояни таъминлайдиган адвокатлар фаолиятининг мутлақ барча соҳаларини назарда тутди⁷¹.

Учинчи гуруҳ: ҳуқуқ соҳасида малакали юридик ёрдам кўрсатиш бўйича махсус билимларга эга бўлган шахсларнинг амалий фаолияти назарда тутилади⁷².

Ушбу ёндошувларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, юридик ёрдам – ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан тақдим этилган статистик маълумотларга қараганда, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)лар сони 2022 йил 1 январь ҳолатига жиноят ишлари бўйича 92374 тани, маъмурий ишлар бўйича 13498 тани, фуқаролик ишлари бўйича 54628, иқтисодий ишлар бўйича эса 7157⁷³ тани ташкил этган. Бундан кўринадики, юридик ёрдам олиш зарурияти бугунги кунда жиноят ишлари бўйича энг кўп кўрсаткични ташкил этмоқда.

Тақдим этилган статистик маълумотлардан юридик ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳимоячи иштирок этган ишлар сони терговга қадар текширувда: 2019 йилда 2410, 2020 йилда 3015, 2021 йилда 6958 тани; суриштирувда: 2019 йилда 6801, 2020 йилда 10101, 2021 йилда 13943 тани, дастлабки терговда, 2019 йилда 65311, 2020 йилда 51385, 2021 йилда 86597 тани ташкил

⁷⁰ *Стецовский Ю.И.* Советская адвокатура. Учебное пособие для вузов. –М., 1989. С.7.

⁷¹ *Трунов И.Л.* Современные проблемы защиты прав граждан в уголовном процессе. Дисс. ... д-ра юрид. наук. –Москва, 2001. –С.332.

⁷² *Невская О.В.* Что такое квалифицированная юридическая помощь? Адвокат. –Москва, 2004. №11. –С.39.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2022 йил 1 январь ҳолатига нисбатан иш фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар (йиллик)

этганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ҳимоячининг юридик ёрдам кўрсатиш фаолияти дастлабки терговда энг кўп кузатилишини⁷⁴ англатади.

Таъкидлаш жоизки, гумон қилинувчи жиноий процессуал фаолиятнинг “вақтинчалик” иштирокчиси ҳисобланади. Негаки, унинг пайдо бўлиши жиноят ишининг кўзғатилиши, шахснинг ушланиши, айблов эълон қилингунга қадар эҳтиёт чорасининг қўлланилиши ёки жиноятни содир этишдаги айб расман эълон қилиниши билан боғлиқ бўлади. Ҳимоячи жиноят иши кўзғатилгандан сўнг суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида даставвал гумон қилинувчининг, айб эълон қилингандан сўнг эса айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъулиятли ҳисобланади. Зеро, қонунчилик жиноят ишини тергов қилишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди.

Шу ўринда, ҳимоячининг суриштирув ва дастлабки терговдаги ишга киришиш вақтини аниқлаштириш талаб этилади. Зеро, ҳимоячининг ўз вақтида ишга киришиши – самарали ҳимоянинг шарти эканлиги олимлар томонидан кўп бора таъкидлаб ўтилган⁷⁵.

Қонунга кўра ҳимоячининг жиноят ишида иштирок этишининг 2 хил асоси мавжуд:

- 1) шахс билан ҳимояни амалга ошириш юзасидан келишув асосида;
- 2) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ҳимоячини ишда иштирок этиш учун тайинлаш орқали.

Ҳимоячининг жиноят ишида иштирок этиш асослари ишда иштирок этишга рухсат берилиш вақти нуктаи назаридан турличадир. Негаки, биринчи ҳолатда ишонч билдирувчи шахс билан ҳимояни амалга ошириш юзасидан келишув тузилган тақдирда, ишга киришишдан олдин

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 январь ҳолатига нисбатан иш фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар (йиллик)

⁷⁵ *Шадрин В.С.* Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. –Москва, 2000. -С. 135.; *Зайцев О.А., Смирнов П.А.* Подозреваемый в уголовном процессе. –Москва, 2005. -С.97.; *Рыжаков А.П.* Подозреваемый: понятие, права и обязанности: научно-практическое руководство. –Москва, 2006. -С.56.; *Пикалов И.А.* Состязательность в системе принципов уголовного процесса и ее реализация стороной защиты на досудебных стадиях. – Москва. 2007. -С.102.

ҳимоячининг ишда иштирок этиши учун рухсат олиши талаб этилса, иккинчи ҳолатда эса ҳимоячига ишда иштирок этиши учун рухсат берилиши ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда содир бўлади.

Бу эса В.А.Садохин⁷⁶ таъкидланганидек, “адвокатнинг жиноят ишида иштирок этишига рухсат берилиши ва адвокат томонидан ишни ҳимоя учун қабул қилиниши – вақт бўйича бир-бирига мувофиқ бўлмаган турли процессуал ҳаракатлар”дир. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоячининг ишда иштирок этишга рухсат олиши – бу ишонч билдирувчи шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича касбий мажбуриятларини ишончли бажаришининг ва малакали юридик ёрдам кўрсатишининг зарурий шартидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКга мувофиқ, адвокат ўзининг адвокатлик гувоҳномаси ва ишни юритишга ваколати мавжуд эканлигини тасдиқловчи муайян ордерни тақдим этганидан кейин унинг ишда иштирок этишига йўл қўйилади. Бироқ бунда ҳимоячининг адвокатлик гувоҳномасини ва ишни юритишга ваколати мавжуд эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этиш ҳолатига аниқлик киритиш талаб этилади. Негаки, амалиётда кўп ҳолларда суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳимоячига ишда иштирок этиши учун рухсат бериш вақтининг айрим сабаблар билан кечикиши ҳолатлари учраб туради. Дейлик, ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини ва ишни юритишга ваколати мавжуд эканлигини тасдиқловчи муайян ордерни тақдим этиш ва ишга киришиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келганда, суриштирувчи ёки терговчининг ўз хизмат хонасида вақтинчалик йўқлиги ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошираётганлиги сабабли бандлиги ва ҳ.к. сабаблар билан ҳимоячини қабул қила олмаслик ҳолатлари кузатилади. Бу эса ҳимоячининг ўз фаолиятини амалга ошириш учун ишга киришиш вақтининг кечикишига ҳамда унинг фаолиятида сансалорликка учрашига олиб келади. Ҳимоячининг фаолиятига

⁷⁶ Садохин В.А. Процессуальные полномочия защитника в уголовном судопроизводстве и принятие защиты адвокатом. Вестник. – Хабаровск. 2015. №6. -С.156.

бўладиган ҳар қандай тўсқинлик эса шубҳасиз унинг касбий ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишида муаммоли ҳолатни юзага келтиради.

Шу каби муаммоли ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 49-моддаси иккинчи қисми мазмунига ўзгартиш киритган ҳолда, адвокат адвокатлик гувоҳномасини кўрсатиб, ишни юритишга ваколати мавжуд эканлигини тасдиқловчи ордерни терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ёки мансабдор шахсига, суриштирувчи ёки суриштирув бўлинмаси бошлиғи, унинг ўринбосарига, терговчи ёки тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарига ёхуд ишни олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган девонхонасига тақдим этганидан сўнг унинг ишда иштирок этишига йўл қўйилишининг белгиланиши таклиф этилади.

Энди бевосита ҳимоячининг жиноят ишини тергов қилишдаги иштирокини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда ҳимоячи иштирокини қуйидаги босқичларда кўриб чиқишимиз мумкин бўлади:

1. Ҳимоячининг ишга киришиши ва иш материалларини ўрганиб чиқиши;
2. Иш ҳолатини аниқлаштириши;
3. Ҳимоячининг ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан ҳимояси остидаги шахсни таништириши ҳамда унинг ҳуқуқларини тушунтириши;
4. Ҳимоя режасини тузиш ва уни ҳимояси остидаги шахс билан муҳокама қилиши;
5. Тергов ҳаракатларини амалга оширишдаги иштироки;
6. Эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал этишдаги иштироки;
7. Шахсни жиноят ишига айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этишдаги иштироки;
8. Суриштирув ёки дастлабки терговни яқунлаш босқичидаги иштироки.

Таъкидлаш жоизки, суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоянинг асосий вазифаси – айбланувчига унинг айби оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатда эканлигини тушунтириш, терговнинг хатокамчиликларини очиш ва уларни бартараф этишдан иборатдир.

Шу тариқа, ҳимоячининг ишга киришиши ва иш материалларини ўрганиб чиқиши бу ҳимоя функциясининг амал қилиши бошланганлигидан далолат беради. Ушбу функциянинг бошланиши суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг гумон қилинувчи ва айбланувчининг илтимосига кўра ишда ҳимоячи иштирокини таъминлаши шарт бўлган мажбуриятини амалга ошириши билан бевосита боғлиқдир.

Одатда ҳимоячи жиноят иши материаллари билан гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида танишиб чиқишдан манфаатдор бўлади. Чунки бу унга ишнинг барча жиҳатларига тўла ва чуқурроқ кириб бориш, тўпланган материалларни тўғри баҳолаш, оқловчи ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш ва бу билан айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди.

Шунингдек, айбланувчининг қандай қўшимча маълумотларга эга эканлиги ёки улар қаердан олинishi мумкинлигини аниқлаш масалалари ҳам ҳимоячининг вазифаси ҳисобланади. У ҳимояси остидаги шахс билан у ёки бу тергов ҳаракатларини олиб боришга бўлган хоҳиши, янги далилларни ишга қўшиши, илтимосномалар киритиши ва ҳоказолар ҳақида маслаҳатлашиши керак. Иш материаллари билан тўлиқ танишиб чиқиш ҳимоячининг келгусида ҳимояни самарали амалга оширишининг муҳим шартидир⁷⁷.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ҳимояси остидаги шахснинг ўзи иштирок этганлиги ҳам аниқлаштирилади. Ҳимояси остидаги шахсдан ушбу тергов ҳаракати тўғрисидаги барча маълумотлар батафсил

⁷⁷ Пулатов Ю.С., Тулаганова Г.З. Тергов ҳаракатларида ҳимоячи иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий тактик муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т., 2018. -Б.17.

сўралиши мақсадга мувофиқдир. Негаки ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомасининг нусхаси ҳимоя остидаги шахсга берилмайди.

Бундан ташқари, К.Ишниязовнинг фикрича, ҳимоя остидаги шахс унга патрон ёки наркотик “ташлаб қўйилганлиги” юзасидан шикоят қиладиган ҳоллар ҳам учрайди⁷⁸. Шу сабабли ҳимоячи бундай ҳолатларни ҳам аниқлаштириши керак бўлади, чунки бундай суиистеъмолликларни терговнинг дастлабки босқичида аниқлаштириш ва тузатиш осонроқдир.

Шунингдек, ҳимоячи ҳимояси остидаги шахсга экспертиза учун ўз ёзуви ёки овозидан иборат бўлган намуна беришга мажбур эмаслигини тушунтириши зарур. Бунда терговчи қиёсий таҳлил учун ҳимоя остидаги шахсдан намуна олиш “ҳуқуқи”гагина эга. Бу эса ҳимоя остидаги шахсга мажбурият юкламайди.

Таъкидлаш жоизки, жиноятдан жабр кўрган шахслар ҳуқуқларининг тикланиши ва ҳимоя қилиниши учун давлат кўп ҳолларда жиноятни очиш ва уни тергов қилиш билан боғлиқ жараёнларда жиноятдан жабр кўрган шахсларга мустақил ҳолатда ёки ёрдамчи тариқасида ишда иштирок этишига имконият яратиб беради. Шу билан бирга, қонунчилик гумон қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини ҳам тегишли равишда ҳимоя қилишни назарда тутди. Бироқ суриштирувчи, терговчи ва прокурор томонидан гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг бундай тарзда қўллаб-қувватланиши – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари табиатига бутунлай зиддир. Шу сабабли ҳам бугунги кунда олимлар ўртасида ҳимоячига барча тергов ҳаракатларини олиб бориш ҳуқуқини бериш, яъни “параллел тергов” ўтказиш ваколатини бериш таклифи илгари сурилмоқда ва бу катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда⁷⁹. Негаки, одатда ҳимоячи томонидан йиғилган жиноят ишига тааллуқли маълумотлар суриштирувчи ёки терговчи томонидан йиғилган маълумотлардан деярли фарқ қилмайди. Асосий фарқ қилувчи жиҳат эса,

⁷⁸ *Ишниязов К.* Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия. Дис. ... канд. юрид. наук. –Ташкент, 2006. -С.72.

⁷⁹ *Мартыничук Е.Г.* Адвокатское расследование в уголовном процессе. Теоретико-методологические основы доктрины адвокатского расследования. – Москва.: Юнити, 2009. -С.102.

ҳимоячининг давлат органи вакили эмаслигида ва ўз-ўзидан ҳимоячи томонидан ҳимоя функциясининг самарали амалга оширилиши учун етарли қонуний қафолатланган ваколатларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Бунда адвокат тергови деганда суриштирув ёки дастлабки терговга тенг бўлган процессуал фаолият назарда тутилади. Рус олими Е.С.Мартынчик адвокат тергови институтини жорий этиш тарафдорларидан бири бўлиб, у ушбу институтга қуйидагича таъриф бериб ўтади: “адвокат тергови” атамаси қонунга асосланган, оммавий-ҳуқуқий фаолиятнинг бир тури бўлган ва ҳимоячи томонидан жинойт процессининг ишни судга қадар юритиш босқичларида ҳимояси остидаги шахснинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ишга тааллуқли бўлган ҳолат ва далилларни аниқлаш, белгилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутадиган фаолиятидир. В.И.Радченко эса адвокатларга судга тақдим этиш учун далиллар тўплаш мақсадида “параллел” тергов олиб бориш ҳуқуқини бериш ва бу ишнинг чегараларини аниқлаш масаласини ҳал этиш вақти келганлигини таъкидлайди⁸⁰. Унинг ушбу фикрини қўплаб олимлар маъқуллайди⁸¹.

Бироқ И.Я.Фойницкой ушбу институтга бутунлай қарши чиқади. Унинг таъкидлашича, ҳимоя қидируви ҳимоя фаолиятининг катта бир қисмини ташкил этади, бироқ уни тўғри йўлга қўйиш учун прокуратура айбланувчини қидириш билан боғлиқ қандай кучга эга бўлса, ҳимоячи ҳам адолатли суд ҳукмига эришиш учун худди шундай кучга, ҳокимиятга эга бўлиши талаб

⁸⁰ Радченко И.В. Судебная реформа в Российской Федерации: Некоторые теоретические и практические проблемы. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 1999. – С.178.

⁸¹ Смоленский М.Б. Адвокатура в Российской Федерации. Ростов н/Д.: Феникс, 2012. – С.45.; Макарова З.В. Профессиональная защита подозреваемых и обвиняемых. Юр. центр.: Пресс, 2008. – С.217-218.; Победкин А.В. Некоторые вопросы собирания доказательств по новому уголовно-процессуальному законодательству России. Гос. и право, 2003. №1. – С.59.; Колоколов Н.А. Параллельное адвокатское расследование. ЭЖ-Юрист, 2005. №21. – С.67.

этилади⁸². В.Воскресенский ва Ю.Кореневскийлар ҳам ҳимоячи томонидан олиб бориладиган параллел тергов айбланувчи ҳуқуқларини кафолатлашига шубҳа билан қарайдилар. Уларнинг фикрича, моҳиятига кўра бир-бирига қарама-қарши йўналтирилган икки терговнинг (бири расмий – “айблов” тергови, бошқаси хусусий – “ҳимоя” тергови) олиб борилиши мумкинлиги тўғрисидаги ғоянинг нотўғрилигига шубҳа йўқ⁸³. Г.З.Тулаганова эса ушбу фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, муаллифларнинг, ҳимоячи томонидан тинтув, олиб қўйиш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби процессуал ҳаракатларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги нуқтаи назарларга қўшилишини, негаки ушбу тергов ҳаракатлари махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилиши лозимлигини билдириб ўтади⁸⁴.

Юқоридаги фикрларга нисбатан, ҳимоячига барча тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳуқуқини эмас, балки *барча тергов ва процессуал ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқини, шу билан бирга айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш юзасидан ташаббус билан чиқиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ* деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга айтиш мумкинки, ЖПКнинг 87-моддаси иккинчи қисмида ҳимоячининг жиноят иши юзасидан далиллар тўплаш ва уларни тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигининг белгиланганлиги унинг “адвокат тергови”ни олиб бориш ҳуқуқига эга эканлигини англатади. Бироқ бунда ҳимоячи фаолияти самарадорлигига эришиш мақсадида, унинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши талаб этилади, холос.

Маълумки, жиноятларни тергов қилиш гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқалар иштирокида амалга оширилади. Уларнинг ҳар бири муайян даражада айбланувчининг шахсий манфаатлари

⁸² Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. Том I. Изд. 4-е. – СПб. Типография и-ва «Общественная Польза», 1912. -С.89.

⁸³ Воскресенский В., Кореневский Ю. Состязательность в уголовном процессе. Законность, 1995. №7. -С.9.; Гришин А.И. Состязательность в уголовного судопроизводство и предварительное расследование. Правоведение, 1998. №1. -С.15.

⁸⁴ Тулаганова Г.З. Адвокатлик фаолиятида криминалистик билимлардан фойдаланиш имкониятлари. Ўқув қўлланма. – Т.:2018. -Б.37.

доирасига таъсир кўрсатади. Шу сабабдан ҳам айбланувчи ҳуқуқларига таъсир этиш чегараларини белгилаш, қонуний манфаатлар ноўрин чекланишининг олдини олиш зарурияти юзага келади. Бунда энг аввало, у ёки бу тергов ҳаракатини ўтказиш учун чиқарилган қарор асосланганлиги талаб этилади. Ҳимоячининг тергов ҳаракатларидаги иштироки эса далиллар объективлигини оширади. Бироқ амалиётда ҳимоячининг бор-йўғи бир неча тергов ҳаракатларида, хусусан, айбланувчини сўроқ қилиш, айб эълон қилиш жараёнида иштирок этишинигина кўришимиз мумкин. Бироқ кўплаб жиноят ишларининг ҳақиқий ҳолати ҳимоячи томонидан мутахассисларни жалб этиш орқалигина исботланиши мумкинлиги, бу эса нафақат жиноят ишининг, балки айбланувчи ёки жабрланувчининг тақдирига ҳам бевосита ижобий таъсир ўтказиши нуқтаи назаридан **ҳимоячининг барча тергов ҳаракатларида, хусусан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатлари (жабрланувчи, гувоҳни сўроқ қилиш ва бошқалар)да ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши тўғрисидаги нормани ЖПКнинг 53-моддаси 1-қисмида акс эттиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.**

Бу борада ўтказилган сўровда респондентларнинг 82,8 % ҳимоячининг барча тергов ҳаракатларида, хусусан, ҳимояси остидаги гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида ҳам иштирок этиш ҳуқуқи қонунда ўз аксини топиши керак, дея ҳисоблаган⁸⁵.

Энди бевосита ҳимоячининг суриштирув ва дастлабки терговни яқунлаш босқичидаги иштирокига тўхталиб айтиш мумкинки, ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципи амал қилишини таъминлаш ҳамда ҳимоячи процессуал мақомининг ошишига ва таъминланишига эришиш мақсадида ҳимоячининг айблов тарафида бўлгани сингари иш юзасидан хулоса бериш амалиётини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу амалиётнинг жорий этилиши ҳимоячига *ўз фаолияти натижалари ва иш юзасидан хулосаларини*

⁸⁵ Қаралсин: диссертациянинг 3-илоvasи. -Б.246.

процессуал хужжатда акс эттириш имконини беради. *Ушбу процессуал хужжат – “ҳимоя хулосаси” деб номланиши ҳамда ишни судга қадар юритиш яқунланганидан ва ҳимоячи жиноят иши билан танишиб чиққанидан сўнг 3 кун ичида “ҳимоя хулосасини” судга тақдим этиши лозим бўлади. Ҳимоячининг ҳимоя хулосасини тақдим этиш ҳуқуқини назарда тутувчи нормани ЖПКнинг 53-моддасида акс эттириш таклиф этилади.*

2.2. Жиноят процессининг суд босқичида ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилиши

Маълумки, суд процесси давомида ишнинг адолатли муҳокама қилинишида адвокатнинг криминалистик билимлардан ўз ўрнида, самарали фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Адвокатнинг суддаги ҳимоя стратегияси криминалистик жиҳатдан икки концептуал йўналишда амалга оширилиши мумкин: қидирув ва таҳлилий. Ҳимоянинг қидирув стратегияси оқловчи, баъзи ҳолларда қораловчи далилларни қидиришдан иборат бўлади. Қораловчи далилларни ўринли интерпретация қилиниши ҳам баъзида ҳимоянинг самарали амалга оширилишига замин яратиши мумкин. Ҳимоянинг таҳлилий стратегияси деганда эса тўпланган маълумотларни ҳимоя остидаги шахсни оқлаш, унинг айбини енгиллаштириш учун фойдаланиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг йиллар кесимидаги иш фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлари таҳлил қилинганида, жиноят процессининг биринчи инстанция босқичида ҳимоячилар иштирок этган жиноят ишлари 2019 йилда 49083, 2020 йилда 42349, 2021 йилда эса 63748 тани ташкил этганини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар орқали йил сайин биринчи инстанция судида судьялар томонидан инсон қадр қиммати устун қўйилган ҳолда уларнинг ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминланиши ортиб бораётганлиги ижобий ҳодиса сифатида баҳоланади.

Судда ҳимоя позициясини исботлашни синчковлик билан режалаштириш лозим. Бу ҳолатда ҳам вужудга келган ҳолатдан келиб чиқиб терговни режалаштириш ва керакли мақсадларга эришиш имкониятлари тўғрисидаги криминалистик тавсияларни қўллаш муҳим ўрин тутди.

Г.З.Тўлаганованинг фикрича, Суд жараёни қонун устувор бўлган мамлакатларда айблов юзасидан ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган ҳалол тортишув бўлиб ҳисобланади. Бу тортишувда тарафлар тенг ҳуқуқларга эга, иш мазмуни баҳсда ҳал этилади, суд бу баҳснинг якунини расмийлаштиради. Бунда суд шахсга қўйилган айбловга шубҳа

билан қараган ҳолда, унинг тўғри-нотўғрилигини текширади. Бундай шароитда ҳимоячи судда асосий фигурага айланади, унинг мулоҳазалари суднинг диққат марказида бўлади. Судда тарафларнинг тортишуви қанчалик кучли бўлса, суд ҳақиқатга шунчалик яқинлашади⁸⁶.

Ҳимоячи суд муҳокамасининг қуйидагича турли босқичларида ўз фаолиятини амалга ошириб, адвокатлик позициясидан келиб чиққан ҳолда иштирок этади:

- Ҳимоячининг иш материаллари билан танишиши;
- Ҳимоячининг судланувчи билан суҳбати;
- Жиноят иши бўйича дастлабки эшитувда ҳимоячининг қатнашиши;
- Ҳимоячининг суд терговидаги иштироки;
- Ҳимоячининг юқори инстанция судларидаги иштироки.

Бугунги кунда жиноятчиликнинг янги турлари, кўринишлари пайдо бўлган бир пайтда ҳимоячининг тактика ва стратегиясида кўплаб махсус билимларга оид саволлар юзага келаётганлиги ҳамда мутахассис ва эксперт билимларидан фойдаланиш эҳтиёжи пайдо бўлаётганлиги⁸⁷ кузатилмоқда. Зеро, ҳимоячининг фаолият йўналиши қанчалик кенг бўлмасин, у махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳамма жиҳатларини ҳам қамраб ололмаслиги айтиш ҳақиқатдир. Ҳимоячининг махсус билимларга оид эҳтиёжларини қондирувчи жиноят процесси иштирокчиси эса бу – мутахассис ҳисобланади. Бу эса ҳимоячининг *ишга мутахассис жалб этиш ваколатига эга бўлишини талаб этади.*

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, экспертиза хулосаси асосида жиноят иши бўйича жуда ҳам муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин. Бирок экспертиза хулосаси экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда қўйилган саволларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Айнан бир ҳолат юзасидан терговчи ва ҳимоячи эксперт олдига турлича саволлар қўйиши ва мазкур саволлардан келиб чиқиб, турли хил натижани қўлга киритиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам

⁸⁶ Тулаганова Г.З. Адвокатлик фаолиятида криминалистик билимлардан фойдаланиш имкониятлари: Ўқув қўлланма. Т.: ТДЮУ, 2018.-78 б.

⁸⁷ *Астанов И.Р.* Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юр.ф.доктори (DSc) ... диссертацияси. – Тошкент, 2020. -Б.122.

эксперт ва мутахассис ишга ким томонидан жалб этилиши ва улар олдига қандай савол асосида вазифа қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Терговчи томонидан эксперт ёки мутахассис ишга жалб этилганда, терговчи унга ўз касбий манфаатдорлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб вазифа қўяди. Ҳимоячининг асосий вазифаси ишонч билдирувчи шахснинг ҳолатини енгиллаштиришга эришиш бўлгани учун ҳам ҳимоячи томонидан асл ҳолатни юзага чиқаришдан манфаатдорлик юқори бўлади. Е.Р.Россинскаянинг бу борадаги фикрича, ҳимоячи фаолиятида махсус билимлардан фойдаланиш одил судловда қўлланиладиган умумий қонуниятларга бўйсунди⁸⁸.

Ҳимоячи жиноят иши юзасидан ўтказилган экспертиза хулосасидан ҳимоя мақсадида фойдаланади. Бу борада Е.А.Зайцеванинг эксперт ва мутахассисни жиноят-суд ишларида қатнашишга жалб этиш доимо ўз мақсадлари билан фарқ қилган, деган фикрлари ўринлидир. Р.Белкин эса бу борада қонунчилик адвокатга жиноят иши юзасидан экспертиза тайинлаш ёки ўзи танлаган экспертга экспертиза ўтказишни топшириши ҳамда ушбу жараёнларда ҳимоячининг ўзи ҳам иштирок этишини таъминлаши лозимлигини таъкидлайди⁸⁹. Бироқ айтиш мумкинки, ҳимоячининг ушбу жараёндаги ҳуқуқи экспертиза тайинлаш қўринишида эмас, балки экспертиза ўтказишни сўраш учун экспертларга мурожаат қилиш қўринишида бўлиши талаб этилади. И.Р.Астановнинг фикрига кўра, ҳимоячида экспертиза ўтказиш ҳуқуқининг мавжудлиги унинг маълумот тўплаш билан боғлиқ ҳуқуқининг ҳақиқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ҳаракат орқали адвокат ҳақиқий илмий-техник воситалар ва тадқиқотларга асосланиш имкониятига эга бўлади⁹⁰. И.Р.Астановнинг ушбу фикрларига яқин фикрни Е.А.Карякин ҳам билдириб ўтган бўлиб, у келгусида ҳимоячига ўз номидан эксперт муассасаларига экспертизаларни ўтказиш учун материалларни йўллаш ҳуқуқини бериш, эксперт

⁸⁸ *Россинская Е.Р.* Использование специальных знаний в адвокатской деятельности. Профессиональная деятельность адвоката как объект криминалистического исследования. – Екатеринбург, 2002. –С.109.

⁸⁹ *Белкин Р.С.* Курс криминалистики. – М., 1997. – С. 117-118.

⁹⁰ *Астанов И.Р.* Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юр.ф.доктори (DSc) ... диссертацияси. – Тошкент, 2020. –Б.124.

муассасаларига шартнома асосида ана шундай экспертизаларни амалга ошириш ҳуқуқини тақдим этиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозимлигини таъкидлайди⁹¹.

Шу ўринда айтиш керакки, ҳимоячи ўз тактик фаолиятини ташкил қилишда замонавий фан-техника, касб-хунар соҳасидан хабардор бўлган мутахассис ёки эксперт билан маслаҳатлашиши унинг ўз версияларини текшириш, режаларини тўғри ташкил қилиш ва натижа олиш имкониятини шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, ҳозирги замон ривожланиши ва техника тараққиёти даврида жиноят ишларини очиш, шахснинг айбдор ёки айбсизлигини аниқлаш ҳамда уларга профессионал юридик хизмат кўрсатишни экспертларнинг хулосаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу билан бирга ҳимоячи ўз фаолияти давомида махсус билим эгалари бўлган эксперт ва мутахассис фаолиятини текшириш мақсадида бошқа бир эксперт ва мутахассислар билан ҳам маслаҳатлашиши зарур ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш ўринлики, ҳимоячининг экспертиза ўтказиш бўйича сўрови шартномавий муносабатлар кўринишида бўлади. Ҳимоячи экспертиза тадқиқоти учун тегишли тўлов эвазига махсус билимларга асосланиб маълумот олиш имкониятига эга бўлади. Ушбу ҳолат бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигида ўз ифодасини топган бўлиб, хусусан, Қозоғистон ЖПКнинг 70-моддасида адвокат ваколатлари таркибида шартнома асосида эксперт хулосаси ва мутахассис фикрини олиш, шу билан бирга уларни жиноят иши материалларига қўшиб қўйиш бўйича илтимоснома киритиш ҳам назарда тутилган.

Қирғизистон ЖПКнинг 54-моддасида ҳам ҳимоячининг экспертни таклиф этган ҳолда экспертиза тайинлашни сўраб тергов судьясига илтимоснома киритиши, шунингдек, ўзи ҳимоя қилаётган шахс манфаатларидан ва ташаббусидан келиб чиқиб, шартнома асосида экспертиза

⁹¹ *Карякин Е.А.* Проблемы процессуального доказывания в российском уголовном судопроизводстве на основе принципа состязательности: автореф.диссер....канд.юрид.наук. – Оренбург, 2002. – С.9.

ўтказиш ҳуқуқига эга эканлигини кўришимиз мумкин⁹². Россия ЖПКнинг 58-моддасида эса адвокатга “мутахассисни жалб этиш ҳуқуқи” берилганлигини кўришимиз мумкин⁹³. Франция қонунчилигига (ЖПК 161-1-м.) мувофиқ эса экспертиза тайинлаш ҳуқуқига тергов судьяси эга ҳисобланади ва у экспертиза тайинлашда айблов ва ҳимоя тарафига экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш юзасидан илтимоснома тақдим этишлари учун 10 кунлик муҳлат беради⁹⁴.

Н.В.Краснованинг фикрича, шартнома асосида экспертиза ўтказиш ёки ишга мутахассисни жалб этишда эксперт ва мутахассислар ҳимоячи билан шахсий алоқага киришади, буюртмачининг маълум маънодаги боқимандасига айланади, бу эса мутахассис ва экспертнинг ишнинг ҳал этилишидаги холислиги ва манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўяди ва муайян ҳолатларда терговчи уларни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқаришига асос бўлади⁹⁵. Бироқ бизнинг фикримизча, хусусий эксперт ва мутахассисларнинг фаолият юритиши давлат экспертиза муассаларидаги “монополь” кайфиятга барҳам бериб, улар фаолиятида соғлом рақобат муҳити шаклланишига ҳамда ишни судга қадар юритиш жараёнида айблов ва ҳимоя тарафларига тенг имкониятлар яратилиши ва тортишув принципи таъминланишига хизмат қилади.

Шу сабабли айтиш мумкинки, ишга мутахассисни жалб этиш ёки экспертиза тайинлаш ҳуқуқининг ҳимоячига берилиши иш тақдири учун фойдали ҳисобланади. Б.С.Саломовнинг бу борадаги фикрига кўра, агарда жиноят иши юзасидан экспертиза тайинланаётган ёхуд ўтказилган бўлса, адвокат ишдаги эксперт хулосасидан ташқари, яна учта муҳим процессуал ҳужжатларни текшириб чиқиши лозим бўлади. Булар: а) экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор; б) экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор билан

⁹² Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (по сост. на 04.06.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

⁹³ *Зайцева Е.А.* К вопросу о заключение специалиста//Уголовное право. – 2006. – №4 – стр.43.

⁹⁴ *Мелешко А.* Уголовный процесс Франции: краткий очерк. Часть 1, 2. – Санкт-Петербург, 2017. // URL: <https://www.advgazeta.ru/mneniya/ugolovnyy-protsess-frantsii-kratkiy-ocherk-chast-1/>

⁹⁵ *Краснова Н.В.* Тактические особенности производства следственных действий с участием защитника: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Владивосток: ДВУ, 2002 – С.25.

айбланувчининг танишув баённомаси; в) эксперт хулосаси билан айбланувчининг танишув баённомаси⁹⁶.

И.Астановнинг таъкидлашича, ЖПКда ҳимоячининг эксперт хулосаси ёки мутахассиснинг фикрини процессуал тартибда сўраш тартиби ҳақида маълумот мавжуд эмас. Ушбу мутахассис фикрини олиш шакли конунчиликда ёритилмаган. Шу сабабли, мутахассис фикрини олиш мурожаат кўринишида, шартнома асосида бўлиши тўғрисидаги нормани ЖПКга киритиш лозим⁹⁷. Биз ушбу фикрга қўшилган ҳолда, ишга эксперт ёки мутахассис таклиф этиш ҳуқуқини ҳимоячига шартнома асосида берилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг 88,9 % и ҳимоячига шартнома асосида эксперт хулосаси ва мутахассис фикрини олиш ҳуқуқи берилиши лозимлигини таъкидлаган⁹⁸.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳимоячига ўз ташаббуси билан шартнома асосида эксперт хулосаси ва мутахассис фикрини олиш, шунингдек уларни жиноят иши материалларига қўшиб қўйиш тўғрисида илтимоснома киритишни назарда тутувчи нормани ЖПКнинг 53-моддасида ақс эттириш ҳамда шартнома асосида олинган эксперт ва мутахассис хулосасини 81-моддада келтирилган далиллар турларига ва 87-моддада белгиланган далилларни тўплаш усулларига киритишни таклиф этамиз.

⁹⁶ Саломов Б.С. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки. Амалий қўлланма. – Т.: Адолат, 2007. – Б. 199.

⁹⁷ Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Юр.ф.доктори (DSc) ... диссертация. – Тошкент, 2020. -Б.122.

⁹⁸ Қаралсин: диссертациянинг 3-илоvasи. -Б.248.

III БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯ ИНСТИТУТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.

3.1. Хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳимоя масалалари

Шу ўринда ҳимоя тушунчасининг моҳиятига тўхталиб ўтиб, шунга айтиш мумкинки, ҳимоя – ҳар бир шахснинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатидир. Бироқ шунга қарамай, амалдаги ЖПКда ҳимоя тушунчасига таъриф бериб ўтилмаган. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарорида гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи дейилганда – вужудга келган гумон ҳамда қўйилган айбловни рад этиш ёки жавобгарлик ва жазони юмшатиш учун унга қонун тарафидан берилган процессуал имкониятлар йиғиндиси тушунилиши белгиланган бўлсада, бироқ ушбу таъриф ҳам ҳимоя тушунчасининг моҳиятини тўлақонли очиб бера олмайди. Шу сабабли айтиш мумкинки, ҳимоя тушунчасининг бутун мазмунини ўзида акс эттирувчи норма нафақат ЖПКда, балки жиноят-процессуал қонунчиликда мавжуд эмас.

Ҳимоя тушунчаси хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида қуйидагича ўз аксини топган бўлиб, унга кўра:

Қирғизистон Республикаси ЖПК (5-м.)га кўра, ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан жиноят ёки жиноий ҳаракатни содир этганликда гумон қилинаётган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, айбловни рад этиш ёки уни енгиллаштириш, шунингдек, ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилиш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир⁹⁹.

⁹⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (по сост. на 04.06.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

Арманистон Республикаси ЖПК (6-м.)да ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш, Жиноят кодексида таъқиқланган ҳаракат содир этилганлиги аниқланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилган шахсларни реабилитация қилишга ёрдам беришдан иборат бўлган процессуал фаолият¹⁰⁰ сифатида таърифланган.

Озарбайжон Республикаси ЖПК (7.0.27.)да ҳимоя тушунчаси – жиноий қонунда назарда тутилган ҳаракатни содир этганликда гумон қилинаётган шахсга қарши илгари сурилаётган айбловни рад этиш ёки уни енгиллаштириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир¹⁰¹, дея таъриф берилган.

Беларусь Республикаси ЖПК (6-м.)да ҳимоя – бу ҳимоя тарафи томонидан гумон ёки айбловни рад этиш ёхуд айбловни юмшатиш, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс ва ўзаро ҳамкорлик тамойили асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масаласи юзасидан қарор қабул қилишга ваколатли хорижий давлат органининг сўрови ижросини таъминлаш тўғрисидаги қарор асосида эҳтиёт чораси қўлланилиб ёки халқаро кидирувда бўлганлиги сабабли топшириш мақсадида ушланган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал фаолиятдир¹⁰², дея таъриф берилган.

¹⁰⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Республика Армения от 1 сентября 1998 года (по сост. на 10.10.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹⁰¹ Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года (по сост. на 25.06.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹⁰² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По сост. на 09.01.2019). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

Россия¹⁰³, **Эстония**¹⁰⁴, **Тожикистон**¹⁰⁵ ва **Туркменистон**¹⁰⁶ Республикалари ЖПКларида эса худди мамлакатимиз ЖПКда бўлгани каби ҳимоя тушунчасига таъриф бериб ўтилмаган.

Украина ЖПК (22-м.)да эса ҳимоя гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳимоячиси ёки уларнинг қонуний вакили томонидан амалга оширилишигина белгиланган¹⁰⁷, холос.

Юқорида келтирилган олимлар фикрлари ва хорижий давлатлар жинойт-процессуал кодексларида келтирилган ҳимоя тушунчасига берилган таърифлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, ҳимоянинг асосий мақсади – жинойтни содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, гумонни рад этиш, айбловни юмшатиш, жазони енгиллаштириш ҳамда ноқонуний тарзда жиноий таъқибга учраган шахсларни реабилитация қилишдан иборатдир. Ҳимоя ҳуқуқи жинойт процессининг барча босқичларида таъминланади.

Амалдаги қонунчиликда суд назоратини амалга оширишнинг самарали ва оптимал механизмлари яратилмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖПК 27-моддасида белгиланган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддасида белгиланган суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқини чеклайди. Бу эса диссертация иши доирасида ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг (80,9 %) ишни судга қадар юритишда фаолият олиб борувчи тергов судьяси институтининг киритилиши айблов ва ҳимоя тарафи фаолияти, процессуал ҳуқуқларидаги ўзаро муносабатларнинг таъминланишига хизмат қилади ва суд назоратини амалга ошириш механизми сифатида намоён бўлади¹⁰⁸,

¹⁰³ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (по состоянию на 27.10.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹⁰⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://wipo.lex.wipo.int/ru/legislation>

¹⁰⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (по сост. на 04.07.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹⁰⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (по состоянию на 22.08.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹⁰⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (по состоянию на 21.07.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹⁰⁸ Қаралсин: диссертациянинг 3-илоvasи. -Б.244.

деган фикрларида ҳам ўз аксини топган. Тергов судьяси институтига оид айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилганда, **Германия, Бельгия, Греция, Ироқ, Испания, Нидерландия, Хорватия** ва айниқса, **Францияда** ушбу институт ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келаётганлиги аниқланди. Хусусан, **Германияда** тергов судьяси (участка судьяси) жиноят процессининг ўта муҳим фигураси бўлиб, унинг фаолияти Германия адвокатлари учун катта имконият ҳисобланади. Тергов судьяси қамокқа олиш, тинтув ўтказиш, ДНК таҳлилларини ўтказиш, телефон-сўзлашув қурилмаларини эшитиш каби прокурор мурожаатлари юзасидан қарор қабул қилиш масъулиятини ўзига олади. Тергов судьяси фаолиятининг муҳим аҳамият касб этиши ўз ўрнида адвокат фаолиятига ҳам таъсир этади. У полиция ва прокуратура ҳаракатларини кўриб чиқади ҳамда ушбу органлар фаолиятининг мувофиқлиги ва қонунийлигини текширади. Шунингдек, полиция ҳаракатларини чеклайди, бу эса адвокатлар учун ўта муҳим аҳамият касб этади, чунки иш тергов судьяси қўлида бўлган вақтда у ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиқмагунча қарор қабул қилмайди, бу эса ҳимоячи фаолиятига ижобий таъсир этади ва ҳимоячига иш юзасидан прокуратурада мавжуд бўлган барча маълумотлар билан эртароқ танишиш имкониятини беради. Натижада, адвокат ҳимояни тўғри ва самарали амалга оширишга эришади. Шу орқали тарафлар тенг имкониятларда ҳаракатланиши мумкин бўлади¹⁰⁹.

Ҳозирда МДХ ва бошқа давлатларда ҳам тергов судьяси институти жорий этилмоқда, хусусан, 2002 йилда Литва (ЖПК 158-м.)да, 2003 йилда Молдавия (ЖПК 41-м.) ва Эстония (ЖПК 21-м.)да, 2005 йилда Латвия (ЖПК 210-м.)да, 2013 йилда Украина (ЖПК 3-м.)да, 2015 йилда эса Қозоғистон (ЖПК 55-м.), Грузия (ЖПК 20-м.) ва Қирғизистон (ЖПК 31-м.) да ушбу

¹⁰⁹ *Рольник Г.* «Следственный судья в Германии и его роль в деятельности адвоката-защитника» доклад на конференции «Пути обеспечения реализации прав защитника в досудебном производстве и необходимость в этом следственного судьи: за и против» из материалов сборника тезисов по итогам международной научно-практической онлайн-конференции. – Т.-2020.стр.7-8.

институт жорий этилди. Арманистонда эса тергов судьяси институтини жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда¹¹⁰.

Ушбу масала юзасидан хорижий давлатлар қонунчилиги, хусусан Франция Жиноят-процессуал кодексини¹¹¹ таҳлил қилганимизда, шахс жиноят устида қўлга тушганда ёки унда жиноят излари топилганда, унга ўша захотиёқ қўйилаётган гумон мазмуни тушунтирилиб, унинг ҳимоя ҳуқуқига эгаллиги ва адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланишининг маълум қилиниши ва шундан кейингина шахс сўроқ қилинишини кўришимиз мумкин. Бироқ жиноятни содир этган шахс маълум бўлмаган ҳолатда дастлабки суриштирув ҳаракатлари амалга оширилиб, бунда гумон остига олинган шахсни сўроқ қилишдан олдин унга ҳуқуқлари, жумладан адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилади ва унинг адвокат билан учрашуви таъминланади.

Ривожланган мамлакатларнинг процессуал қонунчилигида мавжуд бўлган терговга қадар текширув институтига назар ташлайдиган бўлсак, АҚШда¹¹² полиция ходимлари томонидан гумон остига олинган шахс (кўчада бўлса) тўхтатилиши (ушланиши) билан сўроқ қилишдан олдин энг аввало унга унинг сукут сақлаш ҳуқуқи мавжудлиги, ҳар бир айтган сўзи судда ўзига қарши далил сифатида фойдаланиши мумкинлиги, шунингдек **адвокат олиш ҳуқуқига эгаллиги, агар адвокат хизмати учун пул тўлаш имконияти мавжуд бўлмаса, давлат томонидан адвокат билан таъминланиши**, шу билан биргаликда ушбу ҳуқуқларни тушунган ёки тушунмаганлиги сўралиб, тасдиқлатиб олинади (“Миранда қондаси”). АҚШнинг Техас, Аризона ва Калифорния каби штатлари қонунчилигида эса агар сўроқ қилинаётган шахс Америка Қўшма штатлари фуқароси бўлмаса, саволларга жавоб беришдан аввал ўз мамлакати элчиси билан алоқада бўлиш мумкинлиги тушунтирилади. Германиянинг жиноят-процессуал

¹¹⁰ <https://ru.wikipedia.org/wiki>

¹¹¹ Мелешко А. Уголовный процесс Франции: краткий очерк. Часть 1, 2. – Санкт-Петербург., 2017. // URL: <https://www.advgazeta.ru/mneniya/ugolovnyy-protsess-frantsii-kratkiy-ocherk-chast-1/>

¹¹² Утениязов Т. Ўзбекистонда “Миранда қондаси” қандай ишлайди? Халқаро тажриба, маҳаллий қонунчилик ва амалиётдаги муаммолар хусусида. Advokat №1–2, 2020.

қонунчилигига мувофиқ эса гумон остига олинган шахс биринчи сўроқ олдидан қандай ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинаётгани маълум қилиниб, у Жиноят кодексининг мазкур жиноят ҳақидаги тегишли моддаси билан таништирилиши, шунингдек ушбу гумонга нисбатан ўз муносабатини билдириш ёки билдирмаслик, ҳар қандай вақтда ва сўроқ қилингунга қадар ўзи танлаган адвокат билан холи учрашиш каби ҳуқуқлари таништирилиши кераклиги белгилаб қўйилган¹¹³.

Жиноят-процессуал ҳуқуқидаги энг мунозарали масалалардан бири бу ҳимоячининг исбот қилиш жараёнидаги иштирокидир. ЖПКнинг 87-моддаси 2-қисмида ҳимоячининг жиноят иши юзасидан далиллар тўплаш ва уларни тақдим этишга ҳақли эканлиги белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳимоячининг исбот қилиш жараёнидаги иштирокини унинг далилларни тўплаш ва тақдим этиш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнини таҳлил этиш орқали кўриб чиқамиз.

Шу ўринда далилларни тўплаш тушунчаси моҳиятини таҳлил этиб, ушбу тушунчанинг хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида қуйидагича тартибга солинганлигини кузатишимиз мумкин:

Украина Республикаси ЖПКнинг далилларни тўплашни тартибга солувчи 93-моддасида¹¹⁴ далилларни тўплаш тартиби қуйидагича белгиланган:

1) Далилларни тўплаш ваколатига жиноят ишини юритувчи субъектлардан ташқари жабрланувчи ҳамда юридик шахс вакили эга ҳисобланади;

2) Далиллар тергов (қидирув) ҳаракатларини ва ноошкора тергов (қидирув) ҳаракатларини бажариш орқали тўпланиши мумкин;

3) Халқаро ҳамкорликни амалга ошириш натижасида ҳам хорижий давлат ҳудудидан муайян иш юзасидан далиллар олиниши мумкин.

¹¹³ Утениязов Т. Ўзбекистонда “Миранда қондаси” қандай ишлайди? Халқаро тажриба, маҳаллий қонунчилик ва амалиётдаги муаммолар хусусида. *Advokat* №1–2, 2020.

¹¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (по состоянию на 21.07.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

Беларусь Республикаси ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 103-моддасида¹¹⁵ далилларнинг тезкор-қидирув тадбирлари натижалари бўйича тўпланиши мумкинлиги белгиланмаган, аммо “тезкор иш юритиш” ва жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни текшириш жараёнида ҳам тўпланиши белгиланган. Шунингдек, далилларни тўплаш юзасидан Беларусь Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги ва мамлакатимиздаги бу борадаги мавжуд қонунчиликни таққослаганимизда, Беларусь Республикаси ЖПКда далилларни тўплаш воситалари ҳисобланган тергов ҳаракатлари 8 та бўлса, бизнинг ЖПКда эса ушбу тергов ҳаракатлари 16 тани ташкил этади. Шу билан биргаликда Беларусь Республикаси ЖПКда далиллар давлат айбловчиси, хусусий айбловчи ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакили, шунингдек ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс томонидан тақдим этилиши белгиланган. Ушбу ҳолат ижобий хорижий тажриба ўрнида далилларни тақдим қилишни исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида белгилаш тўғрисидаги нормани қонунчиликка киритиш юзасидан берган тақлифимизнинг ўринли эканлигига яққол мисол бўла олади.

Арманистон Республикаси ЖПКда¹¹⁶ далилларни тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланиши белгиланмаган ҳамда далилларни тўплаш ваколатига эга субъектлар кўрсатилмаган.

Молдова Республикаси ЖПКда¹¹⁷ далилларни тўплашнинг қуйидаги тартиби белгиланганлигини кўриш мумкин:

- 1) далилларни тўплаш ваколатига эга субъектлар жиний таъқиб органлари ва суд ҳисобланади;
- 2) ҳимоячи ҳимояси остидаги шахснинг розилиги билан муайян иш юзасидан мутахассис фикрини сўраш ҳуқуқига эга;

¹¹⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (по сост. на 09.01.2019). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹¹⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Республика Армения от 1 сентября 1998 года (по сост. на 10.10.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹¹⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Республика Молдова от 14 марта 2003 года (по сост. на 11.09.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

3) далилларни текшириш исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида эмас, балки далилларни тўплаш таркибида кўриб чиқилади;

4) Далилларни тақдим этиш исбот қилишни амалга оширишнинг мустақил босқичи сифатида белгиланади.

Эстония Республикаси ЖПКда¹¹⁸ далилларни тўплашнинг қуйидагича фарқли тарафларини кўриш мумкин:

1) далилларни тўплаш уларни йиғиш жараёнида қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва кадр-қимматига тажовуз қилмаслик, унга нисбатан ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва зарар етказмаслик шарти билан амалга оширилиши;

2) тергов ва прокуратура органларининг далил тўплаш жараёнида мустақил экспертларни жалб этиш ҳуқуқига эгаллиги;

3) далилларни тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш йўли билан тўплашнинг алоҳида нормаларда тартибга солинганлиги.

Россия Федерациясининг ЖПКда¹¹⁹ эса далилларни тўплашнинг қуйидаги фарқли жиҳатини кўришимиз мумкин:

Ҳимоячи шахсларни сўровдан ўтказиш учун уларнинг розилигини сўраши белгиланган. Мамлакатимиз ЖПКда эса ҳимоячи шахслардан ёзма тушунтириш олиши учун уларнинг розилигини олиши талаб этилади.

Қозоғистон Республикасининг ЖПК¹²⁰даги фарқли жиҳатлар қуйидагилардан иборатдир:

1) далилларни аниқлаш ва уларни мустаҳкамлаш исбот қилишнинг мустақил босқичлари сифатида белгиланганлиги;

2) суднинг далил тўплаш ташаббусига эга эмаслигининг қатъий белгиланганлиги;

¹¹⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://wipolex.wipo.int/ru/legislation>

¹¹⁹ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (по состоянию на 27.10.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹²⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По сост. на 16.11.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

3) ҳимоячи юридик шахслардан, хусусан, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларидан маълумотнома, тавсифнома ва бошқа ҳужжатларни талаб қилганида, ушбу ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини ҳимоячи ёки жабрланувчининг вакилиги 10 кунлик муддат ичида топшириши шартлиги тўғрисидаги норманинг қатъий белгиланганлиги;

4) ҳимоячига шартнома асосида суд экспертизаларини ўтказиш ва ишга мутахассисни жалб этиш, жиноят ишига алоқадор шахсларни уларнинг розилиги билан махсус техник воситаларни қўллаган ҳолда сўровдан ўтказиш;

5) қамокқа олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқиляётганда ҳимоячи томонидан сўралаётган ҳужжат 24 соат ичида унга тақдим этилиши шартлигининг белгиланганлиги;

6) ҳимоячи томонидан тўпланган маълумотлар электрон тарзда топшириш мумкинлигининг белгиланганлиги;

7) далилларни тўплаш юзасидан белгиланган процессуал мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг мавжудлиги.

Айтиш мумкинки, Қозоғистон Республикаси ЖПКдаги далилларни тўплаш юзасидан белгиланган нормаларни ижобий хорижий тажриба сифатида баҳолаб, миллий қонунчиликка татбиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Қозоғистон Республикаси ЖПКда белгиланган ҳимоячининг шартнома асосида экспертиза хулосасини олиш ва мутахассисни ишга жалб этиши тўғрисидаги норманинг Қирғизистон Республикаси ЖПКда ҳам белгиланганлигини қўришимиз мумкин.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳимоячи томонидан шартнома асосида ишга эксперт ва мутахассисни жалб этиш амалиёти хорижий давлатлар тажрибасида йўлга қўйилган ва бу амалиёт бугунги кунга қадар ўзини ижобий тарафдан оқлаб келмоқда. Бу эса ушбу амалиётни хорижий тажрибадан ўтганлиги нуқтаи назаридан миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш мумкинлигини англатади. Шу орқали ҳимоячининг исбот қилиш

фаолиятидаги ҳуқуқлари кенгайишига ва процессуал имкониятлари оширилишига эришиш мумкин бўлади.

Шунингдек, **Қирғизистон** Республикаси ЖПКда белгиланган далилларни тўплашга оид эътиборга лойиқ жиҳатлар қуйидагилардан иборатдир:

1) Далилларни тўплаш фақат процессуал ҳаракатларни ўтказиш йўли билан амалга оширилиши белгиланган. Бу эса ҳимоячининг ҳам далиллар тўплаш фаолиятини ўз ичига қамраб олиши билан, ижобий хорижий тажриба сифатида баҳоланади.

2) Ишга алоқадор маълумотларга эга шахсларни ўзларининг розиликлари билан сўровдан ўтказиш, шунингдек, алоқадор ва мақбул далилларни судга тақдим этиш шарти билан тўплаш каби ваколатларнинг берилганлиги.

Туркменистон Республикаси ЖПКнинг далилларни тўплашни тартибга солувчи 133-моддасида¹²¹ далилларни тўплаш воситалари нималардан иборат эканлиги белгиланмаган. Шунингдек, ушбу давлат ЖПКсида далилларнинг тезкор-қидирув тадбирлари натижалари бўйича тўпланиши мумкинлиги тартибга солинмаган.

Тожикистон Республикаси ЖПКда¹²² далилларни тўплаш ваколатига эга субъектлар сифатида судья алоҳида кўрсатилган. Бироқ бизнинг ЖПКнинг далилларни тўплаш деб номланган 87-моддасида далилларни тўплаш субъектлари белгиланмаган.

Австрия ЖПК (427-м.)сида¹²³ жиноят ишини кўриб чиқаётган суднинг ёки жиноят иши унинг ихтиёрида бўлган судьянинг иш юзасидан аниқлаган маълумотлари далил сифатида эътироф этилиши белгиланган. Ушбу мамлакатда ҳам далилларни тўплаш субъекти сифатида судья алоҳида эътироф этилган.

¹²¹ Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (по состоянию на 22.08.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹²² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (по сост. на 04.07.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spinform.ru>

¹²³ Бутов В.Н. Уголовный процесс Австрии. – Красноярск, 1988. –С.200.

Хитой Халқ Республикаси ЖПК¹²⁴да далилларни тўплашга алоҳида модда ажратилмаган ҳамда унинг тушунчаси нимадан иборат эканлиги белгиланмаган. Бироқ шундай бўлсада, ХХР ЖПКнинг 50-моддасида терговчи, прокурор ва судьянинг далилларни фақат қонуний йўллар билан тўплаши лозимлиги белгиланган. Бундан келиб чиқадики, Хитой Халқ Республикаси ЖПКга мувофиқ, далилларни тўплаш ҳуқуқига эга субъектлар терговчи, прокурор ва судья ҳисобланади.

Япония Жиноят-процессуал қонунида¹²⁵ ҳам далилларни тўплашга алоҳида модда ажратилмаган ва унинг тушунчаси нимадан иборат эканлиги белгиланмаган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, жиноят процессида тортишув принципи амал қиладиган давлатларда ҳимоячининг далилларни тўплашдаги ўрни мутлақо ўзгача кўринишда акс этади. Хусусан, Англо-америка мамлакатларида далилларни тўплаш жараёнининг ўзи ҳам ихтисослашганлигини кўришимиз мумкин. Бунда далилларни аниқлаш, топиш ва уларни процессуал мустаҳкамлашнинг вақт бўйича бўлинганлиги аҳамиятга моликдир. Тарафлар томонидан тақдим этилган далиллар суднинг дастлабки эшитув босқичида процессуал мустаҳкамланади ва тарафларнинг илтимосномалари асосида янги далилларни олиш чоралари кўрилади. Европа континентал давлатларидан фарқли равишда собиқ совет иттифоқдош давлатлари ҳамда АҚШда дастлабки тергов босқичида ҳимоячилар “адвокат тергови”ни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлигини кўриш мумкин¹²⁶.

А.Н.Ведерниковнинг ҳисоблашича, “адвокат тергови” кўринишидаги америка адвокатининг фаолияти Россия Федерациясидаги ҳимоячининг процессуал бўлмаган фаолиятидан умуман фарқ қилмайди, бу эса ҳимоячининг ҳокимият ваколатига эга эмаслиги сабабли имкониятлари

¹²⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики (с изменениями, внесенными Решением Постоянного Комитета Всекитайского собрания народных представителей от 14.03.2012 г. “О внесении изменений в Уголовно-процессуальный Кодекс Китайской Народной Республики”) (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://wipolex.wipo.int/ru/text/337074>

¹²⁵ Уголовно-процессуальный закон Японии (10.07.1972 г. Закон №131. Окончательная поправка от 27 апреля 2010 г., Закон №26).<http://wipolex.wipo.int/ru/text/187786>.

¹²⁶ *Мартынчик Е.Г.* Адвокатское расследование в уголовном процессе. Юрист. 2009. – С.65.

чекланганлиги билан изоҳланади¹²⁷. Бироқ Ф.А.Рамазанова бу фикрга бутунлай қарши чиқади. Унинг фикрича, АҚШда амал қиладиган хусусий-тергов фаолияти натижалари бошқача аҳамиятга эга ҳисобланади. Полиция фаолиятини амалга ошириш натижалари ҳам далил кучига эга ҳисобланмайди. Ҳимоячининг маълумотларни тўплаш юзасидан фаолият натижалари полиция фаолияти натижаларига тенглаштирилади. Адвокатлар Ҳимоячиларнинг Федерал Бошқармаси ёрдамидан фойдаланган ҳолда далилларни тўплайди ҳамда далилларни ва уларнинг манбаларини аниқлаш мақсадида кўп ҳолларда хусусий-детективлар ёрдамидан фойдаланишади. АҚШда хусусий детективлар керакли маълумотларни тўплашда кенг ваколатларга эга ҳисобланишади. Улар кўплаб процессуал усуллардан фойдаланишади. Булар жумласига кузатув, жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилиш, уйга шу уйда яшовчи шахслар розилиги билан эшитув хизматини ўрнатиш кабилар киради. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси оператив характерга эга ҳисобланади. Олинган маълумотлар далил сифатида қайд этилади¹²⁸. АҚШда кам таъминланган айбланувчининг адвокати ҳам хусусий детектив билан келишув тузиши мумкин ҳисобланади. Давлат кам таъминланган айбланувчининг далилларга эга бўлиши ва тегишли бюджетдан моддий ресурсларни тақдим этиши ҳисобига унинг ҳимоясини амалга оширишни таъминлайди. 1964 йилдаги “Жиноят одил судлов” тўғрисидаги Қонун кам таъминланган айбланувчига далилларни топишда, экспертиза ўтказишда ёки ҳимоя учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам бериш тўғрисида судга илтимоснома бериш ҳуқуқини назарда тутди. Далилларни мустақкамлаш эса кейинги босқичларда амалга оширилади. Бундан кўринадики, АҚШда ҳимоячи ва жиний таъкиб органларининг ҳуқуқлари ўзаро муносабат ҳисобланади¹²⁹.

¹²⁷ Водерников А.Н. Актуальные вопросы участия защитника на стадии предварительного расследования. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва. 2007. – С.197.

¹²⁸ Агутин А.В. Правовые тактические аспекты частной сыскной деятельности. Дис. ... канд.юрид.наук. – Нижний Новгород, 2003. – С.63.

¹²⁹ Рамазанова Ф.А. Особенности участия защитника в процессе доказывания на стадии предварительного следствия. Научн. статья. Журнал правовых исследований. 2017. №7 <https://tadqiqot.uz/wp->

АҚШ тажрибасининг кўрсатишича, ишни судга қадар юритишда химоячининг фаол равишдаги фаолияти жиноят процессини секинлаштирмайди, балки гумон қилинувчи ва айбланувчини оқловчи маълумотларни тезроқ тўплаш имконини беради.

Юқорида келтириб ўтилган хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигини таҳлил этишдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳар қайси давлатда далиллар тўплашнинг ўзига хос тартиби шаклланган. Айрим давлатларнинг бу борадаги тажрибасидан ижобий тажриба сифатида фойдаланиш мумкин бўлса, айрим давлатлар қонунчилиги такомиллаштиришга эҳтиёж сезиши кузатилади.

Далиллар тўплаш юзасидан илмий-тадқиқот ўтказган олимларнинг ишлари ўрганилганда химоячига далилларни тўплаш ваколатини бериш ёки бермаслик бўйича турли хил баҳсли ҳолатларнинг мавжудлиги кўзга ташланади.

3.2. Жиноят процессида химоячининг ҳуқуқий мақоми

Сўнги йилларда давлатимизда барча соҳаларга замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш орқали уларни рақамлаштириш, бунинг натижасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада кучайтириш ва бир қатор соҳалар вакиллари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ушбу йўналишда белгиланган вазифалар амалга оширилишининг тизимлилиги ва изчиллигини таъминлаш, бунинг доирасида адвокатура фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатишни янги босқичга олиб чиқиш мақсад қилиб олинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация

технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-263-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва инсон омилини бартараф этиш орқали адвокатура институтининг давлат органлари ва бошқа тузилмалардан мустақиллигини ошириш назарда тутилган¹³⁰.

Жиноят процесси доирасида ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш орқали унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётган масалалардан бири ҳисобланади. Негаки, жиноят процессида ҳимоячи ҳуқуқларининг кенгайтирилиши шахсларнинг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқларини самарали равишда амалга ошиши кафолатидир. Ҳимоячи фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, энг аввало ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга ошишига тўсқинлик қилаётган омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу омилларни икки гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Ҳимоячи процессуал имкониятларининг амалда чекланганлиги;
2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилмаётганлиги.

Биринчи ҳолат юзасидан таниқли адвокат Гарник Саядян Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигини хорижий давлатлар қонунчилиги билан солиштириб, ҳимоячи ҳуқуқларининг амалга оширилишидаги асосий муаммо адвокатура институти фаолиятининг амалга оширилиш механизмида эканлигини таъкидлайди¹³¹. Унинг фикрича, бошқа давлатларда терговчи айбланувчининг айбини исботлаб беришга мажбур бўлса, Ўзбекистонда эса ҳимоячи бутун процесс жараёнида ўз ҳимояси остидаги шахснинг айбсизлигини исботлаш билан шуғулланади. Ушбу ҳолат эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ўз касбий фаолиятига масъулият

¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-263-сонли Қарори (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.05.2022 й., 07/22/263/0456-сон)

¹³¹ Саядян Г. Нет мертвых дел, мертвыми бывают только люди! Адвокат №1–2, 2020. – С. 54. www.advokatnews.uz

билан ёндошиши лозимлигини англатади. Хусусан, жиноят-процессуал қонунчилик томонидан ҳар бир аниқ жиноят иши бўйича, нафақат шахсининг айбдорлиги юзасидан, балки гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбсизлигини ҳам ҳар томонлама ва холис тергов қилиш асосида исбот қилишни амалга ошириш мажбурияти юклатилган бўлишига қарамасдан, амалиётда терговни амалга оширувчи субъектлар томонидан ушбу талабга нисбатан менсимасдан муносабатда бўлиш ҳолатлари кузатилади. Бу эса, тергов органларида жиноят иши юзасидан терговни холис тарзда олиб боришдан манфаатдорлик мавжуд эмас, деган фикрга олиб келади. Шу сабабли ҳам жиноят ишини тергов қилишда холисликни таъминлаш билан боғлиқ барча оғирлик ҳимоя тарафи, яъни ҳимоячига тушади, дейишимиз мумкин. Айнан шунинг учун ҳам жиноят процессининг энг муҳим конституциявий принципларидан бири бўлган ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши, бунда ҳимоячининг ўз ҳимояси остидаги шахсининг айбсизлигини фаол равишда исбот қилиши, илгари сурилаётган айблов версиясини рад этиши ёки айбни (жазони) енгиллаштирувчи ҳолатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу эса ҳимоячининг исбот қилишни амалга ошириш субъектларидан бири сифатида эътироф этиш юзасидан берган таклифимизнинг нечоғли ўринли эканлигини кўрсатмоқда.

Зеро, исбот қилишни амалга ошириш субъектлари томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахсларнинг ҳам айбсизлигини ҳар томонлама ва холис тергов қилиш амалга оширилмаётган экан, ушбу шахсларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан ҳимоячини исбот қилишни амалга ошириш субъектлари қаторига киритилиши айтилиши айни муддаодир. Бироқ амалдаги қонунчиликка кўра ҳимоячининг бу борадаги процессуал имкониятларининг чекланганлиги унинг ўз фаолиятини самарали амалга оширишига тўсқинлик қилмоқда.

Шу ўринда айтиш мумкинки, амалдаги Жиноят-процессуал қонунчиликка кўра ҳимоячининг исбот қилиш жараёнидаги иштироки унинг:

- 1) ишга оид муайян ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиши;
- 2) шахсларнинг розилиги билан улардан ёзма тушунтиришлар олиши;
- 3) давлат органлари ва бошқа органларга ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориши;
- 4) ушбу орган, корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотнома, тавсифнома, тушунтириш ва бошқа ҳужжатларни олиши асосида далиллар тўплаш фаолиятида намоён бўлади¹³².

Юқорида баён этилган ҳимоячининг исбот қилиш жараёнида амалга оширадиган ҳаракатларининг ҳар бирини алоҳида таҳлил қилиб кўрамиз.

Ҳимоячи томонидан далиллар тўплаш усулларида бири бу шахсларни сўровдан ўтказиш усулидир. Бироқ мазкур усул қонунда ҳам, назарияда ҳам ва ҳатто амалиётда ҳам тартибга солинмаган. Бугунги кунда сўров натижалари асосида олинган маълумотларнинг процессуал шакли тўғрисидаги масала процессуалист олимлар ўртасида турли баҳсларни келтириб чиқармоқда.

Айтиш жоизки, ҳимоячи томонидан сўров ўтказишдан мақсад – жиноят иши бўйича далил предметиға кирувчи, жиноятни содир этишда шахснинг айбсизлигини, жиноят таркиби ёки ҳодисасининг йўқлигини, жиноий жавобгарлик ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжуд эмаслигини аниқлаш ҳамда ҳимоя учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тўплашдан иборатдир.

Сўров предмети бўлиб – сўровдан ўтказилаётган шахс томонидан маълум қилинаётган ҳимоя учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ҳисобланади. Фақат бунда ҳар қандай маълумот эмас, балки ҳимоячининг

¹³² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 87-модда. 17.09.2021 й. ўзгаришлари билан, ҚҲММБ: 03/21/716/0877-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

исбот қилиш фаолиятидаги мақсади учун талаб қилинадиган маълумотларгагина эҳтиёж сезилади.

Шу тариқа айтиш мумкинки, шахсни сўровдан ўтказиш – бу ҳимоячи томонидан амалга ошириладиган ва ҳимоя учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўплашга қаратилган процессуал ҳаракатдир.

Бироқ айтиш мумкинки, шахсларни сўровдан ўтказиш тартиби ва уни амалга ошириш механизмининг қонунчиликда белгиланмаганлиги ҳимоячининг исбот қилишни амалга ошириш фаолияти мураккабликни юзага келтиради ва бу қонунчиликдаги бўшлиқлардан бири сифатида намоён бўлади.

Олиб борган тадқиқотларимиз натижасида 70,1% адвокатлар ҳимоячи томонидан шахслар сўровдан ўтказилгандан кейин тушунтириш олиш вақтида улар ўзлари томонидан сўровдан ўтказиш вақтида берилган кўрсатмаларни тасдиқлашмаганлигини билдиришди. Ушбу ҳолат шахсларни сўровдан ўтказишни тартибга солиш зарурлигини англатади.

Дарҳақиқат, кўп ҳолларда сўроқ қилиш натижасида олинган маълумотлар бир-бирига мос келмаган, ҳолис бўлмаган ҳамда терговчи томонидан ҳимоя тарафи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар қайд этилмаган, турли сабабларга кўра терговчининг шахсий нуқтаи назарига боғлиқ ҳолда иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг ноаниқ бўлиб қолиши ҳимоячи томонидан шахсларни сўровдан ўтказиш заруриятини вужудга келтиради. Бу эса айбловни рад этиш ёки юмшатиш имконини берувчи янги далилларни олишга хизмат қилади.

Шу сабабли ҳам фикримизча, ҳимоячининг ҳар қандай шахсни, хусусан, олдин сўроқ қилинган шахсни ҳам сўровдан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ҳимоячи томонидан сўровдан ўтказилган шахсни суриштирувчи ёки терговчи сўроқ қилмоқчи бўлган ҳолларда эса суриштирувчи ёки терговчи ушбу тергов ҳаракатини ҳимоячи иштирокида амалга ошириши лозим бўлади.

Бу борада адвокатлар ўртасида олиб борилган сўров натижаларига мувофиқ, унда иштирок этган адвокатларнинг 70,1 % сўровни амалга ошириш жараёнини жиноят-процессуал қонунчиликда қонуний мустақамлаш зарурлигини таъкидлашган бўлса, 20,9 % эса сўров ўтказиш юзасидан Ягона методик тавсиянома ишлаб чиқиш зарур деган фикрни билдиришди¹³³.

Бу эса ҳимоячи томонидан шахсларни сўровдан ўтказиш тартиби қонунчиликда белгиланган бўлиши зарурлигини англатади. Шу муносабат билан **ЖПКга ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш тартибини белгиловчи қуйидаги янги 87¹- моддани киритишни таклиф этамиз:**

“87¹-модда. Ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш тартиби

Ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш – жиноят иши бўйича ҳимояни амалга оширишда аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш ва далилларни тўплашга қаратилган процессуал ҳаракат ҳисобланади.

Ҳимоячи иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар унга маълум бўлган ҳар қандай шахсни сўровдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Сўровни амалга ошириш жараёнида маълумотларни беришга мажбурлаш, ёлгон ёки куч ишлатиш ёхуд шахсга нисбатан бошқа бир ноқонуний ҳаракатни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Сўровни бошлашдан олдин ҳимоячи:

шахсдан маълумотларни беришга розилик олиш, шунингдек ушбу процессуал ҳаракатни техник воситалардан фойдаланган ҳолда қайд этиш ва қайд этилганларни сўров ўтказилаётган шахс имзоси билан тасдиқлаш;

сўров ўтказилаётган шахсга у томонидан берилаётган маълумотлар сўров баённомасига киритилиши ва иш ҳужжатларига далил сифатида қўшиб қўйилиши мумкинлиги, шу сабабли шахсни била туриб ёлгон кўрсатув

¹³³ Қаралсин: диссертациянинг 3-илоvasи. -Б.255.

берганлик учун жавобгарлик мавжудлиги билан огоҳлантириши, ушбу шахс сўроқ қилиш мақсадида кўрсатма бериш учун чақиртирилиши, бундай ҳолатда мазкур шахс масъулиятни ўз бўйнига олиши лозимлигини тушунтириши;

ҳимоячи томонидан шахсни сўровдан ўтказиш жараёнида олинган маълумотлар баённомада ёзма равишда қайд этилиши шарт.

Сўровдан ўтказилаётган шахс томонидан ашё ёки ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда ушбу ҳолат баённомада акс эттирилиши ва улар илова тарзда баённомага қўшиб қўйилиши лозим.

Баённомада келтирилган маълумотлар сўровдан ўтказилаётган шахс сўзларидан тўғри ёзиб олинганлиги қайд этилиши керак.

Сўров баённомаси ҳимоячи томонидан терговга қадар текширув органи ходими, суриштирувчи ёки терговчига иш материалларига қўшиб қўйиш учун жўнатилади.

Сўровдан ўтказилган ушбу шахсни сўроқ қилиш зарурияти пайдо бўлганда мазкур тергов ҳаракати суриштирувчи, терговчи томонидан ҳимоячи иштирокида ўтказилади”.

ЖПКга ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш тартибини белгиловчи қуйидаги янги 87²-моддани киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

“87²-модда. Ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш тартиби Ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш далилларни тўплаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатдир.

Ҳимоячи давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли ва ушбу ташкилотлар ҳимоячи сўровини олган кундан эътиборан 10 кун ичида сўралган ҳужжатларни тақдим этиши шартдир. Шунингдек, қамоққа олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда ҳимоячи томонидан сўралаётган ҳужжат 24 соат ичида унга тақдим этилиши шарт”.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида адвокатнинг ҳимояни амалга ошириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, давлат ва тижорат сирлари ҳамда бошқа сир ҳисобланган маълумотлар билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда танишиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонунда давлат сирлари билан танишиш ва улардан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилган. Бу эса қонун билан муҳофаза этиладиган маълумотлардан фақат қонун билан қатъий белгиланган тартиб асосида рухсат берилган ваколатли шахслар фойдаланиши мумкинлиги, ҳимоячи эса ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколатига эга шахслар таркибига кирмаслигини англатади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг “Банк сир тўғрисида”ги Қонунда ҳам банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, дастлабки тергов, суриштирув органлари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва судга тақдим этилиши белгиланган. Ушбу ҳолат юқорида келтириб ўтилган қонун ҳужжатлари ўртасида ўзаро номувофиқлик мавжудлигини ҳамда адвокат ҳуқуқларидан бири бўлган давлат ва тижорат сирлари ҳамда бошқа сир ҳисобланган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳимоячи учун таъминланмаётганлигини кўрсатади.

Шу ўринда айтиш жоизки, айти вақтда ҳимоячининг ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (жабрланувчи, гувоҳ ва б.қ)нинг манфаатларига таъсир этувчи қонун билан қўриқладиган маълумотларни олиш зарурияти юзага келади. Бундай маълумотлар доираси кенг ва турличадир. Иш материалларидан мисол келтирадиган бўлсак, фуқаро М.А.нинг ҳимоячиси ҳолат юзасидан жабрланувчи К.Р.нинг руҳий ҳолати бузилиш фактини исбот қилиши ёки жиноят ишини қўзғатгунга қадар наркотик моддалар сотилишини текширишда иштирок этган айблов тарафининг гувоҳи Ш.Ҳ.да гиёҳханд

касаллиги мавжудлиги ёхуд наркотик воситаларни сақлаш ва тарқатганлик учун судланиш факти мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни олиши зарур эди. Бундай маълумотлар гувоҳ С.Б.нинг ҳаракатларини ва ҳимояси остидаги шахснинг айбсизлигини исботлаш учун зарур ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳимоячининг қотилликда айбланаётган ҳимояси остидаги М.А.нинг жиноят содир этилган жойда бўлмаганлиги (алиби)ни исботлаш зарурияти ҳам юзага келади. Бундай ҳолларда шахсни ўлдириш мотивининг мавжудлигини текшириш талаб этилади (процесс иштирокчиларидан бирининг турар-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат).

Шу тариқа, ҳимоячи қонун билан кўриқланадиган маълумотлардан иборат бўлган, тергов органлари томонидан мустақил равишда ёки суд рухсати билан олиниши мумкин бўлган маълумотлар доирасига кирувчи ҳужжатларни олишга эҳтиёж сезади. Бундай вазиятда тергов органларига илтимоснома билан муурожаат этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди, негаки терговчи томонидан бундай илтимоснома қаноатлантирилмаслиги мумкин.

Шу сабабли фикримизча, бундай ҳолларда ҳимоячининг судга илтимоснома билан муурожаат этиши мақсадга мувофиқдир. Бироқ амалдаги судларда ушбу ваколатнинг мавжуд эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, юқорида таклиф этилган тергов судьясига ушбу ваколатнинг берилиши айни муддаодир. Шу тариқа тергов судьяси ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиб, ушбу ҳужжатларни тегишли органлардан сўраб олиши ва ҳимоячига ўз позициясини исбот қилишида фойдаланиши учун тақдим этиши мумкин.

Шундан келиб чиққан ҳолда биз томонимиздан таклиф этилаётган **ЖПКнинг янги таҳрирдаги 29-моддасида тергов судьясининг ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг илтимосномасига мувофиқ қонун билан муҳофаза этиладиган сирни ташкил этувчи ҳужжатларни талаб қилиб олиш ваколатини белгилаш таклиф этилади.**

Энди бевосита, ҳимоячи процессуал ҳуқуқларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилаётган иккинчи гуруҳ муаммоларини таҳлил

килиб шуни айтиш мумкинки, терговни олиб боришга масъул шахсларнинг ўзлари томонидан қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилаётганлиги бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимининг оғриқли нуқтаси ҳисобланади. Бу борада олиб борган тадқиқотларимиз натижаси тергов субъектлари томонидан йўл қўйилаётган қонунбузилишлар даражаси йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган жиноят ишларининг 38,4% да ва “рад этилган материалларда” у ёки бу қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланган. Уларнинг айримлари жиноят ишини олиб бориш жараёнини сезиларли тарзда қийинлаштирса, баъзилари эса жиноий иш юритувни самарали амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Хусусан, тергов жараёнида йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатлари қуйидагиларда намоён бўлади: ҳал қилувчи аҳамиятга эга масалалар юзасидан ва эҳтиёт чораларини қўллаш борасида асослангилмаган қарорларнинг қабул қилиниши (қонунбузилишлар сонидан келиб чиқиб 35,1%); процессуал муддатларга амал қилмаслик (53,7%); тергов ҳаракатларини амалга оширишда процессуал шаклларга амал қилмаслик (49,5 %); процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг бузилиши (61,8%). Ушбу қонунбузарлик ҳолатларининг айримлари жиноий характерга эга ҳисобланади.

Таъкидлаш ўринлики, айблов тарафи томонидан йўл қўйилаётган муаммоларнинг пайдо бўлиш сабаблари турлича бўлиб, булардан энг кенг тарқалганлари: жиноят ишини тергов қилаётган шахснинг тажрибасизлиги, қобилиятсизлиги, хизмат ваколатларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши ёки карьеризмга берилиш кабилардир. Бу борада И.С.Яртыхнинг тўғри таъкидлашича, охириги ўн йилликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг профессионалик даражаси тушиб кетганлиги, улар томонидан қонунбузилиш ва коррупцияга йўл қўйилиши ҳолатларининг ўсиши кузатилмоқда. Бу эса жиноятчиликка қарши курашнинг пасайишига, фуқаролар ҳуқуқий ҳимояси даражасининг тушиб

кетишига ва давлат институтларига бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келмоқда¹³⁴.

Мазкур ҳолатлар эса ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг далиллар базасини шакллантириш билан боғлиқ процессуал фаолиятини амалга оширишида турли қийинчиликлар мавжуд¹³⁵лигидан далолат беради.

Шу ўринда айтиш мумкинки, терговчи ишга таклиф этилган ҳимоячини кутмасдан ёки айбланувчига бошқа адвокатни таклиф этиш имкониятини бермасдан туриб, унга ёлғиз ўзи ишни ўрганиб чиқишни таклиф этишга ва ҳимоячи иштирокисиз дастлабки терговни тамомлашга ҳали эмас.

Бироқ бугунги кунда бу борада амалиётда талайгина муаммолар мавжуд. Ушбу муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан изоҳлаб адвокат Аллан Пашковский кўп ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан тайинланган ҳимоячидан воз кечишга ундаш ҳоллари, ҳимоячини танлаш бўйича мавжуд тартибга риоя қилмаслик, тергов остидаги шахсларга ноқонуний таъсир ўтказиш ва уларни шартнома асосида иш олиб бораётган адвокатдан воз кечдиришга “эришиш”, гумон қилинувчи ёки айбланувчиларни кўрқитиш, уларнинг ўзларига ва қариндошларига нисбатан таҳдидларни қўллаш, жиноий жавобгарликнинг юридик оқибатлари ҳақида ёлғон маълумот бериш, шартнома асосида иш юритаётган адвокатга тухмат қилиб (бу адвокатларнинг ўзига анча кеч маълум бўлади), у ҳимояга киришганида гумон қилинувчи ёки айбланувчининг махсус “инструктаж” қилиниши (яъни адвокат билан унинг ўзи йўқлигида “таништириш”, гумон қилинувчи (айбланувчи) уни ҳали кўрмаган бўлади ва одатда, кўп ҳолларда бундан кейин гумон қилинувчи (айбланувчи) унинг юридик ёрдамидан воз кечади), гумон қилинувчи ёки айбланувчини чалғитиш ва очикчасига алдаш каби

¹³⁴ *Яртых И.С.* Адвокатура и власть. – М.: Издательство «Юрлитинформ», 2003. – С. 49.

¹³⁵ *Тишутина И.В.* Защитник в уголовном процессе//научн. статья. <https://cyberleninka.ru/article/n/zaschitnik-v-ugolovnom-protseste/viewer>

ҳолатлар жуда кўп ва ҳар қадамда кузатилаётганини алоҳида қайд этиб ўтади¹³⁶.

Шу тариқа айтиш мумкинки, бугунги кунда гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мансабдор шахсларининг бу борадаги ўз мажбуриятларини тўғри бажаришларига бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро, Г.З.Тулаганова таъкидлаганидек: “ишни судга қадар юритишда икки ажралмас вазифа ҳал этилиши лозим, бир томондан жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва фош этишнинг юқори самарадорлиги таъминланиши, иккинчи томондан эса терговчининг фаолият доирасига жалб этилган, шунингдек, жиноий жавобгарликка тортилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатланиши даркор”¹³⁷.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддаси 3-қисмида ҳимоячи иштирокини таъминлашнинг аниқ механизми назарда тутилмаганлиги сабабли, амалиётда Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга навбатчилик жадвали юборилмоқда. Лекин, ушбу навбатчилик жадвалига риоя этилмаганлик учун қонунчиликда бирор-бир ҳуқуқий оқибат белгиланмаганлиги туфайли мазкур масала барча тарафлар учун тўла-тўқис ҳал қилинаётгани йўқ. Яъни *бир тарафдан*, ушбу жадвал асосида ҳимоячи билан таъминламаганлик учун адвокатлик тузилмаси раҳбарига нисбатан ҳеч бир чора кўрилмаётган бўлса, *иккинчи тарафдан*, суриштирувчи ёки терговчи томонидан “чўнтак” адвокатни ишга таклиф этиш ҳолатлари давом этмоқда. Бунда мазкур адвокат гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига мувофиқ равишда эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими манфаатларига мос равишда ўз фаолиятини амалга ошириши ҳеч кимга сир эмас. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида:

¹³⁶ Пашковский А. Ҳуқуқ органларидаги ислохотлар шунчаки расмиятчилик. Адвокат. - Т. 2019. –Б.45.

¹³⁷ Пулатов Ю.С., Тулаганова Г.З. Тергов ҳаракатларида ҳимоячи иштирокининг ҳуқуқий ва ташкилий тактик муаммолари. Ўқув қўлланма. –Т.2018. – Б.3.

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари томонидан белгиланадиган навбатчилик жадвалига риоя этилмаганлик, яъни ҳимоячи билан таъминламаганлик учун адвокатлик тузилмаси раҳбарининг жавобгарлигини кучайтириш;

иккинчидан, навбатчи адвокатлик тузилмалари тўғрисидаги ёки навбатчи адвокат йўқлигида уни ўрнига алмашадиган адвокат тузилмалари тўғрисидаги батафсил маълумот Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг расмий сайтига доимий жойлаштирилиши ҳамда реал вақт режимида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб борилиши;

учинчидан, адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвалига амал қилмаган терговга қадар текширув органлари ҳамда суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланиши керак.

Амалиётдаги мазкур муаммоли ҳолатни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг 50-моддаси учинчи қисмига ўзгартиш киритган ҳолда ҳимоячини ишга таклиф этишнинг янгича тартибини қуйидагича акс эттириш ва моддани янги тўртинчи қисм билан тўлдириб, ушбу тартибга риоя этилмаганлик учун ҳуқуқий оқибатни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

50-модда. Ҳимоячини таклиф этиш

(учинчи қисми)

Танланган ҳимоячининг тўрт соат ичида ишда иштирок этишига киришишига имконияти бўлмаган ҳолларда, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг расмий сайтига доимий равишда жойлаштириб бориладиган адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвали тўғрисидаги батафсил маълумотдан фойдаланган ҳолда навбатчи адвокатнинг ишда иштирок этишини таъминлашга ҳақлидир.

(тўртинчи қисми)

Терговга қадар текиширувни олиб бораётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвалига амал қилмаслиги уларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига олиб келади.

ХУЛОСА

Жиноят процессида ҳимоя институтини такомиллаштириш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар ишлаб чиқилди:

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясини ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар:

1. Жиноят процесси босқичларида ҳимоя функциясининг амал қилишини қуйидаги босқичларга бўлиб таснифлаш таклиф этилди:

- 1) Терговга қадар текширувда ҳимоя функцияси;
- 2) Гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалашда ҳимоя функцияси;
- 3) Ишни судга қадар юритиш босқичларида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузишда, амнистия актини қўллашда, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда ҳимоя функцияси;
- 4) Дастанга эшитишда ҳимоя функцияси;
- 5) Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда ҳимоя функцияси.

2. Ҳимоя тушунчасига қуйидагича **муаллифлик таърифи** ишлаб чиқилди:

Ҳимоя – юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътиборни қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотлар, жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар асослилигини текшириш, далиллар тўплаш ва тақдим этиш асосида исбот қилишни амалга ошириш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан иборат бўлган, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини ифодалаш ҳамда уларнинг ноқонуний равишда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

3. Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқлари амалга ошишига шароит яратиб берувчи институт сифатида таклиф этилган “Тергов судьяси”га қуйидагича таъриф ишлаб чиқилган:

Тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи мансабдор шахс ҳисобланади.

4. Далилларни тақдим этиш тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи шакллантирилган:

Далилларни тақдим этиш – жиноят-процессуал қарор қабул қилишга эришиш мақсадида исбот қилиш иштирокчилари томонидан жиноят-процессуал қонун ва қоидаларга мувофиқ равишда жиноят изларида мужассам бўлган маълумотларни қидириб топиш ва тақдим этишга қаратилган процессуал фаолиятдир. Далилларни тақдим этиш электрон тарзда ҳам амалга оширилади ва ҳимоячи далилларни тақдим этиш субъектларидан бири ҳисобланади.

II. Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш юзасидан таклифлар:

Тадқиқот натижалари асосида “Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. (Лойиҳа диссертациянинг 1-иловасида берилган).

1. Ҳимоя тушунчасига ишлаб чиқилган таърифни ЖПКнинг 24-моддасига киритган ҳолда уни янги таҳрирда баён этиш таклиф этилди.

2. Ишни судга қадар юритишда тарафлар тенг ҳуқуқлилиги ва тортишув шароитини вужудга келтириш, ҳимоячи фаолиятидаги тўсиқларни бартараф этиш, унинг процессуал ҳуқуқларини кенгайтиришга эришиш

мақсадида ЖПК 25-моддасининг номланиши ва биринчи қисмини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилди:

3. Ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципининг таъминланишига, ҳимоячи ҳуқуқларининг кенгайишига ҳамда айблов ва ҳимоя тарафи фаолияти устидан холис суд назоратининг муваффақиятли амалга оширилишига эришиш мақсадида тергов судьяси институтини қонунчиликка жорий этган ҳолда ЖПКнинг “Суд” деб номланувчи 28-моддасини янги биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар билан ҳамда суднинг ваколатларини назарда тутувчи 29-моддасини биринчи қисм билан тўлдириш ва мазкур модданинг тегишинча иккинчи қисмини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилди.

4. ЖПКнинг “Ҳимоячи” деб номланган 49-моддаси биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмлари мазмунига ўзгартиш киритиб, модданинг биринчи қисмида ҳимоячининг “ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс”нинг ҳам ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишини, модданинг иккинчи қисмида “адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ёки мансабдор шахсига, суриштирувчи ёки суриштирув бўлинмаси бошлиғи, унинг ўринбосарига, терговчи ёки тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарига ёхуд ишни олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган девонхонасига тақдим этганидан кейин йўл қўйилиши”ни ҳамда модданинг тўртинчи қисмида “ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, хусусан, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахснинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилиши”ни белгилаш таклифи асослантилди.

5. ЖПКнинг “Ҳимоячини таклиф этиш” деб номланган 50-моддаси 3-қисмига ўзгартиш киритган ҳолда ҳимоячини ишга таклиф этишнинг

янгича тартибини акс эттириш ва моддани янги тўртинчи қисм билан тўлдириб, ушбу тартибга риоя этмаганлик учун ҳуқуқий оқибатни белгилаш таклифи илгари сурилди.

6. ЖПКнинг 53-моддаси биринчи қисмига ўзгартишлар киритиш ҳамда янги иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилди.

7. Жиноят кодексининг “Ёлғон гувоҳлик бериш” учун жазо муқаррарлигини назарда тутувчи 238-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ва суд билан бир қаторда адвокат сўрови вақтида ҳам ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликни белгилаш таклифи илгари сурилган.

8. ЖПКга ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш ва ҳужжатларни сўраб олиш тартибини белгиловчи янги 87¹ ва 87²-моддаларни киритиш таклифи ишлаб чиқилди.

9. Далилларни тақдим этишни исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида ЖПКнинг “Исбот қилиш” деб номланган 85-моддасида белгилаш таклифи ишлаб чиқилди.

10. ЖПКга далилларни тақдим этиш тушунчасини ўзида акс эттирувчи янги 94¹-моддани киритиш таклифи илгари сурилди.

11. Ҳимоячини исбот қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга шахс сифатида ЖПКнинг 86-моддаси 1-қисмида акс эттириш ва модданинг иккинчи қисмидан ҳимоячи сўзини чиқариб ташлаш таклиф этилди.

III. Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқлари ва процессуал имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий тавсиялар:

1. Ишни судга қадар юритишда тарафлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўлақонли фойдаланишлари ҳамда ўз процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда холислик ҳамда беғаразликни таъминловчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш таклифи ишлаб чиқилди.

2. Терговга қадар текширувда Миранда қоидаси талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида амалиётда ЖПКнинг жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушлаб туриш тартибини белгиловчи 224-моддасига риоя этилишини назорат остига олиш зарурлиги асослантирилди.

3. Ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг ишдаги иштирокини таъминлашнинг аниқ механизмини йўлга қўйиш мақсадида:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланадиган навбатчилик жадвалига риоя этилмаганлик, яъни ҳимоячи билан таъминламаганлик учун адвокатлик тузилмаси раҳбарининг жавобгарлигини кучайтириш;

иккинчидан, навбатчи адвокатлик тузилмалари тўғрисидаги ёки навбатчи адвокат йўқлигида уни ўрнига алмашадиган адвокат тузилмалари тўғрисидаги батафсил маълумот Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг расмий сайтыга доимий жойлаштирилиши ҳамда реал вақт режимида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб борилиши;

учинчидан, адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвалига амал қилмаган терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш бўйича чоратадбирлар белгиланиши кераклиги асослантирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 25, 29, 49, 66¹, 81, 87, 220, 226, 329-модда. 17.09.2021 й. ўзгаришлари билан, ҚХММБ: 03/21/716/0877-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 286-м., 13.02.2021 й. ўзгаришлари билан, ҚХММБ: 03/21/673/0112-сон. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ-4947-сонли Фармони// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., - №6., 70-м.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ–4551-сон қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 07/19/4551/4162-сон

1.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарори//<https://lex.uz/docs/1453755>

1.6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 3-банди/24-сон 24.08.2018. Lex.uz миллий қонунчилик базаси

1.7. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (по сост. на 04.06.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>

- 1.8. Уголовно-процессуальный кодекс Республика Армения от 1 сентября 1998 года (по сост. на 10.10.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.9. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года (по сост. на 25.06.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (по сост. на 09.01.2019). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.11. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (по сост. на 16.11.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.12. Уголовно-процессуальный кодекс Республика Молдова от 14 марта 2003 года (по сост. на 11.09.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.13. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года (по состоянию на 27.10.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.14. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://wipo.lex.wipo.int/ru/legislation>
- 1.15. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (по сост. на 04.07.2020). (Электр. ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.16. Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года (по состоянию на 22.08.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>
- 1.17. Уголовно-процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (по состоянию на 21.07.2020). (Электронный ресурс). Режим доступа: <http://base.spininform.ru>

1.18. Уголовно-процессуальный кодекс Китайской Народной Республики (с изменениями, внесенными Решением Постоянного Комитета Всекитайского собрания народных представителей от 14.03.2012 г. “О внесении изменений в Уголовно-процессуальный Кодекс Китайской Народной Республики”) (Электронный ресурс). Режим доступа: <http:wipolex.wipo.int/ru/text/337074>

1.19. Уголовно-процессуальный закон Японии (10.07.1972 г. Закон №131. Окончательная поправка от 27 апреля 2010 г., Закон №26).<http:wipolex.wipo.int/ru/text/187786>.

1.20. Юристлар ролининг асосий тамойиллари. 1990 йил 27 август – 7 сентябрь кунлари Гавана (Куба)да бўлиб ўтган Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича БМТнинг Саккизинчи конгресси томонидан қабул қилинган декларация. Манба ОСПС “Законодательство России” ЭЛКС нашриёти, №4 (20) апрель 1990.

1.21. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган//https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

II. Монография, илмий мақолалар, патент, илмий тўпламлар

2.1. Пикалов И.А. Уголовный процесс Российской Федерации (краткий курс): Учебное пособие, 2005. Allpravo.Ru - 2005

2.2. Дмитриева Н.А. Функция защиты в российском уголовном процессе и роль в ней института адвокатуры. Автореф.диссер. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2006. – С.14-15.

2.3. Thaman, S.C. (2015) Criminal Procedure: Adversarial and Inquisitorial Legal Systems. International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences, 227–231. doi:10.1016/b978-0-08-097086-8.86152-8.

2.4. Ишниязов К. Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия. Дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2006. -С.20, 37, 59, 72, 78.

- 2.5. Wille, Tobias Michael (2012): Recht auf wirksame Verteidigung. In: Andreas Kley und Klaus A. Vallender (Hg.): Grundrechtspraxis in Liechtenstein. Schaan: Verlag der Liechtensteinischen Akademischen Gesellschaft (Liechtenstein Politische Schriften, Bd. 52), P. 435-484.
- 2.6. Вайпан В.А., Колоколов Н.А. и др. Адвокатура в России: Учебник//под ред. Демидовой Л.А.-2-изд. – М.: Юстицинформ. 2005. - С.8.
- 2.7. Участие адвоката по уголовным делам: Учебное пособие/Под общ. ред. к.ю.н. У.А.Тухташевой – Т.: Издательство ТГЮИ, 2009. – С. 33.
- 2.8. Калиновский К.Б. Уголовный процесс современных зарубежных государств. Учебное пособие. –Петрозаводск. Издательство Петрозаводского государственного университета, 2000. –С.10-16, 24.
- 2.9. Трефилов А.А. Уголовный процесс зарубежных стран. Монография. Том 3. - М.: Восход-А, 2020. –С.183.
- 2.10. Абдумажидов Г. “Адолат даргохида” – Т.,2008. –Б. 14.
- 2.11. Герасимова Т.Ю. Проблемы реализации принципа состязательности на досудебных стадиях уголовного процесса. Дисс.... канд. юрид. наук. – Краснодар, 2017. –С.54.
- 2.12. Жамборов М.С. Конституционный принцип состязательности как способ аргументированного обоснования правовой позиции сторон в Российском судопроизводстве // научн.статья // Актуальные проблемы российского права. 2013. № 4. -С. 424.
- 2.13. Ефимичев С.П., Ефимичев П.С. УПК Российской Федерации нуждается в уточнении // Уголовное право. 2003. № 1. -С. 67;
- 2.14. Галоганов Е.А. Проблемы реализации принципа состязательности в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –М., 2008. -С. 8.
- 2.15. Грешнова Н.А. Проблема реализации принципа состязательности в рамках установления истины в уголовном судопроизводстве // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2016. № 3 (37). -С. 122.

- 2.16. Тўлаганова Г.З. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва тортишув принципи. Ўқув қўлланма. – Т. ТДЮИ, 2009., -Б. 6-7, 60, 78.
- 2.17. Базарова Д. Адвокат как участник в досудебных стадиях уголовного процесса. Дисс. ... канд. юрид. наук. – Т., ТГЮИ, 2011. – С.20.
- 2.18. Тухташева У.А. Принцип состязательности как основной принцип уголовного судопроизводства//состязательность производства в суде – важнейший принцип уголовного процесса. 14 декабря 2004 г. Судебный контроль за процессами предварительного следствия и досудебного производства. 22 февраля 2005 г. Сборник материалов круглых столов. – Т.ТГЮИ, 2005. – С.6-8.
- 2.19. Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича махсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жихатлари. Юр.ф. док. (DSc) дисс. – Т. 2020. –Б. 122, 124, 125.
- 2.20. Дюрагин Н. Дискуссионные вопросы реформы уголовного судопроизводства//Юстиция –1989. №7. -С.9.
- 2.21. Божьев В.П. Состязательность на предварительном следствии//Законность. 2004. № 1. -С. 3.
- 2.22. Деришев Ю.В. Концепция уголовного досудебного производства в правовой доктрине современной России. –Омск, 2004. -С. 360.
- 2.23. Лукашевич В.З., Чичканов А.Б. Принцип состязательности и равноправия сторон в новом УПК РФ // Правоведение, 2002. № 5. – С.106.
- 2.24. Лукичев Н.А. Состязательность и равноправие сторон в уголовном судопроизводстве. Дис.канд. юрид. наук. – Саратов, 2003. -С. 80.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнь кундаги одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан <https://president.uz/uz/lists/view/3684>.

- 3.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 январь куни бўлиб ўтган пойтахт туманлари ҳокимлари, Юнусобод туманидаги маҳаллалар раислари ва ёшлар билан учрашувидаги маърузасидан//<https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/26/exam-for-lawyers/>
- 3.3. International Bar Association//The global voice of the legal profession http://www.mcca.su/partnership/international_bar_association/
- 3.4. Ўзб.Рес.Бош прокуратурасининг тергов фаолияти бўйича 2021 йил учун “1-Я” ҳисоботи
- 3.5. Маъмирова М. Ўзбекистонда айбсизлик презумпцияси: амалда ундан тўғри фойдаланиляптими? 24.12.2018. <https://kun.uz/60121942>
- 3.6. Карапетян С.Э. Понятие презумпции невиновности <http://www.smolprok.ru/>
- 3.7. Тухташева У.А. Принцип состязательности как основной принцип уголовного судопроизводства. Состязательность производства в суде – важнейший принцип уголовного процесса. 14 декабря 2004 г. Судебный контроль за процессами предварительного следствия и досудебного производства. 22 февраля 2005 г. Сборник материалов круглых столов. – Т.ТГЮИ, 2005. – С.6-8.
- 3.8. <http://www.legislationline.org>. – Р. 37.
- 3.9. Иргашев С.В. Повышение процессуального статуса защитника: проблемы и пути решения. Из материалов сборника тезисов по итогам международной научно-практической онлайн-конференции. – Т. 2020. С.14-16.
- 3.10. Хоррер В. Независимая адвокатура и судебная власть, как краеугольный камень верховенства права. Выступление в Ташкентской международной конференции адвокатов. –Т., 2019.
- 3.11. Ўзбекистонда адвокатура: ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. ЎзР Адвокатлар Палатасининг маъруза матни тарқатма материалларидан -Тошкент, 2019.

3.18. Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2021 йил давомидаги фаолияти юзасидан ахборотидан //http://advokatnews.uz/xabar/1889.html

3.19. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2022 йил 1 январь ҳолатига нисбатан иш фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотлар (йиллик)

3.20. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2019 йилдан 2022 йил 1 январь ҳолатига нисбатан адвокатларнинг жиноят ишларидаги иштироки тўғрисидаги статистик маълумотлари

3.21. <https://stat.sud.uz/file/2021/4-27/>

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Ишни судга қадар юритишда химоячи ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-

модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон, 01.12.2020 й., 03/20/651/1577-сон; 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон; 13.01.2021 й., 03/21/664/0014-сон; 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон; 15.01.2021 й., 03/21/667/0035-сон; 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон; 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон; 21.04.2021 й., 03/21/683/0375; 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон; 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 24-модда қуйидагича янги тахрирда баён этилсин:

“24-модда. Ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши

Ҳимоя – юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътиборни қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотлар, жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар асослилигини текшириш, далиллар тўплаш ва тақдим этиш асосида исбот қилишни амалга ошириш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари

(ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан иборат бўлган, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда уларнинг ноқонуний равишда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.

Ҳимоя ихтиёрий ва зарурий равишда амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳимоя ҳуқуқи субъектлари ҳисобланади.

Ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкум ҳимоя ҳуқуқига эга.

Ҳимоя ҳуқуқи терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахсга, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ва маҳкумга унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш назарда тутилган барча усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

2) 25-модданинг номи ва биринчи қисми қуйидагича янги таҳрирда баён этилсин:

“25-модда. Жиноят процессида ишларни юритишда тарафлар тортишуви

Жиноят процессининг барча босқичларида, хусусан, ишни судга қадар юритишда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади”.

3) 28-модда қуйидагича янги биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

“28-модда. Суд

Ўзбекистон Республикасида суд фаолияти ишни судга қадар юритишда суд назорати ҳамда биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияларида одил судловни амалга ошириш фаолиятидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича ишни судга қадар юритишда суд назоратини тергов судьяси амалга оширади.

Тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб боровчи, айблов ва химоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида фаолият юритувчи мансабдор шахсдир”.

4) 29-модда қуйидагича янги биринчи қисм билан тўлдирилсин ва тегишинча иккинчи қисми янги тахрирда баён этилсин:

“29-модда. Суднинг ваколатлари

Тергов судьяси ваколатларига:

қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамокда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш ёки ўзгартириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни кўриб чиқиш;

паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш;

айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, мол-мулкни хатлаш ва уни таъқиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги, мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш;

прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш;

камоққа олиш (ёки уй қамоғи) эҳтиёт чорасини ўзгартириш, мол-мулкни хатлаш ва уни таъқиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш;

адвокат сўрови юзасидан мансабдор шахс томонидан рад жавоби берилган тақдирда, тегишли юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки нарсаларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш;

ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг илтимосномасига мувофиқ, қонун билан муҳофаза этиладиган сирни ташкил этувчи ҳужжатларни сўраб олиш ва ҳимоячига тақдим этиш.

Ишни мазмунан кўриб чиқиб, ҳал қилувчи суднинг ваколатларига: жинойт ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; дастлабки эшитув ўтказиш, ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради”.

5) 49-модданинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларини қуйидагича янги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин:

Ҳимоячи – терговга қадар текширув ҳаракатлари ўзига нисбатан олиб борилаётган шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячи сифатида адвокат иштирок этади. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордери терговга қадар текширув органи бошлиғи ёки мансабдор шахсига, суриштирувчи ёки суриштирув бўлинмаси бошлиғи, унинг ўринбосарига, терговчи ёки тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарига ёхуд ишни олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган девонхонасига тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, хусусан, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахснинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

б) 50-моддага ўзгартиш киритилиб, янги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан қуйидагича тўлдирилмоқда:

Танланган ҳимоячининг тўрт соат ичида ишда иштирок этиш учун киришишга имкони бўлмаган ҳолларда, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг расмий сайтига доимий равишда жойлаштириб бориладиган адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвали тўғрисидаги батафсил маълумотдан фойдаланган ҳолда навбатчи адвокатнинг ишда иштирок этишини таъминлашга ҳақлидир.

Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвалига амал қилмаслиги уларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига олиб келади.

7) 53-моддаси биринчи қисми қуйидагича янги тахрирда баён этилсин ҳамда ушбу моддани янги иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдириш таклиф этилсин:

53-модда. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

(биринчи қисм)

Ҳимоячи:

- адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва иш юритишга ваколати мавжуд эканлигини тасдиқловчи муайян ордери терговга қадар текширув органи бошлиғи ёки мансабдор шахсига, суриштирувчи ёки суриштирув бўлинмаси бошлиғи, унинг ўринбосарига, терговчи ёки тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарига ёхуд ишни олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган девонхонасига тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш;

- барча тергов ҳаракатларида, хусусан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида ҳам иштирок этиш ва гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, эксперт ва мутахассисларга саволлар бериш;

- ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш;

- жинойт иши ва терговга қадар текширув материаллари билан жинойт процессининг ҳар қандай босқичида терговга қадар текширувни ўтказишга, жинойт ишини қўзғатишга ёки қўзғатишни рад этишга асос бўлган материаллар, барча тергов ҳаракатлари баённомалари, қарорлар, гумон ёки айбловга асос бўлган далиллар, ҳимоя остидаги шахсга тақдим этилган ёхуд тақдим этилиши лозим бўлган бошқа материаллар билан, шу жумладан электрон маълумот ташиш воситаларидаги материаллар билан танишиш ва улардан техник воситалар ёрдамида нусха олиш;

- ўз ташаббуси билан шартнома асосида экспертиза ва аудиторлик текширувини ўтказиш, мутахассислар жалб этиш ва уларнинг ёзма хулосаларини олиш;

- ишни судга қадар юритишдаги фаолияти натижалари ва иш юзасидан хулосаларидан иборат бўлган “ҳимоя хулосаси”ни судга тақдим этиш;

- терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш;

Ҳимоячи томонидан судга тақдим этилган “ҳимоя хулосаси”да келтирилган ҳолатлар юзасидан иш суд муҳокамасига чиқарилмасдан, балки терговга қайтарилишига йўл қўйилмайди.

Ҳимоячининг илтимоснома ёки бошқа муурожаатини процессуал тартибда рад этишга терговга қадар текширувни олиб бораётган мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг асосланган қарори асосидагина йўл қўйилади.

Ҳимоячи томонидан жиноят ишини юритишнинг барча босқичларида ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши, қийноқ ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлиги тўғрисида келтирилган важлар суд томонидан кечиктирмасдан ва устуворлик тартибида текширилиши шартдир.

10) 81-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига қуйидагича ўзгартиш киритилсин:

Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни терговга қадар текширув органи ходимининг, суриштирувчининг, терговчининг, суднинг ва ҳимоячининг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, ҳимоячи томонидан шахсларни сўровдан ўтказиш баённомалари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан

иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

11) 85-модда қуйидагича янги таҳрирда баён этилсин:

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш, тақдим этиш ва баҳолашдан иборатдир.

12) 86-модданинг биринчи қисми қуйидагича янги таҳрирда баён этилсин ва иккинчи қисмидан ҳимоячи сўзи чиқариб ташлансин:

Исбот қилиш – исбот қилиш мажбуриятига эга бўлган шахслар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан ҳамда исбот қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳимоячи томонидан амалга оширилади.

Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

13) 87-модданинг иккинчи қисмига қуйидагича ўзгартиш киритилсин:

Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; шахсларни сўровдан ўтказиш баённомаларини юритиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин.

14) Ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш тартибини белгиловчи қуйидаги янги 87¹-модда билан тўлдирилсин:

“87¹-модда. Ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш тартиби

Ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш – жиноят иши бўйича ҳимояни амалга оширишда аҳамиятга эга

бўлган маълумотларни олиш ва далилларни тўплашга қаратилган процессуал ҳаракат ҳисобланади.

Ҳимоячи иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар унга маълум бўлган ҳар қандай шахсни сўровдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Сўровни амалга ошириш жараёнида маълумотларни беришга мажбурлаш, ёлғон ёки куч ишлатиш ёхуд шахсга нисбатан бошқа бир ноқонуний ҳаракатни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Сўровни бошлашдан олдин ҳимоячи:

шахсдан маълумотларни беришга розилик олиш, шунингдек ушбу процессуал ҳаракатни техник воситалардан фойдаланган ҳолда қайд этиш ва қайд этилганларни сўров ўтказилаётган шахс имзоси билан тасдиқлаш;

сўров ўтказилаётган шахсга у томонидан берилаётган маълумотлар сўров баённомасига киритилиши ва иш ҳужжатларига далил сифатида қўшиб қўйилиши мумкинлиги, шу сабабли шахсни била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик мавжудлиги билан огоҳлантириши, ушбу шахс сўроқ қилиш мақсадида кўрсатма бериш учун чақиртирилиши, бундай ҳолатда мазкур шахс масъулиятни ўз бўйнига олиши лозимлигини тушунтириш;

ҳимоячи томонидан шахсни сўровдан ўтказиш жараёнида олинган маълумотлар баённомада ёзма равишда қайд этилиши шарт.

Сўровдан ўтказилаётган шахс томонидан ашё ёки ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда ушбу ҳолат баённомада акс эттирилиши ва улар илова тарзда баённомага қўшиб қўйилиши лозим.

Баённомада келтирилган маълумотлар сўровдан ўтказилаётган шахс сўзларидан тўғри ёзиб олинганлиги қайд этилиши керак.

Сўров баённомаси ҳимоячи томонидан терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчига иш материалларига қўшиб қўйиш учун жўнатилади.

Сўровдан ўтказилган ушбу шахсни сўроқ қилиш зарурияти пайдо бўлганда мазкур тергов ҳаракати терговга қадар текширув органи мансабдор

шаҳси, суриштирувчи, терговчи томонидан ҳимоячи иштирокида ўтказилади”.

15) Ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш тартибини белгиловчи қуйидаги янги 87²-модда билан тўлдирилсин:

“87²-модда. Ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш тартиби

Ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш далилларни тўплаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатдир.

Ҳимоячи давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли ва ушбу ташкилотлар ҳимоячи сўровини олган кундан эътиборан 10 кун ичида сўралган ҳужжатларни тақдим этиши шартдир. Шунингдек, қамоққа олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиганда ҳимоячи томонидан сўралаётган ҳужжат 24 соат ичида унга тақдим этилиши шарт”.

16) Далилларни тақдим этишни исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида ЖПКнинг 85-моддасида қуйидагича белгилаш таклифи ишлаб чиқилди:

85-модда. Исбот қилиш

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, уларни тақдим этиш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 193-модда, 12-сон, 269-модда; 1996 й., 5-6-сон, 69-модда, 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 4-5-сон, 126-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда, 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165, 182-моддалар; 2002 й., 1-сон, 20-модда, 9-сон, 165-

модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 5-сон, 67-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 37-сон, 408-модда, 51-сон, 514-модда; 2005 й., 37-38-сон, 280-модда, 51-сон, 374-модда, 52-сон, 384, 385-моддалар; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда, 39-сон, 385-модда, 41-сон, 405-модда, 51-52-сон, 498, 501-моддалар; 2007 й., 14-сон, 134, 134-моддалар, 15-сон, 154-модда, 17-18-сон, 170-модда, 37-38-сон, 377-модда, 39-сон, 400-модда, 50-51-сон, 504, 512-моддалар, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 88-модда, 16-сон, 117-модда, 17-сон, 129-модда, 37-38-сон, 367-модда, 39-сон, 391-модда, 52-сон, 513, 514-моддалар; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 38-сон, 414, 415-моддалар, 39-сон, 423-модда, 41-сон, 439-модда, 50-51-сон, 529-модда, 52-сон, 551, 553, 555, 557-моддалар; 2010 й., 20-сон, 146-модда, 21-сон, 161-модда, 22-сон, 174-модда, 37-сон, 313, 317-моддалар, 38-сон, 329-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 479, 484, 485-моддалар; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 16-сон, 162-модда, 17-сон, 168-модда, 36-сон, 365-модда, 40-сон, 410-модда, 52-сон, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 166-модда, 37-сон, 423-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда, 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 49-сон, 579-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда, 32-сон, 425-модда, 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 3(I)-сон, 32-модда, 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда, 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 16-сон, 265-модда, 24-сон, 487-модда, 37-сон, 978-модда, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 10.01.2018 й., 03/18/459/0536-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 25.07.2018 й., 03/18/487/1569-сон, 10.2018 й., 03/18/495/2029-сон, 12.10.2018 й., 03/18/497/2044-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 09.01.2019 й., 03/19/512/2435-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда; Қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 21.03.2019 й., 03/19/531/2799-сон, 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 11.05.2019 й., 03/19/536/3114-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 29.05.2019 й., 03/19/543/3201-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 31.08.2019 й., 03/19/560/3677-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон; 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон, 01.11.2019 й., 03/19/577/3975-сон, 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон, 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон, 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон; 18.03.2020 й., 03/20/612/0326-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон, 22.07.2020 й., 03/20/629/1087-сон, 28.09.2020 й., 03/20/638/1333-сон, 30.09.2020 й., 03/20/639/1342-сон; 05.10.2020 й., 03/20/640/1348-сон, 27.10.2020 й., 03/20/643/1410-сон, 06.11.2020 й., 03/20/645/1469-сон; 04.12.2020 й., 03/20/653/1592-сон, 26.12.2020 й., 03/20/658/1670-сон; 31.12.2020 й., 03/20/660/1682-сон; 13.01.2021 й., 03/21/665/0015-сон, 15.01.2021 й., 03/21/666/0032-сон, 15.01.2021 й., 03/21/667/0035-сон, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон, 30.03.2021 й., 03/21/679/0256-сон, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 27.04.2021 й., 03/21/685/0373-сон; 29.04.2021 й., 03/21/688/0394-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон; 24.08.2021 й., 03/21/710/0815-сон; 26.08.2021 й., 03/21/711/0825-сон; 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 286-модданинг учинчи қисмидан “адвокат” сўзи чиқариб ташлансин ва қуйидаги янги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

Шахс амалда ушланганда у билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга оид ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Адвокатлар Палатаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз нормативҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

“Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасига ҚИЁСИЙ ЖАДВАЛ

№	Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асослантириш
I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ			
1.	<p>24-модда. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш</p> <p>Модда номи янги таҳрирда берилмоқда ҳамда биринчи, иккинчи, учинчи қисмлар билан тўлдирилмоқда</p>	<p>24-модда. Ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши</p> <p>Ҳимоя – юзага келган гумон, эълон қилинган айбловни рад этиш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида ҳимоя тарафи томонидан гумонни юзага келтирувчи ҳолатларга эътиборни қаратиш, жиноят содир этилганлигига оид маълумотлар, жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлган ҳолатлар асослилигини текшириш, далиллар тўплаш ва тақдим этиш асосида исбот қилишни амалга ошириш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан шикоят беришдан иборат бўлган, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки маҳкумнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда уларнинг ноқонуний равишда бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган процессуал фаолиятдир.</p>	<p>Амалдаги ЖПКда ҳимоя тушунчасига таъриф бериб ўтилмаган. Ҳимоя тушунчасига хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигида, хусусан, Қирғизистон (ЖПК 5-м.), Арманистон (ЖПК 6-м.), Озарбайжон (ЖПК 7-м.), Беларусь (ЖПК 6-м.), Қозоғистон (ЖПК 7-м.), Молдова (ЖПК 6-м.) давлатлари қонунчилигида муайян таъриф келтириб ўтилган. Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳимоячи ҳимояни амалга ошириш давомида ҳимоянинг мақсади бўлган – айбловни рад этиш, бунинг учун эса айбловни рад этувчи далилларни йиғиш ва тақдим этиш фаолиятини амалга оширади. Умумҳуқуқий норма ҳисобланган айбсизлик презумпциясига кўра, айбдорнинг жинояти қонуний тартибда исбот қилинмагунча, у айбсиз ҳисобланади ва айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги мустаҳкамланган. Бу нимани аңглатади? Бу дегани на гумон қилинувчи ва на айбланувчи (ёки судланувчи) ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмас. Айбланувчи ўз айбсизлигини исботлаши мумкин (масалан, ўз алибиси орқали, яъни жиноят содир этилган вақтда бошқа жойда бўлганлигини билдириш орқали). Бироқ бу – унинг ҳуқуқи, мажбурияти эмас. Исбот қилиш мажбурияти дастлабки терговда терговчининг, судда эса – давлат айбловчисининг мажбурияти ҳисобланади. Айнан ҳимоя тушунчасига бизнинг жиноят-процессуал</p>

<p>Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.</p>	<p>қонунчилигимизда таъриф бериб ўтилмаганлиги сабабли ҳам ушбу 23-модда мазмунини англашда ва ҳимоячининг фаолияти мақсадини таҳлил этишда тушунмовчиликлар юзага келади.</p> <p>Шу ўринда жиноят-процессуал қонунчиликни таҳлил этишимиз натижасида ҳимояни ўзини ҳам ихтиёрий ва зарурий ҳимояга ажратишимиз мумкин бўлади. Ихтиёрий ҳимоя тушунчаси ўзида шахсларнинг ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш эркинлигини акс эттирса, мажбурий ҳимоя эса, ўз-ўзини ҳимоя қилишга жисмоний, ақлий ёки молиявий жиҳатдан имконияти чекланган шахслар ҳимоя ҳуқуқининг мажбурий равишда таъминланишини англатади. Ихтиёрий ҳимояга мувофиқ, гумон қилинувчи ёки айбланувчи ихтиёрий равишда ва танлов асосида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланса, мажбурий ҳимоя эса давлат томонидан ҳимоячига ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Таъкидлаш керакки, ҳимоячига эга бўлиш ва умуман ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш бу аслида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқи, мажбурияти эмас. Шу сабабли айрим давлатлар қонунчилиги (Англия) ихтиёрий ҳимоядан ташқари бошқа ҳимояни тан олмайди. Аммо бошқа бир давлатлар қонунчилиги (Германия, Франция) ихтиёрий ҳимоядан ташқари мажбурий ҳимояни ҳам зарур деб ҳисоблайди. Ихтиёрий ҳимояда ҳимоячи гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан таклиф этилади ёки унинг илтимоси бўйича тайинланади. Мажбурий ҳимояда эса ҳимоячи гумон қилинувчи ёки айбланувчи илтимоси ёки хоҳишидан қатъий назар қонун талаби асосида тайинланади.</p>
---	--

2.	<p>25-модда. Судда ишларни юритишда тортишув</p> <p>Модда номи ва модданинг биринчи қисми янги таҳрирда баён этилмоқда</p> <p>Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилатганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.</p>	<p>25-модда. Жиноят процессида ишларни юритишда тарафлар тортишуви</p> <p>Жиноят процессининг барча босқичларида, хусусан, ишни судга қадар юритишда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.</p>	<p>Жиноят процессининг асосий принципларидан бири бўлган тортишув принципи нафақат суд босқичида, балки ишни судга қадар юритиш босқичида амал қилиши жиноят иши бўйича ҳақиқий ҳолатни юзага чиқаришда ва адолатли суд ҳукмига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган Президент маърузасида ҳам ушбу масалага Президент томонидан алоҳида урғу бериб ўтилди.</p> <p>Ишни судга қадар юритиш босқичида прокурор ва ҳимоячи ваколатларини тенглаштириш ҳимоячининг процессуал имкониятлари ошишига олиб келади. Ушбу ҳолат Қирғизистон (ЖПК 18-модда), Озарбайжон (ЖПК 32-модда), Беларусия (ЖПК 24-модда), Украина (ЖПК 22-модда), Молдова (ЖПК 24-модда) ва Франция (ЖПК 79-модда) давлатлари қонунчилиги ва суд-ҳуқуқ амалиётида ҳам ўз аксини топган.</p>
3.	<p>28-модда. Суд</p> <p>Биринчи, иккинчи, учинчи қисмлар билан тўлдирилмоқда</p>	<p>28-модда. Суд</p> <p>Ўзбекистон Республикасида суд фаолияти ишни судга қадар юритишда суд назорати ҳамда биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияларида одил судловни амалга ошириш фаолиятдан иборатдир.</p> <p>Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари бўйича ишни судга қадар юритишда суд назоратини тергов судьяси амалга оширади.</p> <p>Тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва ҳимоя тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида фаолият юритувчи мансабдор шахсдир.</p>	<p>Ҳимоячининг айблов тарафи билан тенг имкониятлардан фойдаланиши учун унинг ҳолис орган бўлган судга мурожаат қилиши орқали ўз имкониятларини кенгайтириши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аммо амалда фаолият юритаётган судларга ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишувни назорат қилиш вазифасини юқлаб бўлмаслигининг қатор омиллари мавжуд:</p> <p>Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг статистик маълумотларига кўра, республикада фаолият юритаётган адвокатлар ҳозирда 4200 нафарга яқин бўлиб, судлардаги иш ҳажмининг юқорилиги эса ишни судга қадар юритишда адвокатларнинг ҳар бир мурожаатини тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш имкониятини бермайди;</p> <p>Иккинчидан, кўп тадқиқотчиларнинг фикрича, судьянинг айблов тарафи тўплаган далилларни баҳолашга киришиши жиноят ишини кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг ҳолислигига шубҳа туғдиради. Шу сабабли</p>

	<p>хам гумон қилинувчи (айбланувчи)ни қамоққа олиш асосларини белгилаган судья унинг айблилиги масаласини ҳал қилиши мумкин эмас;</p> <p>Учинчидан, судьянинг суд процессининг бошланғич босқичидаги ҳар қандай ҳулосаси у ёки бу тарзда айблилик масаласига бориб тақалади, бу масалани ҳал қилар экан, судья қонунда берилган кўрсатмадан қатъий назар, жиноий таъқибга дахлдор бўлиб қолади;</p> <p>Тўртинчидан, ишни судга қадар юритиш жараёнида судьянинг суд назоратини амалга ошириши билан боғлиқ ҳар қандай ҳулосаси суд муҳокамаси жараёнида судьянинг холислигига муайян даражада таъсир қилишини инкор этиб бўлмайди.</p> <p>Шу сабабли, ишни судга қадар юритишда тарафлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўлақонли фойдаланишлари ҳамда ўз процессуал мажбуриятларини бажаришлари учун бу жараёнда холислик ҳамда беғаразликни таъминловчи жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари таркибида тергов судьяси лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Тергов судьяси томонидан суд назоратининг амалга оширилиши, ишни судга қадар юритишда ҳақиқий тортишув муҳитини яратади, сабаби, ҳимоячининг илтимосномасини энди жиноий таъқиб ва ишни ҳал қилиш функциясини бир вақтда бажарувчи ишни судга қадар юритувчи органлар ҳал қилмайди, балки кучлар мувозанати яратилади. Бу ўз навбатида, жиноят процессида ҳимоячининг мавқеи ошишига, уни исботлаш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини реал таъминлашга хизмат қилади. Сабаби, далилларни топиш ва мустаҳкамлаш юзасидан асосли илтимосномаси рад қилинган ҳолларда, тергов судьяси унга мазкур ҳуқуқидан фойдаланиш имконини қафолатлайди, шу билан бирга унинг кейинчалик ишни мазмунан кўриш мажбуриятидан халос этилиши унинг ички мустақиллигини таъминлайди, яъни унинг қабул қилган қарорига келгусида боғланиб қолишининг олдини олади.</p>
--	---

			<p>Бугунги кунда тергов судьяси институти дунёнинг кўплаб давлатларида фаолият олиб боради. Хусусан, Германия, Бельгия, Греция, Ироқ, Испания, Нидерландия, Хорватия ва айниқса, Францияда ушбу институт ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Германияда тергов судьяси (участка судьяси) жиноят процессининг ўта муҳим фигураси бўлиб, унинг фаолияти Германия адвокатлари учун катта имконият ҳисобланади. Тергов судьясига камоққа олиш, тинтув ўтказиш, ДНК таҳлилларини ўтказиш, телефон-сўзлашув қурилмаларини эшитиш каби прокурор мурожаатлари юзасидан қарор қабул қилиш масъулияти юкланган. Тергов судьяси фаолияти ўз ўрнида адвокат фаолиятига ҳам таъсир этади. У полиция ва прокуратура органларининг ҳаракатларини кўриб чиқади ҳамда ушбу органлар фаолиятининг мувофиқлиги ва қонунийлигини текширади. Шунингдек, полиция ҳаракатларини чеклайди, бу эса адвокатлар учун ўта муҳимдир, чунки иш тергов судьяси қўлида бўлган вақтда у ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чикмагунча қарор қабул қилмайди, бу эса ҳимоячи фаолиятига ижобий таъсир этади ва ҳимоячига иш юзасидан прокуратурада мавжуд бўлган барча маълумотлар билан эртароқ танишиш имкониятини беради. Натижада, адвокат ҳимояни тўғри ва самарали амалга оширишга эришади. Ҳозирда МДҲ ва бошқа давлатларда ҳам тергов судьяси институти жорий этилмоқда, хусусан, 2002 йилда Литва (ЖПК 158-м.)да, 2003 йилда Молдавия (ЖПК 41-м.) ва Эстония (ЖПК 21-м.)да, 2005 йилда Латвия (ЖПК 210-м.)да, 2013 йилда Украина (ЖПК 3-м.)да, 2015 йилда эса Қозоғистон (ЖПК 55-м.), Грузия (ЖПК 20-м.) ва Қирғизистон (ЖПК 31-м.) да ушбу институт жорий этилган, Арманистонда тергов судьяси институтини жорий этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.</p>
4.	29-модда. Суднинг ваколатлари Янги биринчи қисм билан	29-модда. Суднинг ваколатлари Тергов судьяси ваколатларига:	Тергов судьяси – ишни судга қадар юритиш босқичларида фаолият олиб борувчи, айблов ва ҳимоя

<p>тўлдирилмоқда, биринчи қисм иккинчи қисм ҳисобланиб, янги таҳрирда баён этилмоқда.</p>	<p>қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамокда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш ёки ўзгартириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни кўриб чиқиш; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш; айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, мол-мулкни хатлаш ва уни таъқиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги, мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; қамокқа олиш (ёки уй қамоғи) эҳтиёт чорасини ўзгартириш, мол-мулкни хатлаш ва уни таъқиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ва терговчининг қонунга хилоф ҳамда асосиз қарорларини бекор қилиш; адвокат сўрови юзасидан мансабдор шахс томонидан рад жавоби берилган тақдирда,</p>	<p>тарафларининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб, назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб берувчи масъул мансабдор шахс ҳисобланади.</p> <p>ЖПКнинг 377-моддаси ҳимоячининг жиноят иши тамомлангандан кейин ундаги материаллар билан танишиб чиққач, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш ҳақида илтимоснома бериш ҳуқуқини кафолатласада, 99% ҳолларда терговчи томонидан илтимоснома асосиз рад қилинади. Бинобарин, дастлабки тергов давомида, ҳимоячининг деярли барча илтимосномалари қаноатлантирилмасдан қолади, ҳимояланувчининг важларига етарли эътибор қаратилмайди, ҳимоя ҳуқуқи расмиятчилик билан амалга оширилади. Яъни, тергов судьяси далилларни бир ёқлама тўплаш амалиётига барҳам беради, далиллар тортишув муҳитида тўпланса, уларнинг ҳаққонийлиги ва ишончлилиги таъминланади, ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.</p> <p>Шу аснода, иш юзасидан ҳолислик таъминланишига тўсқинлик қиладиган кўплаб ваколатларнинг бошқа бир мустақил орган иш юритувида ўтказилиши натижасида ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглигининг таъминланишига, бу жараёнда айблов ва ҳимоя фаолияти устидан суд назоратининг муваффақиятли амалга оширилишига, шунингдек ҳимоячининг ўз касбий фаолиятини амалга оширишида кенг имкониятлар ва қулайликлар яратилишига эришиш мумкин. Зеро, тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши жиноят ишларини шаффоф ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида олиб боришга шароит яратиб беради. Ишни судга қадар юритишда тергов судьяси фаолиятининг йўлга қўйилиши бир томондан, ишни судга қадар юритишда тарафлар тортишуви принципи амал қилишига имкон берса, иккинчи томондан эса далиллар баҳоланишининг ҳаққонийлигига эришиш имконини беради. Булар</p>
---	--	---

<p>(иккинчи қисм)</p> <p>Суднинг ваколатларига: қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамокда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда кўриб чиқиш; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги, мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; прокурорнинг гувоҳ ва</p>	<p>тегишли юридик ёрдам кўрсатиш ва ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, ҳужжат ёки нарсаларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш;</p> <p>ишни судга қадар юритишда ҳимоячининг илтимосномасига мувофик, қонун билан муҳофаза этиладиган сирни ташкил этувчи ҳужжатларни сўраб олиш ва ҳимоячига тақдим этиш;</p> <p>жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш.</p> <p>Ишни мазмунан кўриб чиқиб, ҳал қилувчи суднинг ваколатларига: жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; дастлабки эшитув ўтказиш, ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро этириш киради.</p>	<p>биргаликда биринчи инстанция судида тарафлар ўртасидаги эҳтимолий низоларни баргараф этилишини таъминлайди.</p>
---	---	--

	<p>жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) кўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқиш; жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш; дастлабки эшитув ўтказиш, ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш; ишни апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиш; ҳукмни ижро эттириш киради.</p>		
5.	<p>49-модда. Ҳимоячи (биринчи қисм) Ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.</p>	<p>49-модда. Ҳимоячи (биринчи қисм) Ҳимоячи – ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.</p>	<p>Ушбу моддада ҳимоячининг ҳимоя қилиш билан боғлиқ ёрдамидан фойдаланувчи шахслар доираси етарлича тўлиқ очиб берилмаган. Жиноят-процессуал қонунчилик нафақат амалда ёки жиноят устида ушланган шахсларнинг, балки гумон остига олинган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга чақирилган, келгусида гумон қилинувчи ёки айбланувчи мақоми остида намоён бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг ҳам ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан, ҳимоячининг ишда иштирок этишига терговга қадар текширув ҳаракатлари бошланган вақтдан бошлаб рухсат этилишининг қонунчиликда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир.</p> <p>Зеро, ҳимоячининг ишни судга қадар юритишдаги иштироки максимал тарзда эрта даврлардан бошланиши нафақат ҳимоя, балки айблов томонининг ҳам манфаатларига мос келади. Терговга қадар текширув босқичидаёқ шахс ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслигини исботлаб бериш – ҳимоянинг бу босқичдаги муҳим вазифаси ҳисобланади. Негаки, терговга қадар текширув босқичида ҳал этилиши лозим бўлган энг асосий вазифа айблов учун асоснинг мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашдир. Келгусида агар жиноят иши кўзғатиладиган бўлса, шахснинг ўз айбсизлигини исботлаши анча қийин бўлади. Шунинг учун жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган қарори чиқарилгунга қадар шахсга нисбатан бўлган</p>

	<p>(иккинчи қисм)</p>	<p>(иккинчи қисм) Ишда ҳимоячи сифатида адвокат иштирок</p>	<p>гумонни баргараф этишда ҳимоячи иштироки муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, ЖПКнинг 49-моддасига ўзгартиш киритиб, ҳимоячининг ишда иштирок этишига терговга қадар текширув ҳаракатлари бошланган вақтдан бошлаб рухсат этилишини белгилаш, ҳимоячининг терговга қадар текширув босқичидаги процессуал мақомини ўрнатиш, унинг иштирокини белгилаш, шунингдек, ушбу босқичдаги ҳуқуқлари ва фаолият таркибини қонуний мустаҳкамлаш бугунги кун талаби бўлиши билан бирга суд-ҳуқуқ амалиётида бугунги кунда юзага келаётган жуда кўплаб муаммоларнинг ечими сифатида намоён бўлади. Хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаси ўрганилганда, РФ ЖПКнинг 144-моддасида жиноятга оид хабарни текшириш иштирокчиси бўлган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши, хусусан адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигини кўришимиз мумкин.</p> <p>Ишда ҳимоячи сифатида адвокатнинг иштирок этиши Арманистон ЖПК (6-модда), Қозоғистон ЖПК (66-модда), Украина ЖПК (45-модда), Франция ЖПК (114-модда)ларида ўз ифодасини топган. Озарбайжон Республикаси ЖПКнинг 92-моддасида эса жиноят ишлари бўйича ҳимоячи сифатида фақатгина адвокат иштирок этиши белгиланган. Республикамиз ЖПК да ҳам ушбу нормани <i>мумкин</i> деб эмас, балки адвокат <i>иштирок этади</i> деб кўрсатиш модда матнини аниқлаштиради, шунингдек, ишни профессионал шахс томонидан олиб борилиши ишнинг муваффақияти ва самарадорлигини белгилайди.</p> <p>Амалдаги ЖПКнинг 49-моддасида адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилиши белгиланган. Бироқ бунда ҳимоячининг адвокат гувоҳномасини ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни</p>
--	-----------------------	---	--

<p>Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.</p>	<p>этади. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни терговга қадар текширув органи бошлиғи ёки мансабдор шахсига, суриштирувчи ёки суриштирув бўлини бошлиғи, унинг ўринбосарига, терговчи ёки тергов бошқармаси, бўлини, бўлини, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарига ёхуд ишни олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган девонхонасига тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.</p>	<p>тақдим этиш ҳолатига аниқлик киритиш талаб этилади. Негаки, амалиётда кўп ҳолларда суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳимоячига ишда иштирок этиши учун рухсат бериш вақтининг айрим сабаблар билан кечикиши ҳолатлари учраб туради. Дейлик, ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатиб, муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этиш ва ишга киришиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келганда, суриштирувчи ёки терговчининг ўз хизмат хонасида вақтинчалик йўқлиги ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошираётганлиги сабабли бандлиги ва ҳ.к. сабаблар билан ҳимоячини қабул қила олмаслик ҳолатлари кузатилади. Бу эса ҳимоячининг ўз фаолиятини амалга ошириш учун ишга киришиш вақтининг кечикишига ҳамда унинг фаолиятида сансалорликка учрашига олиб келади. Ҳимоячининг фаолиятига бўладиган ҳар қандай тўсқинлик эса шубҳасиз унинг касбий ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишида муаммоли ҳолатни юзага келтиради. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида иккинчи қисмни янги норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда.</p> <p>Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг энг дастлабки босқичи, яъни терговга қадар текширув ҳаракатлари ўзига нисбатан олиб борилаётган шахснинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилиши, ушбу шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланишига ҳамда ушбу шахсларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўз касбий манфаатдорлигидан келиб чиқиб турли хил кўринишдаги босим ўтказилиши олди олинисига олиб келади.</p>
--	--	--

	<p>(тўртинчи қисм) Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади.</p>	<p>(тўртинчи қисм) Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, хусусан, ўзига нисбатан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахснинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади.</p>	
6.	<p>50-модда. Ҳимоячини таклиф этиш Янги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилмоқда</p>	<p>50-модда. Ҳимоячини таклиф этиш (учинчи қисм) Танланган ҳимоячининг тўрт соат ичида ишда иштирок этиш учун киришишга имкони бўлмаган ҳолларда, терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг расмий сайтга доимий равишда жойлаштириб бориладиган адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвали тўғрисидаги батафсил маълумотдан фойдаланган ҳолда навбатчи адвокатнинг ишда иштирок этишини таъминлашга ҳақлидир. (тўртинчи қисм) Терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвалига амал қилмаслиги</p>	<p>Мазкур модда учинчи қисмида белгиланган норма амалда муваффақиятли ишламаётганлиги, яъни Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга адвокатлар навбатчилик жадвалининг тақдим этилаётган бўлишига қарамасдан, ушбу навбатчилик жадвалига риоя этилмаганлик учун ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқмаётганлиги сабабли бу борадаги муаммо ҳануз ўз ечимини кутиб турибди. Шу сабабли: <i>биринчидан</i>, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари томонидан белгиланадиган навбатчилик жадвалига риоя этилмаганлик, яъни ҳимоячи билан таъминламаганлик учун адвокатлик тузилмаси раҳбарининг жавобгарлигини ошириш керак; <i>иккинчидан</i>, навбатчи адвокатлик тузилмалари тўғрисидаги ёки навбатчи адвокат йўқлигида уни ўрнига алмашадиган адвокат тузилмалари тўғрисидаги батафсил маълумот Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг</p>

		уларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига олиб келади.	расмий сайтига доимий жойлаштирилиши ҳамда реал вақт режимда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб борилиши лозим; учинчидан, адвокатлик тузилмаларининг навбатчилик жадвалига амал қилмаган терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд органлари мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш керак.
7.	53-модда. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш ва гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш; ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; ушбу Кодекс 87-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ далилларни тўплаш ва тақдим этиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар	53-модда. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (биринчи қисм) Ҳимоячи: - адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва иш юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни терговга қадар текширув органи бошлиғи ёки мансабдор шахсига, суриштирувчи ёки суриштирув бўлинмаси бошлиғи, унинг ўринбосарига, терговчи ёки тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳ бошлиғи ва унинг ўринбосарига ёхуд ишни олиб бораётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган девонхонасига тақдим этганидан сўнг ишда иштирок этиш; - барча тергов ҳаракатларида, хусусан, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида ҳам иштирок этиш ва гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, эксперт ва мутахассисларга саволлар бериш; - ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; - жиноят иши ва терговга қадар текширув материаллари билан жиноят процессининг ҳар қандай босқичида терговга қадар текширувни ўтказишга, жиноят ишини қўзғатишга ёки қўзғатишни рад этишга асос бўлган	Мазкур моддада белгиланган ҳимоячининг “адвокатлик гувоҳномасини кўрсатиши ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этиши ҳолатига аниқлик киритиш талаб этилади. Негаки, амалиётда кўп ҳолларда суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳимоячига ишда иштирок этиши учун рухсат бериш вақтининг айрим сабаблар билан кечикиши ҳолатлари учраб туради. Дейлик, ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатиб, муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этиш ва ишга киришиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга келганда, суриштирувчи ёки терговчининг ўз хизмат хонасида вақтинчалик йўқлиги ёки бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошираётганлиги сабабли бандлиги ва ҳ.к. сабаблар билан ҳимоячини қабул қила олмаслик ҳолатлари кузатилади. Бу эса ҳимоячининг ўз фаолиятини амалга ошириш учун ишга киришиш вақтининг кечикишига ҳамда унинг фаолиятида сансалорликка учрашига олиб келади. Ҳимоячининг фаолиятига бўладиган ҳар қандай тўсқинлик эса шубҳасиз унинг касбий ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишида муаммоли ҳолатни юзага келтиради. Маълумки, жиноятларни тергов қилиш гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва бошқалар иштирокида амалга оширилади. Уларнинг ҳар бири муайян даражада айбланувчининг шахсий манфаатлари доирасига таъсир кўрсатади. Шу сабабли

<p>билан, суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; агар ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сирни ўз ичига олган ахборот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; суд томонидан иш бўйича дастлабки эшитув ўтказилаётганда ва суд муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлар тўғрисида билиш ҳамда уларга нисбатан эътирозлар билдириш; апелляция, кассация инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>материаллар, барча тергов ҳаракатлари баённомалари, қарорлар, гумон ёки айбловга асос бўлган далиллар, ҳимоя остидаги шахсга тақдим этилган ёхуд тақдим этилиши лозим бўлган бошқа материаллар билан, шу жумладан электрон маълумот ташиш воситаларидаги материаллар билан танишиш ва улардан техник воситалар ёрдамида нусха олиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўз ташаббуси билан шартнома асосида экспертиза ва аудиторлик текширувини ўтказиш, мутахассислар жалб этиш ва уларнинг ёзма хулосаларини олиш; - ишни судга қадар юритишдаги фаолияти натижалари ва иш юзасидан хулосаларидан иборат бўлган “ҳимоя хулосасини” судга тақдим этиш; - терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; 	<p>айбланувчи ҳуқуқларига таъсир этиш чегараларини белгилаш, қонуний манфаатлар ноўрин чекланишининг олдини олиш зарурияти юзага келади. Бунда энг аввало, у ёки бу тергов ҳаракатини ўтказиш учун чиқарилган қарор асосланган бўлиши талаб этилади. Ҳимоячининг тергов ҳаракатларидаги иштироки эса далиллар объективлигини оширади. Бироқ амалиётда ҳимоячининг бор-йўғи бир неча тергов ҳаракатларида, хусусан, айбланувчини сўроқ қилиш, айб эълон қилиш жараёнида иштирок этишинигина кўришимиз мумкин. Бир қатор жиноят ишларининг ҳақиқий ҳолати фақат ҳимоячи томонидан мутахассисларни жалб этиш орқалигина исботланиши мумкинлиги, бу эса нафақат жиноят ишининг, балки айбланувчи ёки жабрланувчининг тақдирига бевосита ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Шу сабабли ҳимоячининг барча тергов ҳаракатларида, хусусан, гумон қилинувчи ва айбланувчи иштирокисиз ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида ҳам иштирок этишини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.</p> <p>Қонунда белгиланган терговга қадар текширув органларининг далилларни тўплаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ процессуал фаолияти сингари ҳимоячининг ҳам шахсларни сўровдан ўтказиш баённомасини юритиши, ашёлар, ҳужжатлар ва холислар ёрдамида олинган бошқа маълумотлар ва баённомаларни тақдим этишининг процессуал тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳимоячида терговчида бўлгани каби ҳокимият ваколатларининг мавжуд эмаслиги унинг ушбу ҳуқуққа эга бўлишини талаб этади. Шу сабабли ҳимоячига ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахснинг розилиги билан уни сўровдан ўтказгач, ушбу шахсни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳамда шахсларни сўровдан ўтказиш баённомасини юритиш ҳуқуқини тақдим этишни тақлиф этамиз.</p> <p>Бугунги кунда жиноятчиликнинг янги турлари,</p>
--	---	--

<p>Ҳимоячи томонидан судга тақдим этилган “ҳимоя хулосаси”да келтирилган ҳолатлар юзасидан иш суд муҳокамасига чиқарилмасдан, балки терговга қайтарилишига йўл қўйилмайди.</p> <p>Ҳимоячининг илтимоснома ёки бошқа мурожаатини процессуал тартибда рад этишга терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг асослангилган қарори асосидагина йўл қўйилади.</p> <p>Ҳимоячи томонидан жиноят ишини юритишнинг барча босқичларида ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши, қийноқ ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилганлиги тўғрисида келтирилган важлар суд томонидан кечиктирмасдан ва устуворлик тартибида текширилиши шартдир.</p> <p>Янги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўдирилмоқда</p>	<p>кўринишлари пайдо бўлган бир пайтда ҳимоячининг тактика ва стратегиясида кўплаб махсус билимларга оид саволлар юзага келаётганлиги ҳамда мутахассис ва эксперт билимларидан фойдаланиш эҳтиёжи пайдо бўлаётганлиги кузатилмоқда. Зеро, ҳимоячининг фаолият йўналиши қанчалик кенг бўлмасин, у махсус билимлардан фойдаланишнинг ҳамма жиҳатларини ҳам қамраб ололмадлиги айтиш ҳақиқатдир. Ҳимоячининг махсус билимларга оид эҳтиёжларини қондирувчи жиноят процесси иштирокчиси эса бу – мутахассис ҳисобланади. Бу эса ҳимоячининг <i>ишга мутахассис жалб этиш ваколатига эга бўлишини талаб этади.</i></p> <p>Шу ўринда таъкидлаш лозимки, экспертиза хулосаси асосида жиноят иши бўйича жуда ҳам муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин бўлади. Бироқ экспертиза хулосаси экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда қўйилган саволларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айтиш мумкинки, бир ҳолат юзасидан терговчи ва ҳимоячи эксперт олдига турлича саволлар қўйиши ва ўша саволлардан келиб чиқиб, турли хил натижани қўлга киритиши мумкин. Жиноят ишларини юритишда махсус криминалистик билимларга эга бўлган шахслар эксперт ва мутахассис эканлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур шахслар ўртасидаги тафовут, шартли характерга эга. Чунки уларнинг ҳар иккиси айблов ва ҳимоя тарафи бўлган терговчи, прокурор ва ҳимоячи беҳабар бўлган махсус билимларга эга. Улар ўртасидаги фарқ ўтказилган тадқиқотларнинг процессуал расмийлаштирилишидадир. Ҳақиқатдан ҳам эксперт ва мутахассис ишга ким томонидан жалб этилиши ва улар олдига қандай савол асосида вазифа қўйилиши ҳам бу ерда муҳим аҳамият касб этади. Терговчи томонидан эксперт ёки мутахассис ишга жалб этилганда, терговчи унга ўз касбий манфаатдорлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб вазифа қўяди. Бироқ ҳимоячининг асосий вазифаси ишонч билдирувчи шахснинг ҳолатини енгиллаштиришга</p>
---	---

		<p>эришиш бўлгани учун ҳам химоячи томонидан асл ҳолатни юзага чиқаришдан манфаатдорлик юқори бўлади. Бироқ айтиш мумкинки, химоячининг ушбу жараёндаги ҳуқуқи экспертиза тайинлаш кўринишида эмас, балки экспертиза ўтказишни сўраш учун экспертларга мурожаат қилиш кўришида бўлиши талаб этилади. Химоячига экспертиза ўтказиш учун мурожаат қилиш ваколатининг берилиши жиноят-процессуал кодексида тортишув принципи қоидаларини қўллашни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Шу билан бирга химоячида экспертиза ўтказиш ҳуқуқининг мавжудлиги унинг маълумот тўплаш билан боғлиқ ҳуқуқининг ҳақиқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ҳаракат орқали адвокат ҳақиқий илмий-техник воситалар ва тадқиқотларга асосланиш имкониятига эга бўлади.</p> <p>Эксперт учун химоячининг экспертиза ўтказиш бўйича сўрови мажбурий аҳамият касб этмайди, яъни ушбу мурожаатни бажармаганлик учун эксперт жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилмайди, иккинчидан, ушбу ҳаракатлар шартномавий муносабатлар кўринишида бўлади. Химоячи экспертиза тадқиқоти учун тегишли тўлов эвазига махсус билимларга асосланиб маълумот олиш имкониятига эга бўла олади. Ушбу ҳолат бир қатор хорижий давлатлар қонунчилигида ўз ифодасини топган бўлиб, хусусан, Қозоғистон ЖПКнинг 70-моддасида адвокат ваколатлари жумласига “5) шартнома асосида эксперт хулосасини ва мутахассис фикрини олиш ҳамда уларни жиноят ишига қўшиб қўйиш бўйича илтимоснома киритиш” назарда тутилган. Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасида ҳам химоячининг экспертни таклиф этган ҳолда экспертиза тайинлашни сўраб тергов судьясига илтимоснома киритиши, шунингдек, ўзи химоя қилаётган шахс манфаатларидан ва ташаббусидан келиб чиқиб, шартнома асосида экспертиза ўтказиш ҳуқуқига эга эканлигини кўришимиз мумкин. Россия Федерацияси ЖПКнинг 58-моддасида эса адвокатга “мутахассисни</p>
--	--	--

	<p>жалб этиш ҳукуқи” берилганлигини кўришимиз мумкин. Франция қонунчилигига (ЖПК 161-1-м.) мувофиқ эса экспертиза тайинлаш ҳукукига тергов судьяси эга ҳисобланади ва у экспертиза тайинлашда айблов ва химоя тарафига экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш юзасидан илтимоснома такдим этишлари учун 10 кунлик муҳлат беради.</p> <p>Амалдаги ЖПКда белгиланган тартибга кўра, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорни рад этиш учун асослар мавжуд бўлса ҳам, химоя тарафи айбловни ифода этувчи тараф олдида илтимос қиладиган шароитга қўйилмоқда. Негаки, амалиётда айбловни ифода этувчи мансабдор шахс томонидан химоянинг важлари тўғри ва холис кўриб чиқилмаслик ҳолатлари кузатилади. Айбловни қўллаб-қувватловчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи шахс сифатида прокурор химоячининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурорни рад этиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишда, шунингдек, юқори турувчи прокурор қуйи турувчи прокурорга нисбатан радияни кўриб чиқишда холисликни таъминлай олмаслиги эса ҳеч кимга сир эмас.</p> <p>Шу сабабли ҳам жиноят-процессуал қонунчиликка химоячи томонидан суриштирувчи, терговчи ва прокурорни рад этиш тўғрисида судга мурожаат этиш ҳуқуқини бериш ва ушбу масалани кўриб чиқиш ваколатини мустақил судга ўтказиш тўғрисидаги нормани киритиш талаб этилади. Бу эса ишни судга қадар юритиш босқичида тарафлар тортишуви принципининг таъминланишига имкон беради.</p> <p>Ишни судга қадар юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципи амал қилишини таъминлаш ҳамда химоячи процессуал мақомининг ошишига ва таъминланишига эришиш мақсадида химоячининг айблов тарафида бўлгани сингари иш юзасидан хулоса</p>
--	---

			<p>бериш амалиётини қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу амалиётнинг жорий этилиши ҳимоячига ўз фаолияти натижалари ва иш юзасидан хулосаларини процессуал ҳужжатда акс эттириш имконини беради. Ушбу процессуал ҳужжат – “ҳимоя хулосаси” деб номланиши ҳамда ишни судга қадар юритиш яқунланганидан ва ҳимоячи жиноят иши билан танишиб чиққанидан сўнг 3 кун ичида “ҳимоя хулосасини” судга тақдим этиши лозим бўлади. Ҳимоячининг ҳимоя хулосасини тақдим этиш ҳуқуқини назарда тутувчи нормани моддада акс эттириш таклиф этилади.</p>
8.	<p>85-модда. Исбот қилиш</p> <p>Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатдир</p>	<p>85-модда. Исбот қилиш.</p> <p>Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш, тақдим этиш ва баҳолашдан иборатдир.</p>	<p>Далиллар исбот қилиш жараёнида фақатгина исбот қилишни амалга оширувчи шахслар томонидан аниқланиб, тўпланибгина қолмайди, балки исбот қилиш иштирокчилари ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан тақдим этилиши ҳам мумкин. далилларни тақдим этиш бир қарашда далилларни тўплашнинг таркибида мавжуддек кўринади. Бироқ далилларни тақдим этиш босқичи далилларни тўплашнинг таркибида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги бўйича ЖПКнинг бир қатор нормалари таҳлил қилинганда, уларда зиддиятли ҳолатлар мавжудлиги кўзга ташланади.</p> <p>Масалан, ЖПК 87-моддасининг 1-қисмида далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланиши белгиланган. Мазкур модданинг 2-қисмида эса ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва</p>

			<p>тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда қўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мустаҳкамланган. Бироқ модданинг биринчи қисмида белгиланган далилларни тўплаш усуллари ичида химоячи томонидан далилларни тўплаш усуллари кўрсатиб ўтилмаган. Шунга қарамадан химоячининг далилларни тўплаш ҳуқуқи қонунчиликда мустаҳкамланганидан келиб чиқиб, мазкур модда биринчи қисмида қайд этилган тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиши жумласида химоячи томонидан тўпланган далиллар назарда тутилган дея эътироф этишни лозим деб ҳисоблаймиз.</p> <p>Шу тариқа, юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, жиноят-процессуал қонунчилик химоячининг далилларни тўплаш ҳуқуқига эга эканлигини эътироф этишига қарамадан, қонунни қўллаш амалиёти химоячининг ушбу далилларни далил сифатида мустақил равишда эътироф эта олмаслиги билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжудлиги намоён бўлмоқда. Бунда химоячи фақатгина ушбу далилларнинг мавжудлигига эътибор қарата олади, холос.</p> <p>Шу сабабли ҳам химоячи томонидан тўпланган ва тақдим этилган барча ҳужжатлар ва ашёвий далиллар жиноят процессини юритаётган орган томонидан қайта текширилади. Айтиш мумкинки, ушбу ҳолат химоячининг процессуал ҳаракати далиллар рўйхатига қонунан киритилмагунга қадар давом этади. Бу эса химоячининг ўз процессуал ҳуқуқларидан самарали</p>
--	--	--	--

			<p>фойдаланишига сезиларли таъсир ўтказди.</p> <p>Ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида далилларни тақдим этишни исбот қилиш жараёнининг мустақил босқичи сифатида белгилаш таклиф этилади.</p> <p>Хорижий давлатлар ЖПКлари нормалари таҳлил қилинганда Молдова давлати ЖПКнинг 99-моддаси 1-қисмида исбот қилиш бу – жиноят судлов ишларини юритишда иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш учун далилларни тўплаш, тақдим этиш, тасдиқлаш ва улардан фойдаланишдан иборат тарзда белгиланлигини кўриш мумкин.</p>
9.	<p>86-модда. Исбот қилиш иштирокчилари (биринчи қисм)</p> <p>Исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади.</p> <p>Иккинчи қисмидан ҳимоячи сўзи чиқариб ташланмоқда.</p>	<p>86-модда. Исбот қилиш иштирокчилари (биринчи қисм)</p> <p>Исбот қилиш – исбот қилиш мажбуриятига эга бўлган шахслар: суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ҳамда исбот қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳимоячи томонидан амалга оширилади.</p> <p>Исбот қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.</p>	<p>Исбот қилишни амалга оширишда тенг ҳуқуқли субъект сифатида иштирок этиш ҳимоячи фаолиятини самарали амалга оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳолат ҳимоячининг ўз олдига қўйган мақсадига асосланади ҳамда бевосита халқаро қонунчилик нормалари, хусусан, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси талабларидан келиб чиқади.</p> <p>Ҳимоячининг далиллар тўплаш билан боғлиқ ваколатини амалиётда ҳеч бир муаммосиз амалга оширилишига эришиш ҳамда жиноят ишларини юритишда тарафлар тенглиги ва тортишув принципи талабларини бажариш мақсадида ҳимоячини исбот қилишни амалга ошириш ҳуқуқига эга шахс сифатида қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.</p>
10.	<p>Тўлдирилмоқда</p>	<p>87¹-модда. Ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш тартиби</p> <p>Ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш – жиноят иши бўйича ҳимояни амалга оширишда аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш ва далилларни тўплашга қаратилган процессуал</p>	<p>Ҳимоячи томонидан далиллар тўплаш усулларидан бири бу шахсларни сўровдан ўтказиш усулидир. Бироқ мазкур усул қонунда ҳам, назарияда ҳам ва ҳатто амалиётда ҳам тартибга солилмаган. Айтиш жоизки, ҳимоячи томонидан сўров ўтказишдан мақсад – жиноят иши бўйича далил предметига кирувчи, жиноятни содир этишда шахснинг айбсизлигини, жиноят таркиби ёки ҳодисасининг йўқлигини, жиноий жавобгарлик ёки</p>

<p>ҳаракат ҳисобланади.</p> <p>Ҳимоячи иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар унга маълум бўлган ҳар қандай шахсни сўровдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Сўровни амалга ошириш жараёнида маълумотларни беришга мажбурлаш, ёлғон ёки куч ишлатиш ёхуд шахсга нисбатан бошқа бир ноқонуний ҳаракатни амалга оширишга йўл қўйилмайди.</p> <p>Сўровни бошлашдан олдин ҳимоячи:</p> <p>шахсдан маълумотларни беришга розилик олиш, шунингдек ушбу процессуал ҳаракатни техник воситалардан фойдаланган ҳолда қайд этиш ва қайд этилганларни сўров ўтказилаётган шахс имзоси билан тасдиқлаш; сўров ўтказилаётган шахсга у томонидан берилаётган маълумотлар сўров баённомасига киритилиши ва иш ҳужжатларига далил сифатида қўшиб қўйилиши мумкинлиги, шу сабабли шахсни била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик мавжудлиги билан огоҳлантириши, ушбу шахс сўроқ қилиш мақсадида кўрсатма бериш учун чақиртирилиши, бундай ҳолатда мазкур шахс масъулиятни ўз бўйнига олиши лозимлигини тушунтириш;</p> <p>ҳимоячи томонидан шахсни сўровдан ўтказиш жараёнида олинган маълумотлар баённомада ёзма равишда қайд этилиши шарт.</p> <p>Сўровдан ўтказилаётган шахс томонидан ашё ёки ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда ушбу ҳолат баённомада акс эттирилиши ва улар илова тарзда баённомага қўшиб қўйилиши лозим.</p> <p>Баённомада келтирилган маълумотлар сўровдан ўтказилаётган шахс сўзларидан тўғри ёзиб олинганлиги қайд этилиши керак.</p>	<p>жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжуд эмаслигини аниқлаш ҳамда ҳимоя учун зарур бўлган бошқа маълумотларни тўплашдан иборатдир.</p> <p>Шу тариқа айтиш мумкинки, шахсни сўровдан ўтказиш – бу ҳимоячи томонидан амалга ошириладиган ва ҳимоя учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўплашга қаратилган процессуал ҳаракатдир.</p> <p>Бироқ айтиш мумкинки, шахсларни сўровдан ўтказиш тартиби ва уни амалга ошириш механизми қонунчиликда белгиланмаган. Бу эса ҳимоячининг исбот қилишни амалга ошириш фаолиятидаги муаммоли ҳолатлардан бири ҳисобланади ва бу тўлдирилиши талаб этиладиган қонунчиликдаги бўшлиқлардан бири сифатида намоён бўлади.</p> <p>Кўп ҳолларда сўроқ қилиш натижасида олинган маълумотлар бир-бирига мос келмаган, ҳолис бўлмаган ҳамда терговчи томонидан ҳимоя тарафи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар қайд этилмаган, турли сабабларга кўра терговчининг шахсий нуқтаи назарига боғлиқ ҳолда иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг ноаниқ бўлиб қолиши ҳимоячи томонидан шахсларни сўровдан ўтказиш заруриятини вужудга келтиради. Бу эса айбловни рад этиш ёки юмшатиш имконини берувчи янги далилларни олишга хизмат қилади.</p> <p>Шу сабабли ҳам бизнинг фикримизча, ҳимоячининг ҳар қандай шахсни, хусусан, олдин сўроқ қилинган шахсни ҳам сўровдан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир. шундан келиб чиққан ҳолда ҳимоячи томонидан шахсларни сўровдан ўтказиш тартиби қонунчиликда белгиланган бўлиши талаб этилади. Шу муносабат билан ЖПКга ҳимоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказиш тартибини белгиловчи мазкур янги моддани киритиш таклиф этилади.</p>
--	--

		<p>Сўров баённомаси ҳимоячи томонидан терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи ёки терговчига иш материалларига қўшиб қўйиш учун жўнатилади.</p> <p>Сўровдан ўтказилган ушбу шахсни сўрок қилиш зарурияти пайдо бўлганда мазкур тергов харақати терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи томонидан ҳимоячи иштирокида ўтказилади.</p>	
11.	Тўлдирилмоқда	<p>87²-модда. Ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш тартиби</p> <p>Ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш далилларни тўплаш мақсадида амалга ошириладиган процессуал харақатдир.</p> <p>Ҳимоячи давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли ва ушбу ташкилотлар ҳимоячи сўровини олган кундан эътиборан 10 кун ичида сўралган ҳужжатларни тақдим этиши шартдир. Шунингдек, қамоққа олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиганда ҳимоячи томонидан сўралаётган ҳужжат 24 соат ичида унга тақдим этилиши шарт.</p>	<p>Таъкидлаш жоизки, қонун билан муҳофаза этиладиган маълумотлардан фақат қонун билан қатъий белгиланган тартиб асосида рухсат берилган ваколатли шахслар фойдаланиши мумкин бўлиб, ҳимоячи ушбу маълумотлардан фойдаланиш ваколатига эга шахслар таркибига кирмайди. Бироқ ҳимоячининг ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида жиноят процессининг бошқа иштирокчилари (жабрланувчи, гувоҳ ва б.к)нинг манфаатларига таъсир этувчи қонун билан қўриқланадиган маълумотларни олиш зарурияти юзага келади. Бундай вазиятда тергов органларига илтимоснома билан мурожаат этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди, негаки терговчи томонидан бундай илтимоснома қондирилмаслиги мумкин.</p> <p>Шу сабабли фикримизча, бундай ҳолларда ҳимоячининг судга илтимоснома билан мурожаат этиши мақсадга мувофиқдир. Суд ҳимоячи илтимосномасини кўриб чиқиб, ушбу ҳужжатларни тегишли органлардан сўраб олиши ва ҳимоячига ўз позициясини исбот қилишида фойдаланиши учун тақдим этиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, ЖПКга ҳимоячи томонидан ҳужжатларни сўраб олиш тартибини белгиловчи янги модда киритиш таклиф этилади.</p>
12.		<p>94¹-модда. Далилларни тақдим этиш</p> <p>Далилларни тақдим этиш – жиноят-процессуал</p>	<p>Исбот қилиш жараёнида иштирок этувчи шахсларнинг фаолият ва мақсад йўналишлари турлича эканлигидан ҳамда</p>

	Тўлдирилмоқда	<p>қарор қабул қилишга эришиш мақсадида исбот қилиш иштирокчилари томонидан жиноят-процессуал қонун ва қоидаларга мувофиқ равишда жиноят изларида мужассам бўлган маълумотларни қидириб топиш ва тақдим этишга қаратилган процессуал фаолият.</p> <p>Далилларни тақдим этиш электрон тарзда ҳам амалга оширилади ва ҳимоячи далилларни тақдим этиш субъектларидан бири ҳисобланади.</p>	<p>ҳимоячи томонидан тўпланган далиллар иш материалларига қўшиб қўйилиши тўғрисидаги норма мазмунидан келиб чиқиб, далилларни тақдим этишни исбот қилишнинг мустақил босқичи сифатида қонунчиликда белгилаш ҳамда ушбу тушунчанинг ЖПКда мавжуд эмаслиги сабабли, мазкур тушунчани ўзида акс эттирувчи янги 94¹-моддани Кодексга киритиш таклиф этилади.</p>
13.	<p>225-модда. Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш</p> <p>Янги бешинчи қисм билан тўлдирилмоқда</p>	<p>225-модда. Ушлаб туриш баённомасини тузиш ва ушлаб туришнинг асослилигини текшириш (бешинчи қисм)</p> <p>Шахс амалда ушланган ёки уни жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар унинг ҳимоячи билан холи учрашиши таъминланади. Бу ҳақда баённома тузилади.</p>	<p>Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда, хусусан, 2017 йилда 7 та, 2018 йилда 10 та, 2019 йилда 16 та, 2020 йилда 17 та, 2021 йилнинг 4 ойида 5 та ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қийноққа солиш жинояти, яъни Жиноят кодексининг 235-моддаларида назарда тутилган жиноят (қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш) қайд қилинган бўлиб, натижаси бўйича айбдор шахсларнинг барчасига нисбатан суд ҳукми асосида жавобгарлик масаласи ҳал этилган. Жумладан, 2020 йилнинг 9 оyi давомида прокуратура органларига ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида 2323 та ариза ва хабарлар келиб тушган. Шундан 242 таси, яъни 10 фоиздан кўпроғини қийнаш, қўрқитиш ва бошқа тазйиқлар қилингани ҳақидаги мурожаатлар ташкил этган. Ушбу мурожаатлар натижасида 11 нафар ички ишлар ходими қийноққа солиш билан боғлиқ жиноятларда айбланиб судга берилган. Сўнгги уч йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан қийнаш, қўрқитиш ва бошқа тазйиқлар қилинганлиги юзасидан келиб тушган 757 та ариза ва хабарларнинг 4,4 фоизига нисбатан жиноят иши қўзғатилган. Бундан кўринадики, бугунги кунда терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган шахслар процессуал ҳуқуқларининг қонуний</p>

		<p>мустаҳкамланмаганлиги, жумладан уларнинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланмаётганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига ушбу шахсларга нисбатан уларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминламасликларига “йўл очиб бермоқда”.</p> <p>Шу билан бирга тергов хатолари судда ўз аксини топаётганлиги, афв қилиш тўғрисидаги қарорлар “ноқонуний қамалганлар кўплиги, терговлар ақлсиз равишда ўтказилаётганлиги сабабли қабул қилинаётганлиги ҳам эътиборга лойиқ жиҳатлардан биридир.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатасининг статистик маълумотларига кўра, шахс ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақиртирилиши муносабати билан ҳимоячини ишда иштирок этиш учун жалб этиш республика миқёсида 2018 йилда 7007 да, 2019 йилда 6046 да, 2020 йилда 5304 да ҳолатда кузатилса, шахс гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячининг ишда иштирок этиш учун жалб этилиши 2018 йилда 44605 та, 2019 йилда 43024 та, 2020 йилда эса 32732 та ҳолатда кузатилади. Бу эса терговга қадар текширувда ҳимоячи иштироки нақадар кам ҳолатларда таъминланишини кўрсатмоқда.</p> <p>Ушбу кўрсаткичлар терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи иштироки чекланганлигидан, унинг процессуал ҳуқуқлари ва имкониятлари етарли даражада таъминланмаётганлигидан, натижада эса айблов тарафи ҳаракатларидаги мувозанатни ушлаб турувчи кучнинг амалда мавжуд эмаслигидан далолат беради.</p> <p>Шу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида мазкур моддани янги бешинчи қисм билан тўлдириб, унда шахс амалда ушланган ёки уни жиноят жойида ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда яқунланган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар унинг ҳимоячи билан холи</p>
--	--	--

			учрашиши тўғрисидаги нормани акс эттириш таклиф этилади.
II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ			
1.	<p>238-модда. Ёлгон гувоҳлик бериш (биринчи қисм)</p> <p>Ёлгон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида ёки судда гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлгон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлгон хулоса бериши, худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши (иккинчи қисм)</p> <p>Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлгон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчини ёки ёлгон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, худди шунингдек уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлгон кўрсатув беришга мажбур қилиш</p>	<p>238-модда. Ёлгон гувоҳлик бериш (биринчи қисм)</p> <p>Ёлгон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов чоғида, судда ёки адвокат сўрови вақтида гувоҳнинг ёки жабрланувчининг била туриб ёлгон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб ёлгон хулоса бериши, худди шунингдек таржимоннинг бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиши</p> <p>Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов, адвокат сўрови вақтида ёхуд ишни судда кўриш чоғида ёлгон кўрсатувлар бериш учун гувоҳни ёки жабрланувчини ёки ёлгон хулоса бериш учун экспертни ёхуд нотўғри таржима қилиш учун таржимонни пора эвазига оғдириб олиш, худди шунингдек уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий, психологик, жисмоний таъсир кўрсатиш ёки бошқача тарзда таъсир кўрсатиш орқали ёлгон кўрсатув беришга мажбур қилиш</p>	<p>Ишни судга қадар юритишда химоячининг ҳуқуқларини кенгайтириш, айблов тарафи билан тенг имкониятларда фаолият олиб боришига шароит яратиш мақсадида диссертант томонидан химоячининг шахсларни сўровдан ўтказиш баённомасини юритиш таклифи илгари сурилмоқда. Бунда химоячи томонидан шахсларни уларнинг розилиги билан сўровдан ўтказишдан олдин сўров ўтказилаётган шахсга у томонидан берилаётган маълумотлар сўров баённомасига киритилиши ва иш ҳужжатларига далил сифатида қўшиб қўйилиши мумкинлиги, шу сабабли шахсни била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик мавжудлиги билан огоҳлантириши назарда тутилган. Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг мазкур моддасида адвокат сўрови вақтида ёлгон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.</p>
III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ			
1.	<p>286-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш (учинчи қисм)</p> <p>Тўртинчи қисм билан тўлдирилмоқда</p>	<p>286-модда. Маъмурий йўл билан ушлаб туриш (учинчи қисм)</p> <p>Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади</p> <p>Шахс амалда ушланганда у билан боғлиқ</p>	<p>Шахс ушланганда унинг ҳуқуқлари муайян тарзда чекланади. Бу эса унинг химоя ҳуқуқидан фойдаланиш эҳтиёжини юзага келтиради. Бироқ қонунчиликда ушланган шахснинг химоячи ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи белгиланмаган.</p> <p>Амалиётни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолларда шахс ушлаб туриш ҳаракати амалга оширилишига олиб келиши мумкин бўлган бирон-бир маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик важи остида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келиниб, ушлаб</p>

		<p>маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга оид ҳаракатлар амалга оширилганига қадар унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланади.</p>	<p>турилади ва амалдаги қонунга кўра, ушлаб турилган шахс илтимос қилган тақдирдагина, унинг адвокат билан учрашуви таъминланади, аксинча ҳолатда эса жиноят ишини юритишга масъул шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ушланган шахсни адвокат билан таъминлаш мажбуриятига эга бўлмайди. Шу аснода мазкур шахс ушлаб туришга сабаб бўлган ҳуқуқбузарлик нуқтаи назаридан эмас, балки ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган иш юритувида бўлган бошқа бир жиноий ҳодиса юзасидан унинг ишга дахлдорлиги текширилади, бу ҳолат эса ҳеч қандай расмийлаштирилмайди. Бу вақт ичида унинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланмайди, адвокат билан учрашувига эса имконият яратиб берилмайди. Аксинча, ушбу шахсдан тушунтиришлар олинади, унинг содир этилган жиноятга алоқадорлиги текширилади. Бундай ҳолатлар, афсуски, терговни олиб боришда айрим ҳолатларда ноқонуний усуллардан фойдаланишга, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга олиб келинган шахсларга нисбатан қийноқлар қўлланилишига тўғридан-тўғри йўл очиб беради. Шу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида ушбу моддага ўзгартиш киритиб, унда ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан таъминланиши шартлигини белгилаш таклиф этилмоқда.</p>
--	--	---	--

